

Б. ТОШМУРОДОВА

СОЛИҚ МУНОСАБАТЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ



ТОШКЕНТ - 2005

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
МАГИСТРАТУРАСИ

Б. ТОШМУРОВОДА

СОЛИҚ МУНОСАБАТЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ



Тошкент - 2005

65 9.26
T 647


Тошмуродова Б. Солиқ муносабатларини оптималлаштириш.
– Т.: Тошкент Молия институти, 2005. – 160 б.

Солиқ муносабатларини оптималлаштириш ўқув қўлланмасида республикамызда солиқ муносабатларининг шаклланиш ҳолати ва уни ташкил этишдаги муаммолар таҳлил этилган, солиқ муносабатларини оптималлаштириш йўналишлари кўриб чиқилган. Ўқув қўлланма магистратура йўналишидаги «Солиқ ва солиққа тортиш», «Молия менеждменти» мутахассислиги магистрантлари учун мўлжалланган. Ундан талабалар бошқа мутахассислик магистрантлари, аспирантлар, профессор-ўқитувчилар кенг фойдаланишлари мумкин.

Тақризчилар: и. ф. н. проф. Қ. А. Яҳёев,

и. ф. д. проф. Т. С. Маликов.

Тошкент Молия институти қошидаги Олий ўқув юртрлараро илмий-услубий Кенгаш томонидан ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган



1-боб. Солиқлар воситасида иқтисодиётни тартиблаш механизмидан самарали фойдаланиш орқали солиқ муносабатларини оптималлаштириш

Мавзу бўйича қўйилаётган муаммолар:

- *иқтисодиётни бошқаришнинг давлат механизми ва бозор механизми нисбатини ҳозирги иқтисодий давр учун оптимал уйғунлаштириш муаммоси;*
- *иқтисодий кўтаринкиликка эришишда солиқлар воситасида иқтисодиётга таъсир этишининг энг самарали усулларини танлаш;*
- *солиқлар ва йиғимлар, шунингдек, бюджетдан ташқари фондларга мажбурий ажратмалар структурасини ўзгартириш орқали иқтисодиётга таъсир кўрсатиш;*
- *солиқлар воситасида иқтисодиётни тартиблашнинг тўғри йўналишларини танлаш муаммоси.*


1.1. Иқтисодиётни бошқаришда давлатнинг етакчилик роли

Ҳозирги иқтисодиётнинг самарали ривожланиши кўп жиҳатдан бозор иқтисодиётини давлат томонидан тартибланишига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Лекин, бунда асосий масала давлат томонидан бошқаришнинг воситалари, усуллари, имкониятлари ва чегараларини ҳар бир давлат учун хос бўлган бозор ички фаолиятдан келиб чиққан ҳолда тўғри танлаб олишдир.

Иқтисодий адабиётлардан маълумки, давлат томонидан бозорни бошқаришнинг иқтисодий, маъмурий, ташкилий ва ижтимоий-психологик усуллари мавжуддир. Иқтисодий усулларга асосан пул-кредит сиёсати, бюджет-солиқ сиёсати, молия-бюджет механизми, баҳони шакллантириш, иқтисодий дастурлаш ҳамда давлат тадбиркорлиги киради.

Бошқаришнинг бу усулларидан фойдаланиш нисбатлари эса ҳар бир давлатнинг иқтисодий тузумига, бозор иқтисодиётининг ривожланиш даражасига боғлиқ бўлади. Жаҳон иқтисодий амалиётида шу пайтга қадар бозорнинг “эркин иқтисодиёт”, режалли иқтисодиёт ва бошқариладиган, тартибга солиб туриладиган бозор каби турлари амалда қўлланилган. Бозорнинг қайси тури амалда эканлигига қараб иқтисодиётни бошқаришнинг тегишли усуллари етакчилик қилади.

Эркин иқтисодиётда бозор талаб ва таклиф қонуни ҳаракати орқали стихияли тарзда тартибга солиниб турилади. Давлатнинг иқтисодиётга аралашуви минимал даражада бўлади. Капиталистик давлатларнинг



дастлабки ривожланиш босқичида эркин иқтисодиёт ҳукмрон бўлган. Собиқ совет иттифоқида ҳукмронлик қилган режали иқтисодиётда эса бошқаришнинг маъмурий усуллари қўлланилган. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, нархи, сотиш бозори давлат режасларига асосланиб буйруқ ва кўрсатмалар асосида белгилаб берилган.

Ривожланган давлатларнинг ҳозирги иқтисодиёти эса давлат томонидан бошқариладиган бозордир.

Республикамызда ҳозирги давр тўлиқ режали иқтисодиёт ҳам эмас, бироқ, бозор қонунилари тўла ҳукмронлик қиладиган, тўлиқ бозор муносабатлари ҳукмрон бўлган иқтисодиёт даври ҳам эмас. Бундай ўтиш давридаги иқтисодиётни бошқариш яна ҳам мураккаблашади, давлатнинг иқтисодиётга аралашуви бозорни бошқаришга нисбатан юқорироқ режали иқтисодиётга нисбатан камроқ бўлади. Бозорни бошқаришнинг амалдаги тажрибаси йўқлиги бу ҳолатни янада мураккаблаштиради. Демак, республикамызда давлат томонидан бозор иқтисодиётини бошқаришдан олдин республикада аввало бозорнинг ўзини тўла шакллантирилиши лозим. Шунинг учун ҳам республикамыз бозор иқтисодиётига ўзига хос йўл билан босқичма-босқич ўтиш йўлини танлаган бўлиб, унинг босқичлари ва устувор йўналишлари Президентимиз И.Каримов асарларида белгилаб берилган. Хусусан, улар «Мураккаб ўтиш даврида давлатнинг ўзи бош ислохотчи бўлиши зарур. Давлат бутун халқнинг манфаатларини кўзлаб, ислохотлар жараёнининг ташаббускори бўлиши, иқтисодий тараққиётнинг етакчи йўналишларини белгилаши, иқтисодиётда ижтимоий соҳада ва мустақил давлатимизнинг ижтимоий сиёсий ҳаётида туб ўзгаришларни амалга ошириш сиёсатини ишлаб чиқиши ва изчил руёбга чиқариши керак», деб таъкидлади (21. 10-11 бет).

Республикамызда айнан бозорни бошқариш тажрибасининг йўқлиги гарб иқтисодий тафаккури турли оқимлари давлатнинг бозор иқтисодиётини тартибга солиш соҳасидаги илмий концепцияларини, бозор иқтисодиёти узоқ вақт амалда бўлган, ривожланган давлатларнинг бой тажрибаларини чуқур ўрганиш ва таҳлил этиш натижаларидан зарур ҳолларда оқилона фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Шу мақсадда иқтисодиётни бошқаришда давлатнинг аралашуви, уни тартибга солиш назарий жиҳатларини ўрганиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Мумтоз иқтисодчилар У.Петти, М.В. Сей (1767-1832) ва инглиз иқтисодчилари Д. Рикардо, Дж. Милль (1793-1836) “эркин иқтисодиёт” тарафдорлари бўлганлар. Уларнинг фикрича иқтисодиёт ўз-ўзини бозорнинг қиймат қонуни асосида бошқарувчи тизимдир. Давлатнинг иқтисодга аралашуви шарт эмас, талаб ва таклиф қонуни ишлаб чиқариш жараёнини бошқариб туради, молиявий ресурсларни зарурий томонга йўналтириб туради, деб ҳисоблаганлар.

Лекин иқтисодий муносабатларнинг мураккаблашуви давлатни

иқтисодиётнинг турли соҳаларига кенгрок ва чуқуррок аралашувини тақозо қилди. Эркин иқтисодиёт даврида давлатнинг иқтисодиётга бевосита аралашуви зарурати қуйдагилар асосида келиб чиқади.

Барча асосий ишлаб чиқариш объектларига хусусий мулкчилик бўлган шароитда, хусусий компаниялар ўз сармояларини юқори даромад олиш мақсадиди талаб юқори бўлган соҳаларга йўналтиради. Конъюктурани яхши билмаслик оқибатида кўп ҳолларда ортиқча ишлаб чиқариш инқирозлари юз бериб, маҳсулот реализацияси қийинлашади; ташқи сотиш бозорларига чиқиш имкониятларига эга бўлолмаслик, ишлаб чиқаришнинг баъзи соҳаларида таклифнинг етишмаслиги оқибатида нархларнинг юқорига сакраб кетиш ҳоллари юз беради. Натижада иқтисодиётда номутаносиблик юзага келади. Маълумки, хўжалик субъектларининг молиявий барқарорлиги давлат бюджети даромадларининг узлуксизлигини таъминлайди. Ишлаб чиқарувчиларнинг инқирозга учраши давлат ва жамият манфаатларига путур етказиши. Ишлаб чиқариш стихияли тарзда зарурий йўналишга тушиб олгунга қадар маълум вақтнинг талаб этилиши молиявий ресурсларнинг мақсадсиз ишлатилишига, ишлаб чиқариш объектларининг самарасизлигига олиб келади.

Бундан ташқари иқтисодиётнинг шундай соҳалари мавжудки, бу тармоқларга сармоя сарфлаш, сармоя эгалари учун етарли даражада манфаат келтирмайди. Бундай ҳолларда давлат бюджети-молия, аниқроғи солиқлар орқали таъсир қилиши яъни солиққа тортиш даражасини пасайтириши ёки бу тармоқларни молиялаштириши, субсидиялар бериши ёки инвестиция қилиши ва ҳоказолар орқали давлатни иқтисодга аралашуви, уни тартибга солиш зарурияти юзага келади. Бунда давлат бошқариш воситалари орқали талабга ёки таклифга, ташқи савдо обороти, инфляцияга, истеъмолга, сармояларни зарурий йўналишга буришга, таъсир ўтказишга ҳаракат қилади.

Демак, «Бозор мувозанатини таъминлаш уни сақлаш учун иқтисодиётни тартибга солиш объектив бозор механизмидан ташқари унга қўмаклашувчи давлат механизмига зарурат тугилади. Давлат иқтисодиётни тартиблашнинг бозор механизми тўлиқ бажара олмаган вазифаларни ўз зиммасига олади» (14, 8-бет).

Давлат иқтисодиётни бошқаришда қуйдагиларни ўз олдига мақсад қилиб қўяди: иқтисодиётни инқирозларсиз ва молиявий узилишларсиз ўсишини таъминлаш, инфляциянинг олдини олиш ва нарх-наво барқарорлигини сақлашга эришиш; кам даромадли ва кўп болали оилалар, нафақахўрлар, ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини яратиш; ташқи иқтисодий алоқаларда тенгликни таъминлаш ва бошқалар. Аммо бу вазифаларга бир йўла эришишнинг иложи йўқ. Кўп ҳолларда бу мақсадларнинг бирини амалга ошириш иккинчисига зид келиб қолади. Бунда энг оптимал нисбатни таъминлаш

давлатнинг иқтисодий бошқариш сиёсатининг асосий вазифасидир.

Бозор шароитида моддий манфаатдорликка интилиш ва рақобатнинг бўлиши сабабли хўжалик субъектлари манфаатларининг бир-бирларига нисбатан ёки давлат ва жамият манфаатларига нисбатан зиддиятлар юзага келиши мумкин. Бунда давлат бу зиддиятларнинг юзага келмаслиги ёки уларни ҳал қилиш чораларини кўради. Шу мақсадда давлат хўжалик субъектларининг фаолият кўрсатиш қонун-қоидаларини белгилайди ва уни бажарилишини назорат этади; тегишли жазо чораларини белгилайди; монополияни чегаралаб, рақобат муҳитини яратади ва шу орқали бозор механизмининг ишлашига, бозор мувозанатини таъминлашга имконият яратади. Шунингдек "жамият тараққиёти учун зарур бўлган, аҳолининг кўпчилиги фойдаланадиган ижтимоий товарлар ва хизматларни хусусий тадбиркорлик доирасида ишлаб чиқариш мумкин эмас. Уларга мактаблар, йўллар, миллий муҳофаа ва бошқалар кириди. Уларни ишлаб чиқариш ва фойдаланишни давлатнинг ўзи ташкил этиши ва тартибга солиши лозим бўлади. Иқтисодий тартибга солишнинг давлат механизмини тақозо этувчи сабаблардан бири бозор тизимидан ташқарида содир бўлувчи инсон фаолиятининг ва табиатнинг салбий, зарарли оқибатларидан аҳолини ҳимоя қилиш заруратидир. Бундай зарарли оқибатларга инсон саломатлигига, табиатга зиён етказувчи омиллар кириди. Бозор тизимида бундай зарарлар учун жавобгар шахслардан тавон тўлашга мажбур қилувчи механизмлар йўқдир. Шунинг учун давлат томонидан иқтисодий тартибга солиш механизмида аҳолини зарарли оқибатлардан ҳимоялаш чора-тадбирлари муҳим аҳамиятга эга» (21, 10 бет).

Иқтисодийнинг давлатлаштирилган тармоқлардаги инвестиция улуши Буюк Британияда 30-40% ни, Италияда 25%, Бельгияда 10-15 %, Нидерландияда 15-20% ташкил этди. Шунингдек, бу даврда йирик кредит муассасалари ҳам давлат қўлига ўтди. Давлат қўлига асосан ҳарбий саноат, атом саноати, гидроқурилмалар, фундаментал фанларнинг ривожланиши билан боғлиқ ташкилотлар ва муассасалар ўтди. Кўп давлатларда кўмир, металлургия, нефть, газ, алоқа, транспорт соҳалари давлат корхоналарига тегишлидир. "Давлатнинг иқтисодий аралашуви орқали сармояларнинг низолатда катта миқдорда тармоқлараро оқиб ўтиши юз берадики, эркин бозор муносабатлари шароитида унинг бу даражада бўлиши асло мумкин эмас". (20., 75б)

Бозор иқтисодийини бошқаришнинг яна бир муҳим йўналиши бу давлат харидларини, давлат истеъмолини кўпайтиришидир. Бу оддий тадбиркорлик шартномалари воситасида бевосита давлат ёки давлат корхоналари буюртмалари орқали амалга оширилади. Давлат буюртмалари ишончли, даромадли, доимо ўсиб борувчи бозорни таъминлайди, чунки бу йирик жамланган харидлар конъюнктура тебранишларига боғлиқ эмас. Давлат бунда ишлаб чиқариш ва савдо таваккалчилигини ўз иммасига

олади. Ривожланган давлатлардаги бу харидларни биздаги асосий давлат харидлари, яъни нахта, галла харидларига тенглаштириб бўлмайди, албатта. Бу харидлар қишлоқ хўжалик корхоналари учун даромадлиликни таъминламайди, бунда харид нархлар даражаси ва маҳсулот миқдори харидор, яъни давлат томонидан белгиланади.

Шундай қилиб, давлатнинг иқтисодийётнинг турли соҳаларига иралашуви барча давлатлар учун хосдир ва у кенгаймоқда. Фақат бу бошқариш даражаси турли давлатларда турличадир.

Давлатнинг иқтисодий бошқариш воситаларидан бири бўлган молия бюджет механизмини кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнига таъсирининг асосий йўналишлари қуйидагилардир.

- давлат субсидиялари, масалан, жамият фойдаланадиган тармоқларни сақлаш учун;

- иқтисодийётга давлат инвестицияларини қўйиш;

- дотациялар ёки ссудалар, давлат кредитлари орқали бевосита корхоналарга субсидиялар бериш;

- фаолият ва харидларни лицензиялаш;

- хусусий савдони қонунийлаштириш: маҳсулотларга давлат андозаларини ўрнатиш, давлат арбитражи ва монополияга қарши сиёсатини олиб бориш;

- илмий текишириш ва тажриба конструкторлик ишларини молиялаш.

- самарали солиқ сиёсатини қўллаш.

Ортиқча ишлаб чиқариш инқирозлари пайтида давлат товар ишлаб чиқаришнинг чегаралашга қаратилган реструктуризацияли сиёсат олиб боради. Шу билан бир вақтда, давлат субсидиялар ва арзон кредитлар беришни ташкиллаштиради, давлат харидларини кўпайтиради.

Ҳозирги пайтда давлат томонидан иқтисодий дастурлаш ва режалаштириш ривожланмоқда. Иқтисодий режалаштириш давлатнинг ролини янада оширади. Унинг асосий мақсади давлат тадбирларини мувофиқлаштиришидир. Уларга инвестицияларни бошқариш, кредитни тақсимлаш, бюджет йўналишини белгилаш, фойз ставкалари ва кредитлаш қоидаларини ўзгартириш орқали пул бозорини бошқариш, иш ҳақлари ва ижтимоий эҳтиёжлар соҳасидаги сиёсатни мувофиқлаштириш қиритилади.

Иқтисодий режалаштиришнинг дастлабки босқичи давлатнинг иқтисодийётга таъсир кўрсатмаган ҳолдаги ривожланиш ҳолатини истиқболда кўриш ва унга баҳо бериш ҳисобланади. Шундан сўнггина зарур ҳолларда қай даражада, қандай воситалар орқали ва қайси соҳаларга таъсир этиш режалаштирилади. “Миллий иқтисодийётнинг белгиланган йўналишида озгина бўлса-да қайта ўзгартирилиши ҳам давлатнинг

инвестиция сиёсатига аралашувисиз содир бўлмайди" (20, 79 бет).

Ривожланган давлатларда эркин иқтисодий фаолият ва эркин бозор бўлишига қарамай давлат иқтисодиётнинг ривожланишига нархларни шакллантириш орқали ҳам молиявий таъсир кўрсатади. Масалан, Европа Иттифоқи давлатларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг харид нархлари таннархдан анча юқори даражада таъмурий кўрсатмалар асосида ушлаб турилади. Бу билан фермерлар қўллаб-қувватланади ва озиқ-овқат маҳсулотларининг самарали фойдаланиши таъминланади. Кўпгина мамлакатларда электроэнергетика, сув таъминоти, коммунал хизматлар йўллар қуриш ва фойдаланиш каби жамият умумий фойдаланишидаги тармоқларда нархлар юқори даражада бўлмаслиги учун, бу тармоқларга чегараланган фойда нормасини белгилаш орқали унинг нархлари бошқарилади. Масалан, АҚШ ва Японияда фойда нормаси 5-7% дан ошмаслиги назорат қилинади. Республикамизда нархларни бошқариш асосан солиқлар воситасида, давлат харид нархларини белгилаш, қисман савдо устамасини чегаралаш орқали амалга оширилади.

Республикамиздаги иқтисодий шарт-шароитларга кўра давлатнинг иқтисодиётни тартиблаш жараёни ривожланган давлатларга нисбатан фарқ қилади. Ўтиш даври хусусиятларидан келиб чиқиб, давлатнинг иқтисодиётга аралашуви нисбатан юқори даражада. Шу туфайли иқтисодий ислохотларнинг навбатдаги вазифалари сифатида иқтисодиётни эркинлаштириш вазифасининг қўйилиши ва унинг амалга ошиши ҳозирги давр учун ниҳоятда муҳимдир.

Шундай қилиб, замонавий иқтисодий цивилизацияда иқтисодиётнинг ривожланиши кўп даражада давлатнинг иқтисодиётни бошқариш жараёнини нақадар тўғри ишлаб чиқиши ва ташкил этишига боғлиқдир.

1.2. Солиқлар воситасида иқтисодиётни тартиблаш йўналишлари

Давлатнинг иқтисодиётни тартиблашдаги энг муҳим молиявий воситаларидан бири солиқлардир.

Турли давлатларнинг иқтисодий тузуми, иқтисодий, сиёсий ривожланиш даражаси, ишлаб чиқариш ва мулкчилик муносабатлари ҳолатининг турлича бўлиши, ўз навбатида, ҳар бир давлатда солиқларнинг бюджет даромадларини шакллантиришдаги ўрнини, солиқларнинг таркибий тузилишини, бевосита ва билвосита солиққа тортиш нисбатини, солиқлар бажарадиган функциялардан фойдаланиш шароитларини, солиққа тортиш тамойилларини, солиқ имтиёзлари таркиби ва улардан фойдаланиш даражасининг, солиқ юки даражасининг ҳам турлича бўлишини тақозо қилади. Бинобарин, бундай шароитда солиқлар орқали иқтисодиётни тартиблаш жараёни ҳам турлича бўлиши табиий албатта, аммо барча давлатларда бу бошқаришда солиқлардан

фискал, рағбатлантирувчи ва жазоловчи (чегараловчи) восита сифатида фойдаланилади.

Иқтисодиётни солиқлар орқали бошқариш йўналишларини белгилашда мамлакатда солиқ муносабатларининг шаклланиш ҳолати ҳам муҳим роль ўйнайди. Бозор иқтисодиётига ўтиш босқичида бўлган республикамиз учун солиқ муносабатлари ўзига хос тартибда, айтиш мумкинки, анча мураккаб шароитда шаклланиб бормоқда. Бундай шароитда солиқлар воситасида иқтисодиётни бошқариш йўналишларини белгилашда республикамиз иқтисодиётига хос бўлган қуйидаги иқтисодий ҳолатларни эътиборга олиш лозим, яъни:

1) солиққа тортиш тажрибасининг нисбатан камлиги ва айнан бозорни бошқариш тажрибасининг йўқлиги, иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнининг сустлиги;

2) мамлакатда ишлаб чиқаришнинг ва молиявий барқарор бўлган корхоналарнинг камлиги;

3) мулкчиликка бўлган эскича муносабатларнинг қисман сақланиб қолinganлиги ва мулкчилик турларининг, айниқса, хусусий секторнинг яхши шаклланимаганлиги, бозор иқтисодиёти қонунларининг амалда тўлиқ ишламаётганлиги (талаб ва таклиф, рақобат, моддий манфаатдорлик);

4) иқтисодиётни бошқаришда эски усул унсурларининг сақланиб келинаётганлиги ва моддий манфаатдорликнинг таъминланмаслиги;

5) микроиқтисодий даражада (солиқ имтиёзлари берилган тақдирда ҳам) молиявий маблағларнинг ниҳоятда камлиги ва инвестиция қилиш имконини чегаралаши ва бошқалар.

Демак, солиқлар орқали иқтисодиётни тартиблаш орқали солиқ муносабатларини оптималлаштириш йўналишлари республикамиздаги мавжуд мураккаб иқтисодий ҳолатни, шунингдек, ижтимоий ва сиёсий хусусиятларни тўғри ақс эттиргани ҳолда, аввало тадбиркорларнинг иқтисодий эркинлигини таъминлашга, миллий ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, корхоналарнинг молиявий барқарорликка эришишига, бозор механизмнинг ишлашига, хусусий мулкчиликнинг ривожланишига, ташқи савдо балансини (экспорт ва импортни) мувофиқлаштиришга имконият яратиши лозим. Чунки булар республикамиз иқтисодиётида мавжуд бўлган асосий муаммолар ҳисобланади.

Давлат томонидан бошқаришнинг шакли сифатида солиқлар орқали иқтисодиётга таъсир этишнинг иқтисодиёт ривожланиши босқичлари учун хос бўлган йўналишларини ишлаб чиқиш жуда мураккаб жараёндир. Бунда солиқларнинг таъсир доираларини тўғри танлаш лозим. Улар эса қуйидагилар бўлиши мумкин, яъни солиқлар ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнига, унинг таркибий тузилишига, динамикасига, жойлашишига, ИТТга таъсир этиши мумкин. Солиқлар ишлаб чиқариш фаоллигини рағбатлантириши ёки аксинча чеклаб туриши; шу йўл билан у ёки бу

тармоқнинг ривожланишини таъминлаши; маҳсулот экспортини разбатлантириши; мамлакатдаги ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш мақсадида протекционизм сиёсатини олиб бориши, капитал жамғариши ёки ушлаб туришига; талаб ва таклифни мослаштиришига таъсир этиши мумкин. Солиқлар воситасида ишлаб чиқариш ва муомала харажатларини пасайтиришига имконият яратиш мумкин.

Иқтисодий адабиётларда солиқлар воситасида иқтисодий сиёсатнинг маълум вазифаларидан келиб чиқиб иқтисодни турли хил йўналишларда бошқаришни ифодаловчи атамалар учрайди. Масалан, “Дискрацияли фискал сиёсат” - бу давлат томонидан солиққа тортишни онгли равишда тартибга солиш тушунилади. Дискрацияли фискал сиёсат иқтисодий тушқунлик даврида солиқ босимини камайитиришга, инфляция даврида эса - солиқларни оширишга мўлжалланган бўлади. Бундан ташқари, давлат реструкцияли сиёсат юргизиши мумкин. Бу сиёсат ортиқча ишлаб чиқариш билан боғлиқ кризислар пайтида қўлланилади ва товар ишлаб чиқаришини чегаралашга қаратилган бўлади. Шу билан бир вақтда давлат ижтимоий соҳаларни ташкиллаштиришни, субсидиялар ва арзон кредитлар беришни, давлат харидларини кўпайтиришни ўз зиммасига олади.

Автоматик фискал сиёсат ёки автоматик тўхтатиш сиёсати ҳам мавжуд бўлиб, бунда иқтисодиётдаги юз бераётган ўзгаришларга қараб солиқ тизимида тегишли ўзгаришларни автоматик амалга ошириш тушунилади. Мамлакатда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш даврида солиқ тушумлари кўпайтирилади, тушқунлик даврида солиқ тушумлари автоматик равишда қисқартирилади; ундирилаётган даромад суммаси камаяди - бу харид қобилиятини кўпайтириб натижада орқага қайтиш ишлаб турилади.

1.3. Солиқлар орқали иқтисодиётга таъсир этиш усул ва шакллари

Давлатнинг солиқлар орқали иқтисодиётни бошқаруви турли усул ва шаклларда олиб борилиши мумкин. Улардан асосийлари қуйидагилардир:

- солиққа тортиш тизими ва структурасининг мамлакат иқтисодиёти учун энг хос бўлган шаклини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш;
- солиқ ставкаларини ўзгартириш;
- солиқ имтиёзлари бериш;
- солиққа тортишнинг умумий даражасини ўрнатил;
- ҳар бир солиқ базасига кирувчи элементлар таркибини белгилаш ва бошқалар.

Солиққа тортишнинг ўзига хос таркибдаги тизимини танлаш солиқ муносабатларини оптималлаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Муайян

таркибга кирувчи солиқлар ва йиғимлар объектлари ва манбалари бир-бирини қайта-қайта такрорламаслиги лозим. Объектлари, манбалари бир хил бўлган солиқларни қўшиш, иқтисодий имкониятларга қараб солиқлар сонини камайтириб бориш мақсадга мувофиқ.

Солиқ тизими структурасини ўзгартириш орқали ҳам корхоналарнинг истеъмол ва жамғариш жараёнига таъсир қилиши мумкин. Солиқ тизимида асосий ўринни эгалловчи фойда (даромад) солиғи ва қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи юридик шахслар тўлайдиган солиқларнинг асосий қисмини ташкил этади. Фойда солиғини юқори бўлиши корхоналар ривожланиши учун зарур бўлган инвестиция жараёнини тўхтатиб қўяди. ҚҚС эса истеъмолни камайтиради. Агар фойда солиғини камайтириб (олиб ташлаб) истеъмолга ҚҚС қўпайтирилса, у ҳолда корхоналар ўз даромадларидан илҳами борица тўлиқроқ фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Фойда солиғининг йўқлиги (жуда камлиги) уларни фойдаларини инвестицияга сарфлаб янада кўпроқ фойда олишга рағбатлантиради. Бундай усулда бюджет даромадларига зарар етказмаган ҳолда мақсадга эришиш мумкин. ҚҚС камайтирилса талаб ортади. Демак эгри солиқлар орқали истеъмолга таъсир қилиш, истеъмол даражасини бошқариш мумкин бўлади. Эгри солиқларни жорий этиш ёки ставкасини кўтариш истеъмолни пасайтиради ва пул маблағларининг жамғарилишига олиб келади. Бунда истеъмолга мўлжалланган маблағларни инвестицияга ёки сармоя жамғаришга жалб қилиш мумкин бўлади. Узоқ муддатли жамғармалар келажакда иқтисодий ўсишнинг асосий омил бўлади. Бизнинг республикаимиз солиқ тизими структурасидаги асосий муаммо эгри ва тўғри солиқлар нисбатини мувофиқлаштиришидир.

Давлат солиқ ставкаларини ўзгартириши орқали ҳам иқтисодиётга самарали таъсир қилиши мумкин. Солиқ ставкалари ҳозирги пайтда тобора мураккаблашиб ва туркумлашиб бормоқда. Солиқ ставкаларини ўзгартириш орқали молиявий оқимлар ва товарлар оқимларининг айрим соҳалари учун қўшимча рағбатлар яратилади. Импорт товарларга солиқ ставкаларининг оширилиши маҳаллий товар ишлаб чиқарувчиларга яхши имконият беради, аммо ташқи савдо оборотига салбий таъсир этади ва ҳоказо.

Солиқ ставкалари орқали иқтисодиётни маълум мақсадларда бошқаришда солиқ ставкаларини тармоқлар, ҳудудлар, товар ва хизматлар гуруҳлари, соҳалар бўйича гуруҳлашда фойдаланиш мумкин. Солиқ тизими таркибини сақлаган ҳолда уларнинг миқдорий кўрсаткичларини ўзгартириш орқали, корхоналарнинг алоҳида гуруҳларининг фаолияти учун танланган солиқ сиёсати юритиш, вақтинча иқтисодий шарт-шароитларни (вазиятни) ўзгартириш мумкин.

Солиқлар воситасида иқтисодий жараёнларни зарур йўналишларга бошқариб туришнинг энг самарали усули солиқ имтиёзларини тақдим

этиш бўлиб, иқтисодий сиёсатнинг вазифаларидан келиб чиқиб белгиланган мақсадларни амалга ошириш мақсадида сармоя ўтказиш, тадбиркорлик фаолиятини фаоллаштириш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, валюта тушумларини кўпайтириш, ижтимоий соҳа объектларини молиялаштириш каби фаолиятлар рағбатлантирилади.

Солиқлар воситасида иқтисодиётни бошқаришда солиқ имтиёзларини қўллашдан мақсад, айрим солиқ тўловчиларнинг солиқларини камайтириш ёки озод этиш эмас, балки ишлатилаётган даромадлар, молиявий маблағлар оқимини иқтисодий тараққиёт учун зарур деб топишдан томонга йўналтиришидир. Республикаларимизда солиқ муносабатларини оптималлаштиришнинг муҳим йўналиши солиқ имтиёзларидан оптимал даражада фойдаланишни таъминлаш билан боғлиқдир.

Солиқ юкининг оптимал даражасини белгилаш солиқ муносабатларини оптималлаштиришнинг энг муҳим қондаси эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Чунки, солиқ имтиёзлари тақдим этилса-да, унинг ставкалари пасайтирилса-да, аммо умумий солиқ юкининг юқорилигича қолиши ва хўжалик субъектлари учун моддий манфаатдорликни таъминламаслиги оқибатида иқтисодиётнинг ривожланишига салбий таъсирини ўтказиши.

Солиқларнинг иқтисодий жараёнларга таъсирини аниқлашда кўп ҳолларда иқтисодий амалиёт натижаларининг етарлича мураккаб занжирини таҳлил этишни талаб қилади. Бунда турли муддатли даврларда турлича, баъзида қарама-қарши натижалар юзага келади. Чунки реал иқтисодиётда доимо қарама-қарши жараёнлар ҳукм суради. Шу туфайли солиқлар воситасида иқтисодиётни бошқаришни ҳеч қачон идеал даражага олиб бориб бўлмайди. Аммо уни иқтисод ривожланишига тўсиқ бўлмайдиган, балки имкониятлар берадиган даражада сақлаш мумкин, албатта.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Иқтисодиётни бошқаришда давлатнинг роли қандай?
2. Давлат томонидан иқтисодиётни бошқаришнинг қандай шакллари ва усуллари мавжуд?
3. Давлат иқтисодиётни тартибга солиш жараёнида қандай пировард мақсадларни кўзлайди?
4. Иқтисодиётни солиқлар воситасида тартиблашнинг моҳияти нимада?
5. Ўзбекистон Республикасида солиқ муносабатларининг шаклланишига қандай иқтисодий ҳолатлар ва жараёнлар таъсир кўрсатади?

6. Солиқлар орқали қандай иқтисодий жараёнларга таъсир этилади?
7. Солиқлар қандай ҳуқуқларда иқтисодий жараёнларга таъсир этилади?
8. Солиқ имтиёзлари орқали қандай таъсир этилади?
9. Солиқ тизими ва структурасининг муайян шаклини танлаш орқали қандай таъсир этилади?
10. Солиқ ставкалари орқали қандай таъсир этилади?
11. Солиқ юкини оптималлаштириш орқали қандай таъсир ўтказилади?

2-боб. Иқтисодий назариялар ва концепцияларда солиқ муносабатларини оптималлаштириш масалалари

Мавзу бўйича қўйилаётган муаммолар:

- солиқ муносабатларини оптималлаштириш бўйича иқтисодий назариялар ва объектив иқтисодий қонунларнинг солиқ сиёсатини юритишда давлат томонидан тан олиниши ва эътиборга олиниши муаммоси;
- республикаимизнинг ўтиш даврида айрим хорижий солиқ назарияларининг нотўғри қўлланиши;
- солиқ функцияларидан самарали фойдаланмаслик билан боғлиқ муаммолар;
- республикаимиздаги иқтисодий шарт-шароитлар ҳамда менталитетни эътиборга олган ҳолда ўзига хос оптимал солиқ назариясини ишлаб чиқиш муаммоси.

2.1. Мумтоз иқтисодий назариялар ва улардан ҳозирги иқтисодий шароитда фойдаланиш имкониятлари ва чегаралари

Солиқ муносабатларини оптималлаштириш масалалари доимо иқтисодчи олимлар томонидан тадқиқ қилинган ва давлат иқтисодий сиёсатининг марказида бўлиб келган.

Мумтоз иқтисодчилар орасида солиқларнинг иқтисодиётдаги ролига нисбатан икки хил қараш мавжуд бўлган. «Кейин мактаби солиқларни давлат томонидан бошқарув воситаси деб ҳисоблаганлар; неоклассик мактаби эса солиқларни фақат фискал қурол сифатида қабул қилади. Солиқларнинг вазифасига нисбатан бундай қарама-қаршиликнинг мавжудлиги солиқларга тегишли бўлган икки функциянинг мавжудлигидан ва бу икки хил қарашда улардан бирига кўпроқ эътибор берилишидан келиб чиқади. Бу солиқларнинг фискал ва иқтисодий функцияларидир» (16, 8-бет).

Тўғри, иқтисодчи П.Самуэльсоннинг фикрига кўра, дастлаб солиқлар фақат фискал мақсадда ўрнатилган ва ҳокимиятда ўтирганларнинг манфаатлари учун хизмат қилган. Классик иқтисодиётда солиқлар фақат давлат бюджети даромадларининг манбаи сифатида ўрганилиб келинган. Солиққа тортиш соҳасидаги илмий назариялар эса асосан солиққа тортиш принциплари, концепциялари, ундириш усуллари, солиққа тортишнинг адолатли даражасини ишлаб чиқишга бағишланган. Машиҳур мумтоз иқтисодчи А.Смитнинг илмий излавишлари ҳам шу соҳага бағишланган эди.

Бозор иқтисодиётининг асосий унсур бўлган хусусий мулкчиликнинг ривожланиши солиқ муносабатларининг ривожланишини таъминлайди ҳамда мулккий эгаллик ҳиссининг мавжудлиги сабабли улар давлатдан солиқ тўловчиларга нисбатан солиқ сиёсатини юритишда адолат мезонларини ўрнатилишини фаолроқ талаб қилади.

Ҳуқуқий-демократик мамлакатда хусусий мулк дахлсизлиги юқори даражада таъминлангандагина А.Смитнинг “Солиқ уни тўловчилар учун қуллик эмас, балки эркинлик (озодлик) белгисидир” (15, 39 бет), деган қондаси ўзининг асл моҳиятига эга бўлади. Албатта, бунда солиқлар чинакам озодлик белгиси бўлиши ва “эксплуатация воситаси” бўлмаслиги учун хусусий мулк дахлсизлигидан ташқари солиқларнинг адолатли даражада белгиланиши; солиқ тўловчилар ихтиёрида қоладиган даромадларнинг ўртача яшаш даражасини таъминлаши туфайли солиқ тўлаш маданиятининг юқорилиги; корхоналар ихтиёрида қоладиган даромад ҳисобидан эркин тадбиркорлик (инвестиция) фаолиятини юритиш имкониятини мавжудлиги ҳам таъминланиши зарур. Хусусий мулкчилик ривожланган давлатлар тажрибаси шундан далолат берадики, солиқ муносабатларини ташкил қилишда ушбу ҳолатларнинг эътиборга олинishi, ишлаб чиқаришни ўстиришнинг муҳим шартларидандир. Солиқларни ўз вақтида, тўлиқ, қонуний тартибда тўланиши тадбиркорларнинг эркин фаолият кўрсатишига имкон беради. Аммо бу ерда албатта солиққа тортишнинг адолат мезонлари таъминланиши лозимдир.

Ҳозирги мураккаб иқтисодий муносабатлар шароитида эса солиқларнинг тобора бошқарувчилик, иқтисодий жараёнларини тартибга солувчи восита сифатида аҳамияти ошиб бормоқда. Фақат бу ерда асосий муаммо бу функцияларни қандай нисбатда ташкил қилиш ва қайси бирига кўпроқ эътибор бериш заруратини тўғри ҳал қилишдадир. Солиқ тизимининг иқтисодиётга боғлиқлиги эса бу функциялар нисбатини ҳар бир давлат иқтисодий сиёсатининг вазифаларига боғлиқ қилиб қўяди. Биз юқорида кўриб ўтган эркин бозор фаолиятининг иқтисодиётга етказган салбий оқибатлари давлатнинг иқтисодий жараёнларига фаол аралашувини тақозо этди.

Шунинг учун ҳам давлатнинг иқтисодга аралашувини, унинг иқтисодий жараёнларга ҳар хил усуллар билан таъсирини, хусусан давлатнинг солиқлар воситасида иқтисодни тартибга солувчи йўналишларини ифодаловчи илмий назариялар пайдо бўлди. Бу назарияларнинг дастлабкиси “Кейнс назарияси” эди. Кейнс давлат ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, улар маҳсулотлари реализацияси манбаларини таъминлаш мақсадида самарали талаб, қўшимча истеъмол яратиш лозим деб ҳисоблайди. Бунинг амалга ошириш мақсадида давлат тегишли солиқ тизими орқали инвестиция жараёнини кучайтириш лозим

эди. Инглиз иқтисодчиси Джон Мейнارد Кейнс юқори даражада прогрессив солиққа тортиш тарафдори бўлган. Унинг фикрича прогрессив солиқ тизими ишлаб чиқарувчиларни сармоя сарфлашида таваккалчиликни қабул қилишга ундайди. Унинг назариясининг муҳим шартларидан бири шундаки, етарли даражада мавжуд бўлган пул жамғармалари тўлиқ банд бўлгандагина, яъни ишлаб чиқаришга солинганда бу молиявий ресурслар иқтисодий ўсишни таъминлаши мумкин. Акс ҳолда, бундай жамғармалар миллий даромад яратмаслиги туфайли иқтисодий ўсишга таъсир этмайди. Шу туфайли жамғаришга қўйилган маблағларни юқори солиқ орқали ундириб олиш ва бу маблағлар ҳисобидан давлат инвестицияси ва бошқа харажатларини амалга ошириш лозим деб ҳисоблайди.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, дастлаб солиқ тизими шаклланишида ҳукуратимиз юритаётган солиқ сиёсатининг айрим жиҳатлари Кейнс назариясининг баъзи ғояларини акс эттирди. Республикамизда қабул қилинаётган давлат инвестиция дастурларини молиялаштириш зарурати корхона ва ташкилотларни солиққа тортишининг юқори даражада бўлишини тақозо этувчи сабаблардан бири бўлган эди. Иқтисодий қийинчиликлар даврида истеъмол даражасининг пастлиги сабабли корхона ва ташкилотлар, шунингдек аҳоли қўлида йиғиладиган маблағлар (даромадлар) кўп ҳолларда инвестицияга эмас, балки, истеъмолни тўлароқ қондиришга сарфланади, Ҳатто тадбиркорларимиз сармоя қўйишни ҳоҳлаганларида ҳам уларнинг маблағлари катта аҳамиятга эга бўлган ишлаб чиқариш объектиларини қуришга етмайди. Бу ҳолда яқин келажакда иқтисодий тараққиётга эришиш учун молиявий ресурслар тақчиллиги шароитида бу маблағлардан самарали фойдаланиш мақсадида уларни юқори даражада солиққа тортиш орқали давлат бюджетига жамғариш, бозор иқтисодиётига ўтиш босқичида ҳукуратимиз солиқ сиёсатининг йўналишларидан бири ҳисобланади. Бироқ шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу тадбирлар қўтилган иқтисодий самарани бермаяпти. Шу туфайли солиқ сиёсатида муҳим, тадбиркорликни рағбатлантиришга қаратилган ислохотларни ишлаб чиқиш зарур. Акс ҳолда, бу тадбир бозор иқтисодиёти қонунарига тўғри келмаслиги сабабли салбий оқибатларга, иқтисодий ўсишнинг сўзсиз пасайишига олиб келади. Ҳозирги пайтда бундай солиқ сиёсати ўзини оқлайди деб бўлмайди. Мумтоз даврга нисбатан жаҳон иқтисодиётида юз берган ўзгаришлар ва уларнинг ҳар бир давлат иқтисодиётига таъсирини, ҳозирги пайтда стихияли эркин иқтисодиёт эмас давлат томонидан бошқарилувчи иқтисодиёт ҳукмронлигини эътиборга олиш лозим. Бундан ташқари Кейнс назариясига кўра айнан «пул жамғармалари етарли даражада мавжуд бўлганда»гина уни юқори солиққа тортиш орқали давлат инвестицияга жалб қилиши тегишли самара беради, деб таъкидлаган. Бу назария молиявий ресурслар тақчиллиги, ишлаб

чиқаришнинг жуда пастлиги шароити учун эмас, балки ортиқча ишлаб чиқариш кризислари пайтида молиявий ресурсларни нотўғри жойлаштириш ёки умуман жамғариш ва истеъмолга сақлаш шароити учун мос келар эди. Шунинг учун уни бизнинг шароитимизда тўғридан-тўғри қўллаш изобий натижаларни бермайди.

Кейнс фикрича, юқори солиққа тортиш иқтисодиётда изобий роль ўйнайди, бюджет даромадларини таъминлаш орқали иқтисодиётда мувозанатни таъминлаш мумкин бўлади. Солиқ тушумларининг пасайиши бюджет даромадларини ва харажатларини пасайтириб, иқтисодий нобарқарорликнинг юзага келишига сабаб бўлади. Прогрессив солиққа тортиш эса иқтисодиётда мувозанатни сақлайди, яъни солиқлар бу нобарқарорликни тўғрилайди. Чунки прогрессив солиққа тортиш иқтисодий кўтаринкилик даврида солиқ тушумларининг солиққа тортиладиган даромадларга нисбатан юқори бўлишини таъминлайди, инқироз даврида эса солиқ тушумлари даромадларга нисбатан тезроқ пасаяди.

Айрим давлатлар бу концепцияни давлат харажатлари юқори бўлган қуролланиш давлари учун муваффақиятли қўллашди.

Лекин иқтисодий ўсишнинг талабларидан бири бўлган ишлаб чиқаришга илмий техника тараққиётини жорий этиш зарурати туфайли давлат иқтисодиётни бошқариш йўналишларини давлат дастурлари орқали "талаб"ни кучайтириш воситасида ишлаб чиқаришнинг ривожланишини рағбатлантиришга қаратади. Кўп ҳолларда мамлакатда талабни кучайтириш чет мамлакатлардан товарлар олиб келишга сабаб бўлди.

"Жами талабга таъсир кўрсатишнинг иш ўринларини музлатишга қаратилган, даромадларни солиқ тушуми орқали қайта тақсимлаш; инфляцион кредитлаш (реал жамғармалар билан таъминланмаган), ўсишни бюджет ёрдамида рағбатлантириш; зарар кўриб ишлайётган тармоқлар рақобатбардошлигини сақлаб туришга доир саноат сиёсати; савдо протекционизми ва тўлиқ бандлик сиёсати каби усуллар самарасиз ва иқтисодиёт учун зарарли деб топилди. Буларнинг ҳаммаси инфляция, ишсизлик, хом ашё тангликларини келтириб чиқаради.

Инфляция ва солиқларни бир вақтнинг ўзida ўсиши қайта тақсимлаш механизмлари иши жиддий ёмонлашишига сабаб бўлади. Саноатга йўналтирилган инвестициялар кўрсаткичлари ёмонлашади" (40, 57-бет).

Демак иқтисодиётда тегишли шарт-шароитлар ўзгарганида Кейнс назарияси қоидалари ўзини оқламади.

Шуни айтиш лозимки, юқори даражада солиққа тортиш концепцияси ортиқча ишлаб чиқариш ва реализация билан боғлиқ муаммолар мавжуд пайтда ~~бизнинг айрим изобий натижаларини бериши мумкин эди. Аммо,~~ иқтисодий тушумларни ~~биз~~ инфляция даврида ишлаб чиқаришнинг

Inv № 437123

YIC X/R 1561
SMI KUB PX 00001

разбатлантириш мақсади давлатнинг иқтисодийётга бевосита аралашувини камайтиришни тақозо этади.

Бу эса ўз навбатида давлат харажатларини ("талабини") камайтириб солиқ ставкаларини пасайтириш учун имкон яратади. Шу туфайли Кейнсчиликка қарши ўлароқ мумтоз иқтисодчилар гоёларини бироз ривожлантирган ҳолда неоклассик назарияси пайдо бўлди. Неоклассик назарияси қоидаларига кўра ташиқ тартибга солувчи воситалар, чоратадбирлар фақат эркин рақобат қонуни ҳаракатига ҳалақит берувчи қаршииликларни йўқотишга қаратилган бўлиши лозим. Шунинг учун давлатнинг аралашуви бозорнинг ўз-ўзини бошқарувчи иқтисодий мувозанатни таъминлайдиган қонуларини чегараламаслиги лозим. Давлатнинг иқтисодий жараёнларга бевосита аралашуви зарурлигини ва динамик мувозанатнинг барқарор эмаслигини таъкидловчи Кейнс назарияси эса юқорида таъкидланганидек, давлат иқтисодий жараёнларни бошқаришга бевосита аралашини лозим, деб ҳисоблайди. Бу икки хил қарашнинг фарқланиши давлатнинг солиқлар воситасида иқтисодийётни бошқариш усулларига юқорида таъкидланган икки хил қарашдан келиб чиқади.

"Таклиф назарияси" ҳам неоклассик назарияси қоидаларини ифодалайди ва давлат талабини эмас бозор иқтисодининг асосий омили сифатида маҳсулотлар таклифини кенгайтиришни таклиф қилади. Солиқларнинг юқори даражада бўлиши инвестиция жараёнини пасайтиради, ишлаб чиқаришни янгилаш ва кенгайтириш имконини бермайди. Солиқларнинг пасайтирилиши ва имтиёзларнинг тақдим қилиниши натижасида аҳоли жамғармаларини кўпайтиришга, тадбиркорлар эса сармоя жамғармаларини ўстиришга ҳаракат қиладилар. Натижада ишлаб чиқариш бинобарин солиққа тортиладиган даромадлар кўпаяди. Бу эса ўз навбатида бюджет даромадларининг кўпайишига замин тайёрлайди. Бу назария асосчилари инвестиция жараёнини разбатлантириш мақсадига солиқларни қисқартириш тарафдори бўлиб чиқдилар. Бошқариладиган бозор иқтисодийётини иқтисодий усуллар билан бошқаришда унинг асосий шаклларида пул-кредит сиёсатини юритиш билан бир қаторда солиқлар воситасида бошқаришнинг ҳам аҳамияти катта.

Солиқ ставкалари шаклланиш жараёнининг умумий қонунига кўра кенг солиқ базаси, нисбатан паст даражада солиқ ставкаларини белгилашга имкон яратади. Солиқ базасининг тор бўлиши эса юқори ставка ўрнатилишини тақозо қилади. Юқори солиқ ставкаларининг ўрнатилиши ҳар хил йўллар билан даромадларни яшириш, солиқдан қочиш ҳолатларининг юзага келишига олиб келади.

Демак ҳулоса қиладиган бўлсак, иқтисодийётни бошқаришдаги Кейнс ва неоклассик назариялари солиқларнинг роли тўғрисидаги қарама-қаршилиги

ҳақиқатда, агар иқтисодиётни динамик ривожланишида олиб қарайдиган бўлсак бир-бирини тўлдириб туради. Қисқа даврда солиқларни камайтириш талабни ўзгартиришга ва албатта бюджет тушумларининг камайишига олиб келади. Солиқлар воситасида таклифга таъсир этиш ўз натижасини дарҳол кўрсатмайди. Корхона учун солиқ босими камайтирилганидан сўнг, ҳосил бўлган ортиқча даромадларни эсамғариш, инвестицияга сарфлаш, қурилиш қилиш, ишлаб чиқариш воситаларини сотиб олиш, ўрнатиш анчагина вақт талаб қилади. Шундан кейингина қўшимча маҳсулотлар таклифи ўсиши юз бериб, бюджетга қўшимча тушумлар келиши мумкин (кутилади). Демак, бунда давлат рискка боради. Онгли равишда бюджет дефицитини кучайтириб бюджетга келиб тушмаган даромадлар ҳисобидан маълум оралиқдан (вақтдан) сўнг кўпроқ даромад келишини кутиш лозим бўлади. Айнан шу рискнинг мавжудлиги ва вақт кераклиги кўп давлатларда ушбу назариянинг (усулнинг) қўлланилишига имкон бермайди. Айниқса буни иқтисодий жиҳатидан ривожланаётган, давлат харажатлари юқори, даромадлар эса кам бўлган давлатларда кузатиш мумкин. Бизнинг республикаимизни ҳам шулар қаторига киритиш мумкин.

Республикаимизда давлатнинг юқори солиққа тортиш орқали юридик ва жисмоний шахслар даромадларини қайта тақсимлаб марказлаштириши ҳамда давлат инвестиция дастурларини молиялаштиришга сарфланиши мамлакатда ишлаб чиқаришни ривожлантириш билан боғлиқ айрим муаммоларни қисман ҳал қилиши мумкин. Аммо жамият эҳтиёжларини тўла қондира олмайди. Энг муҳими мамлакатда хўжалик субъектларида молиявий ресурслар тақчиллигини йўқота олмайди, деб ҳисоблаймиз. Бу фикрлар исботи сифатида шуни айтиш мумкинки, давлат инвестиция дастурлари қабул қилинганлигига анча фурсат ўтганига қарамай ҳали ўзининг арзирли даражада аҳамиятини кўрсата олмаяпти. Шунинг учун ҳам солиқлар воситасида иқтисодиётни бошқаришнинг бу йўналиши энди ўзини оқлай олмайди ва уни ўзгартириш зарурати пишиб етилган, деб ҳисоблаймиз.

Бунда қуйидаги вазиятни ҳам эътиборга олиш зарур. Бизнинг иқтисодий шароитимизда бюджет даромадларини камайтириш ҳисобига корхоналар ихтиёрида қолдирилган даромадлар тўлиқ инвестицияга сарфланади деб бўлмайди. Унинг бир қисми агар мамлакатда истеъмол даражаси паст бўлса, (иқтисодий қийинчиликлар даврида шундай бўлиши табиий, албатта) истеъмолни қондиришга сарфланади (меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларини ошириш, корхона қарзларини тўлаш ва бошқалар).

Истеъмолчиларга нисбатан солиқларни пасайтириш уларнинг товарлар истеъмол қилишини, талабни кўпайтиради, бинобарин товарлар реализациясини яхшилайди. Истеъмолчиларга солиқ бу асосан эгри солиқлар, шунингдек, аҳоли тўлайдиган бошқа солиқлардир. Лекин

товарлар реализацияси истеъмоладараси паст бўлган ҳоллардагина кўпаяди ва маҳсулот сотувчилар даромадига таъсир қилади. Барқарор ва юқори истеъмолад мавжуд бўлганда эса пулни жамғариш кўпаяди, ҳолос. Яъни, бундай шароитда истеъмолчиларга нисбатан солиқни пасайтириш тўлиқ самарани бермаслиги мумкин. Ривожланган давлатларда бу бўш маблағлар инвестиция манбаи бўлади. Демак, бизнинг республикамизда истеъмоладарасининг нисбатан пастлиги истеъмолчиларга нисбатан солиқ босимини камайтириш зарурлигини билдиради дейиш мумкин, аммо бундай солиқ сиёсатини юритишдан олдин истеъмоладарасининг пастлиги сабаби нима, деган саволга жавоб топиш лозим. Унинг сабаби ишлаб чиқаришнинг пастлиги натижасида истеъмолнинг қондирилмаслиги ёки истеъмолчилар даромадларининг пастлиги натижасида эҳтиёжларини қондира олмаслиги бўлиши мумкин. Шу сабаблар аниқланганидан сўнгида истеъмолчиларга нисбатан солиқларни камайтириш керак ёки йўқлиги тўғрисидаги масала ҳал қилиниши лозим. Агар истеъмоладарасининг пастлигига ишлаб чиқаришнинг орқада қолиши сабаб бўлаётган бўлса, энг биринчи навбатда истеъмолчиларга эмас, ишлаб чиқарувчиларга солиқлар воситасида таъсир этиш лозим бўлади. Бизнинг республикамиздаги иқтисодий аҳвол худди шундай, яъни ишлаб чиқариш камлиги туфайли эҳтиёжлар импорт товарлар ҳисобига қондирилади. Бундан шундай хулоса чиқадики, солиқлар орқали аҳоли даромадларига, истеъмолчиларга (қисман ишлаб чиқарувчилар ва тўлиқ аҳоли) ва ишлаб чиқарувчиларга таъсир этишини бир хилда олиб бориш мумкин эмас. Демак солиқлар воситасида тартиблаш сиёсатини юритишнинг мураккаблиги яна шундан келиб чиқадики, тегишли иқтисодий вазиятда солиқларни кўтариш зарурми ёки пасайтириш муаммосини ҳал қилишдан ташқари, юқоридаги бозор субъектлари - солиқ тўловчилар гуруҳлари учун ҳам турлича солиққа тортиш концепцияларини қўллаш муаммосини тўғри ҳал этиш зарур. Албатта, бунда мамлакатдаги иқтисодий вазиятни тўғри баҳолаш, миллий иқтисодиётнинг мақсадларини, товар турлари бўйича талаб ва таклифнинг кучини эътиборга олиш зарур. Ишлаб чиқарувчиларга нисбатан солиқлар воситасида таъсир этиш асосан улар сотадиган товарлар нархларини шакллантириш, ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир этиш, иш ҳақи тўловларига, таннархни шакллантиришга, ўз ихтиёрида қоладиган фойдага таъсир этиш орқали амалга оширилади.

Агар корхонага нисбатан солиқлар пасайтирилса, корхонада пайдо бўлган ортиқча маблағлар иш ҳақини оширишга, ўз маҳсулотлари нархларини пасайтириш орқали унинг реализациясини кўпайтиришга, ўз моддий базасини мустаҳкамлашга ҳаракат қилади. Агар корхонанинг хўжалик молиявий ҳолати яхши бўлса, у солиқларнинг пасайтирилишидан олинган маблағларни ишлаб чиқаришни кенгайтиришга сарфлайди.

Шундай қилиб, аҳолига, истеъмолчиларга ва ишлаб чиқарувчиларга нисбатан солиқлар пасайтирилгандагина, ишлаб чиқаришнинг ўсиши ва реализациясининг ўсиши орқали даромадларнинг ҳам ўсиши ва бюджетга кўшимча даромадлар тушуши мумкин. Аммо кўшимча даромадлар суммаси солиқларни пасайтириш ҳисобида бюджет даромадларининг камайган суммасига тенг бўлмаслиги мумкин, айниқса дастлабки вақтларда. Юқорида кўриб ўтганимиздек, бу қайтиш истеъмол даражасига, корхоналарнинг молиявий хўжалик фаолиятига, шунингдек, ишлаб чиқариш объектларига нисбатан мулкчилик турига ҳам боғлиқдир. Хусусий мулкчилик мавжуд бўлгандагина корхоналар ўз даромадларидан юқори даражада фойдаланишга ҳаракат қилади, шахсий истеъмолини камайтиради. Бу албатта давлат бюджетига ҳам манфаат келтиради.

Шунинг учун, юқори даражада солиққа тортиш тарафдори бўлган Кейнс назарияси қоидаларини бизнинг республикамызда қўлланилиши фақат вақтинчалик, қисқа даврда самара бериши мумкинлигини таъкидлаган ҳолда, солиқларни ишлаб чиқариш субъектларига ва бошқа солиқ тўловчилари гуруҳларига нисбатан пасайтириш сиёсатини қўллашда биз юқорида кўрсатиб ўтган ҳолатлар албатта эътиборга олиниши лозим. Акс ҳолда бир томондан корхона ихтиёрида қолдирилган кўшимча даромадлар ҳам самарали ишлатилмай, иккинчи томондан давлат инвестиция дастурлари ҳам бажарилмай қолиши мумкин. Солиқлар воситасида таъсир этишнинг бу усулидан етарлича самара бермаслигига олиб келувчи республикамыз иқтисодига ҳос бўлган омиллардан бири юқорида кўрсатиб ўтилганидек хўжалик субъектларида молиявий ресурсларининг камлиги туфайли, ҳатто улар ихтиёрида даромадларнинг тўлиқ қолдирилганда ҳам у ишлаб чиқаришни янгилаш, кенгайтиришга етмаслиги, тегишли самарани бермаслиги мумкин ёки бунга анча вақт (бир неча йил) лозим бўлади.

Давлатнинг иқтисодиётга бевосита аралашув сиёсати олиб борилганда, унинг оқибати ўлароқ солиқларни кўтаришга тўғри келади ва аксинча ишлаб чиқарувчиларга кенг иқтисодий эркинлик берилган пайтда солиқ босими камаяди. Бунда сўзсиз давлатнинг иқтисодга аралашуви билан боғлиқ харажатлар, яъни давлат инвестициялари, давлат субсидиялари камаяди; давлат корхоналарини приватизация қилишга тўғри келади; бунда давлат аппарати харажатларини қисқартириш ҳам жуда муҳимдир. Бу эса миллий даромаднинг бюджет орқали қайта тақсимланиш кўламини камайтиради. Аммо давлатнинг узоқ муддат давомида стратегик жиҳатдан тартибга солиб турувчи марказ сифатидаги ролини сақлаб қолиш зарур. Давлат ўз ресурсларини иқтисодий ва ижтимоий инфратузилмага жалб қилиши, ИТТни энг янги технологияларини молиялаштиришга, юқори малакали ишчи кучларини тайёрлашга ажратиб зарур.

2.2. Замонавий иқтисодий назарияларда солиқ муносабатларини оптималлаштириш масалалари

Неоклассик назариясининг замонавий вакиллари, инглиз иқтисодчиси А.Лэффер ўзининг илмий изланишларида солиқ ставкаларини пасайтириш ва солиққа тортишнинг прогрессивлигини камайтириш орқали Кейнс назариясига қарши ўлароқ давлат томонидан инвестицияларни кўпайтиришни эмас, корхоналарга инвестиция учун ўз жамғармаларини кўпайтириш имконини бериш лозим, деган фикрни илгари суради. Унинг илмий таҳлилларини тасдиқлашча, солиққа тортишнинг шундай оптимал чегараси мавжудки, солиқ ставкаси ундан юқорига қанча кўтарилмасин, солиқ тушумларини кўпайтиришга эришиб бўлмайди. Солиқ базаси камайиб кетади, тадбиркорлар корхоналарини ё ёпиб қўядилар ёхуд даромадларини яширадилар. Солиқ ставкалари орқали иқтисодиётни маълум мақсадларда бошқаришда солиқ ставкаларини тармоқлар, ҳудудлар, товар ва хизматлар гуруҳлари, соҳалар бўйича гуруҳлашда фойдаланиш мумкин. Солиқ тизими таркибини сақлаган ҳолда уларнинг миқдорий кўрсаткичларини ўзгартириш орқали, корхоналарнинг алоҳида гуруҳларининг фаолияти учун танланган солиқ сиёсати юритиш, вақтинча, иқтисодий шарт-шароитларни (вазиятни) ўзгартириш мумкин.

Солиқ муносабатларини оптималлаштириш бўйича иқтисодий назарияларнинг бир кўриниши солиқ юқини ўтказиш ёки солиқ юқининг тақсимланиши назариясидир. Ғарб иқтисодчилари Кемпбелл Р. Макконнелл ва Стенли Л. Брю “Экономикс”да солиқ юқининг ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасида тақсимланиши ёки солиқ юқининг ишлаб чиқарувчи ва сотувчи томонидан истеъмолчи зиммасига қисман ёки тўлиқ ўтказилишини талаб ва таклифнинг эластик ёки неэластик эканлигига боғлиқлигини таҳлил этган. Улар фикрича, талаб ва таклиф тенг бўлган шароитда янги ўрнатилган эгри солиқ ёки унинг оширилган ставкаси ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасида тенг тақсимланади. Бунинг сабаби шундаки, агар янги ўрнатилган солиқ тўлиқ харидор зиммасига юкланса, маҳсулот реализациясининг кескин камайишига, бинобарин улар даромадининг пасайишига олиб келади. Шу туфайли маҳсулотни сотувчилар эгри солиқларнинг бир қисmini ўз зиммасига олиш эвазига реализацияни бир хил сақлашга ва шу орқали даромадларни кескин камайишдан сақлашга ҳаракат қиладилар (22, 206-208 бетлар). Солиқ юқининг бундай тақсимланиши нисбатига маҳсулот турининг биринчи зарурат эканлиги ёки эмаслиги, маълум даврда айни бир маҳсулотнинг расм бўлганлиги орқали талабнинг ошиши, мазкур товарнинг ўрнини босувчи бошқа товарларнинг мавжудлиги, ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобат ҳам таъсир этади.

Ҳўш, бизнинг мамлакатимиздаги иқтисодий шароитда солиқ юқини

ўтказиш механизми қандай? Солиқ юки ва унинг тақсимланишига таъсири ҳисобатдан солиқларни 4-гурӯҳга бўлиб олишимиз мумкин. Ҳар бир солиқ гурӯҳлари бўйича ўтказиш механизмини мазкур қўлланманинг «Солиқ муносабатларини оптималлаштиришда солиқ юкини мувофиқлаштириш масалалари» номли 4-бобида тўлиқроқ «ртлиб ўтамыз.

Ҳозирги пайтда замонавий солиқ назарияларининг асосий мазмуни замонавий солиққа тортиш тизими концепцияларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ. Турли давлатларда солиқ тизими концепциясининг турли вариантлари қўлланилади. Айрим давлатларда даромад солиқларига асосий эътибор қаратилса, бошқаларида истеъмолга солиқлар энг муҳим аҳамиятга эга. Сўнгги вақтларда ресурс солиқларининг роли ошиб бормокда.

Ягона солиққа тортиш назарияси ҳам солиққа тортиш тизимининг ўзига хос вариантларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ. Бу назариянинг ўзига хос ютуқ ва камчиликлари мавжуд бўлиб, унинг самарали ишлаши асосан солиққа тортиш шартларининг адолатли белгиланишига ва тегишли иқтисодий, маъмурий шарт-шароитларнинг давлат томонидан турли қонунлар орқали яратилишига ва уларнинг ишлашини таъминлашга боғлиқ бўлиб қолади. Бу назария тарафдорлари солиқ масалаларига эмас, кўпроқ ижтимоий-сиёсий масалаларга эътибор қаратадилар. Улар ягона солиқни барча қуфатларнинг даъвоси сифатида баҳоладилар. Бу солиқнинг ўрнатилиши билан қашшоқлик тугатилади, иш ҳақи кўтарилади, ишлаб чиқариш тармоқларида ишлаб чиқариш ўсади ва ҳоказо, деб таъкидлайдилар. Бироқ унинг бирқанча камчиликлари мавжуд. Ягона солиқ орқали мослашувчан солиқ сиёсатини олиб бориб бўлмайди; солиқ тўловчиларининг тўлов қобилиятини эътиборга олмайди; умумий солиқ юкини бараварлаштириш ва уни психологик ҳисобатдан сезиларсиз қилиш имконини бермайди; даромадларнинг турли шакллари акс эттирмайди; ягона солиқ орқали истеъмол ва жамғаришга таъсир этиш мумкин бўлмайди. Ягона солиққа тортишини бошқа солиқ тизимлари билан биргаликда қўллаш ижобий натижаларни беради. Шу тўғайли ягона солиқ асосан кичик корхоналар ва микрофирмалар учун ортқча ҳисоб-китобларни камайтириш ва уларга қулайликлар яратиш мақсадида қўлланилади.

Солиқ сиёсатининг макроиқтисодий самарасини баҳолаш концепцияси мавжуд бўлиб, бу концепцияда асосан макроиқтисодий нобарқарорлик сабаблари сифатида жами талаб ва таклиф мувозанатининг бузилиши деб қаралади. Бу мувозанатни ўзгартириш ниҳоятда мураккаб ва узоқ давом этадиган жараён деб баҳоланади ва солиқ сиёсати ушбу мувозанатни сақлашга қаратилиши лозим деб ҳисоблайди.

Шуни таъкидлаш лозимки, солиқ соҳасидаги ҳамма назарияларни мукамал деб бўлмайди. Ҳар бир назариянинг устувор томонлари ва

камчиликлари мавжуд. Солиқ муносабатларини оптималлаштириш мақсадида солиқ назарияларидан нотўғри фойдаланиш, давлат манфаатларини кўпроқ ифодаладиган назариялардан фойдаланиш иқтисодийнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади.

Республикамиз иқтисодийни ривожлантириш учун ҳозирги пайтда солиқ муносабатларини оптималлаштиришга асос бўлувчи мукаммал солиқ назариясини ишлаб чиқиш эҳтиёси долзарб бўлиб турибди.

Шундай қилиб, солиқ муносабатларини оптималлаштириш назарияси ва амалиёти барча давлатлар иқтисодий ривожланиши тажрибаси асосида бойиб бормоқда. Алоҳида олинган мамлакат учун маълум назарияни ёки тажрибани тўлиқ қўлаб бўлмайди, албатта. Аммо, алоҳида иқтисодий вазиятларда тажрибада синалган солиқ сиёсатини тегишли шарт-шароитлар мос келганда қўллаш мумкин.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Солиқ муносабатларини оптималлаштиришга оид назариялар асосчилари кимлар ва уларнинг асосий фикр ва гоялари нималардан иборат?

2. Солиқ муносабатларини оптималлаштиришга доир Амир Темур фикрлари нималардан иборат ва уларнинг ҳозирги даврдаги долзарблиги нимада?

3. Кейин назариясининг моҳияти нима ва уни қоидаларининг республикамизда қўлланилиши натижалари қандай деб ўйлайсиз?

4. Леффер назарияси ва унинг ҳозирги иқтисодий давримиз учун аҳамияти қандай?

5. «Талаб ва таклиф» назариясининг ижобий томонларидан қандай фойдаланиш мумкин?

6. Тўғри ва эгри солиққа тортиш назарияси нимани билдиради?

7. Монетаристик назариясининг моҳияти нима ва унинг солиқ муносабатларини оптималлаштириш билан қандай алоқаси бор?

8. Ягона солиққа тортиш назарияси ва ундан республикамизда фойдаланиш ҳолати қандай?

9. Солиқ юкини ўтказиш назарияси ва республикамиздаги иқтисодий шароитда солиқ юкини ўтказиш механизмнинг ўзига хос хусусиятлари қандай?

10. Ўзбекистонда мавжуд бўлган мураккаб иқтисодий шароитдан чиқишга қўмаклашувчи солиқ муносабатларини оптималлаштиришнинг ўзига хос назариясини яратиш мумкинми? Сизнингча у қандай бўлиши мумкин?

3-боб. Ўзбекистон Республикасида солиқ сиёсатини юритишнинг ўзига хос хусусиятлари

Мавзу бўйича қўйилаётган муаммолар:

- давлат томонидан солиқ сиёсатини ишлаб чиқишда, солиқ бўйича қонунлар қабул қилишда иқтисодчи олимлар ва мутахассислар ўртасида муҳокама қилинмаслиги ва улар фикрининг эътиборга олинмаслиги муаммоси;
- солиқ сиёсатини юритишда бир томонламаликка йўл қўйилиши, асосан солиқларнинг фискаллик ролига жуда кенг аҳамият берилиши;
- солиқ сиёсатини юритишда иқтисодий эркинлаштириш талабларининг ва бозор механизми талабларининг етарли даражада эътиборга олинмаётганлиги;
- ишлаб чиқариш соҳасидаги тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш сиёсати солиқ сиёсатининг энг муҳим бўғини сифатида амалда қўлланилиши муаммоси;
- иқтисодий структурасини ўзгартириш ва бунда солиқ сиёсатидан оқилона фойдаланиш орқали солиқ тушумларини кўпайтиришга эришиш муаммоси;
- солиқ сиёсати йўналишлари таркибини қайта кўриб чиқиш масаласи.

3.1. Солиқ сиёсати мазмуни ва йўналишлари

Давлат иқтисодий сиёсатининг энг муҳим қисми бу молиявий сиёсатдир. Молиявий сиёсатнинг муҳим соҳаси бюджет-солиқ сиёсатидир. Солиқ сиёсати – давлатнинг солиққа тортиш тизими борасидаги фармон, қонун ва қарорларини давлат иқтисодий сиёсатига мос равишда ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, уларнинг ижросини таъминлашни таъкил қилиш билан боғлиқ чора-тадбирлар, фаолиятлар йигиндисидир.

Давлат солиқ сиёсати республика иқтисодий эркинлаштириш ва ривожлантиришга, тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, аҳоли турмуш даражасини яхшилашга фаол таъсир этиши лозим. Бинобарин, солиқ сиёсати – бу нафақат солиқ қонунларининг автоматик бажарилиши, балки уларнинг такомиллашувидир.

Жаҳон солиқ сиёсати тажрибасида солиққа тортишнинг қуйидаги йўналишларига асосий эътибор қаратилади:

- солиқларнинг фискаллик даражасини камайтириб бориш;
- хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий хўжалик фаолиятига

қулай имконият ва иқтисодий шарт-шароит яратиш; бозорга рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мослаштириш;

– давлатнинг ижтимоий-иқтисодий соҳадаги вазифаларини бажариш учун зарур бўлган молиявий манбаларни яратиш;

– иш билан бандлик муаммосини бартараф этишга шароитлар яратиш, кам таъминланганларга ёрдам бериш;

– аҳоли турмуш даражасини яхшиланишини таъминлаш, солиққа тортилмайдиган минимумларни иқтисодий ривожланиш даражаси ва имкониятларига қараб ошириб бориш; «Истеъмол саватчаси»га кирувчи моддаларни кўпайтириб бориш ва бошқалар.

Солиқ сиёсатини ишлаб чиқишни ташиқил этиш давлатнинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Солиқ сиёсатини ишлаб чиқувчи ташиқилотлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва бошқа илмий-услубий ташиқилотлар ҳисобланади. Солиқ сиёсати кўзланган натижаларга эришиши учун давлат илмий-изланиш ташиқилотлари тузиб, унинг иш якунларидан кенг фойдаланади.

Республикамиз иқтисодиётини ривожлантиришнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ишлаб чиқилиш жараёнида «Макроиқтисодий ривожлантириш дастурининг» бир қисми солиқ бюджет сиёсати бўйича белгиланган вазифалар ҳисобланади. Бу сиёсатнинг вазифалари ҳар йили иқтисодий сиёсат вазифаларидан келиб чиқиб қайта кўриб чиқилади.

Давлат солиқ сиёсатини ишлаб чиқишни ва уни ҳаётга тадбиқ қилишни ташиқилотчиси ва бошқарувчи ҳисобланади. Ҳозирги даврда давлатнинг барча иқтисодий шарт-шароитларни эътиборга олган ҳолда солиқ сиёсатини олиб бориши бозор иқтисодиётига муваффақиятли ўтишининг, бозор механизмларини ривожлантиришининг, бозор иқтисодиётини тартибга солишининг муҳим омилдир.

Профессор Қ.Яҳёевнинг фикрича «солиқ сиёсатининг икки йўналиши мавжуд:

1. Корхона ва ташиқилотларга нисбатан солиқ сиёсати. Энг аввало, корхона ва ташиқилотларни бозор иқтисодиёти шароитидаги эркинлигини ҳисобга олиш. Уларнинг молиявий мустақиллигига, эркин баҳо белгилашларига тўққинлик қилмаслик ва бюджетга солиқ тўловлари белгиланаётганда фақат демократик асосда, яъни Олий Мажлис тасдиқлаб берган солиқларни ундиришни ташиқил этиш зарур. Ҳозирги вақтда солиқлар бир томондан корхоналарда тақчил, рақобатбардош товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, иккинчи томондан товар баҳосини ошириб сотган ҳолда меҳнатсиз ёки кам меҳнат билан топилган даромадларни чеклашга қаратилмоғи лозим.

2. Солиқ сиёсатида аҳолининг турли хил гуруҳларига нисбатан

хилма-хил ёндашишидир. Почор, кам таъминланганларга иложси борица солиқдан кўпроқ имтиёзлар бериш ва кам куч сарфлаб кўп даромад олувчи ёки бошқа енгил даромад тонувчиларга нисбатан юқори прогрессияли солиқ ставкаларини қўллашдан иборатдир.

Солиқ сиёсатининг стратегияси ва тактикаси ишлаб чиқилган бўлиши зарур. Стратегия узоқ йилларга мўлжалланган солиқ муносабатларидаги муҳим йўналишлар бўйича чора-тадбирларнинг мажмуидир. Тактикада эса солиқ стратегиясининг ҳар бир маълум давр (йил, чорак)да амалга оширилиши лозим бўлган аниқ тадбирий чоралар кўрсатилади». Қ.Яҳёев фикрларини давом эттириб яна шундай ёзадилар: «Солиқ сиёсатини фаоллаштириш мақсадида қуйидагиларга кўпроқ эътибор қаратиш лозим:

1. Солиқ соҳасидаги давлатлар йўл қўйган баъзи хатоларнинг такрорланмаслиги учун солиқ тарихини пухта ўрганиш лозим.

2. Солиққа тортиш ва уни ундириш ишларининг арзонга тушишига эришиш.

3. Солиқ объекти аниқ, ихчам, тўловчиларга ва солиқ идоралари ходимларига солиқни ҳисоблаш учун осон ва қулай бўлиши лозим.

4. Солиқларни ўз вақтида тўлиқ бюджетга тушишини таъминлаш мақсадида бюджетга кўп, салмоқли солиқ тўловчиларга солиқдан маълум қисмини қолдириш ҳам мақсадга мувофиқдир.»

И.А.Завалишина ўзининг «Солиқлар: назария ва амалиёт» номли китобида ёзишича, «Иқтисодчи олимлар давлат солиқ сиёсатини ўрта турга ажратадилар:

Биринчи – «мумкин бўлган ҳамма нарсани олиш» тамойилини ифодаловчи энг юқори солиқлар сиёсати. Бунда давлат солиқларнинг кўтарилиши давлат даромадларининг ўсишини таъминламайдиган «солиқ нистирмаси»га дуч келади.

Иккинчиси – тадбиркорлар учун қулай солиқ муҳитини яратиш орқали тадбиркорликнинг ривожланиши таъминловчи солиқ сиёсати.

Учинчиси – солиққа тортишнинг етарлича юқори даражасини кўзда тутувчи, ammo бунда иқтисодий ҳимояга ҳам эътибор қаратувчи солиқ сиёсати.

Кучли иқтисодиётда солиқ сиёсатининг барча кўрсатилган турлари самарали мувофиқлаштирилади. Ўзбекистон учун кўпроқ биринчи тури, учинчи тури билан қўшилган ҳолда ҳосдир».

Шуни таъкидлаш лозимки, солиқ сиёсати муқим ҳолатга эга бўлмайди. Мамлакатда иқтисодий шарт-шароитларнинг ўзгариши, мавжуд муаммоларнинг бартараф этилиши ва янгиларининг юзага келиши билан солиқ сиёсати йўналишлари ва вазифалари ҳам ўзгариб туради.

3.2. Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари

Ўзбекистон Республикаси давлати ўзининг мустақил солиқ сиёсатини юритишда Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексида белгиланган солиққа тортиш тамойилларига ва солиққа тортиш назариясида назарда тутилган қонуниятларга риоя этишга, жаҳон солиққа тортиш амалиётида юритилаётган солиқ сиёсати йўналишларини ҳам эътиборга олишга ҳаракат қилади. Шунингдек, республикамиз иқтисодийётининг ўзига хослиги, бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш устувор йўналишлари ҳамда иқтисодий сиёсатнинг жорий ва пировард вазибаларидан келиб чиқиб солиқ сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжуддир.

Бизнинг республикамизда ҳозирги пайтда солиқ сиёсатининг кўйидаги асосий йўналишларини ёки тенденцияларини кузатишимиз мумкин:

1. Солиққа тортишни таъкил этишда фискалликка юқори даражада эътибор берилиши;
2. Истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни рағбатлантириш;
3. Солиққа тортиш тизимини соддалаштириш;
4. Ресурс солиқларининг аҳамиятини ошириб бориш;
5. Эгри солиқлар улушининг кўпайиб бориши ва улар воситасида истеъмол даражасини бошқариш сиёсатининг олиб борилиши;
6. Бюджетдан таъқари фондларга ажратмалар ролининг ошиши;
7. Солиқлар воситасида протекционизм сиёсатининг юритилишига катта эътибор берилиши.

Солиқ сиёсатининг самарали бўлиши иқтисодий сиёсатнинг нечоғли мукамал юритилишига боғлиқдир. Шу туфайли, иқтисодийётни бошқариш механизмидаги баъзи муаммолар устида тўхталиб ўтиш жоиз. Республикамиз иқтисодийётининг ҳозирги босқичи иқтисодни тартиблашда бозор механизми қондаларининг ҳамон тўлиқ жорий этилмаётганлиги ва давлат механизмининг мавқеининг юқорилиги билан характерланади. Иқтисодни тартиблашнинг бозор ва давлат механизмидан фойдаланишининг ҳозирги давр учун энг оптимал даражада мувофиқлигини таъминлаш лозим. Бозор механизмининг ишлашини кенгроқ жорий этиш лозим. Унинг ишлашига ҳалақит берувчи кўйидаги муаммоларни таъкидлаб ўтмоқчимиз:

- давлатнинг иқтисодийётни бошқарувчилик фаолияти доираси анча кенг, иқтисодийётни эркинлаштириш жараёни эса анча суст бормоқда;
- баҳо механизми талаб ва таклиф асосида эмас, кўпроқ нархларнинг давлат томонидан бошқарилиши орқали шаклланади. Бу асосан солиқлар ва харид нархларнинг ўрнатилиши орқали амалга оширилмоқда;
- давлатнинг иқтисодийётга аралашув ҳаракатлари юқори;

- асосий йирик инвестициялар давлат инвестиция дастурлари давлат корхоналари орқали амалга оширилади;
- солиқларнинг фискаллиги кучли;
- хусусий сектор улушининг камлиги, давлат монополиясининг юқорилиги ва рақобатнинг йўқлиги;
- хўжалик субъектларининг тўлиқ мустақил эмаслиги ва давлат назорат органларининг микроиқтисодий даражада аралашувининг кучлилиги;
- тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш паст даражадалиги ва уни ривожлантириш учун тегишли иқтисодий шарт-шароитларнинг амалга оширилмаётганлиги;
- мамлакат ташқи савдо балансида экспорт бўйича хом ашёнинг (пахта, нефть, газ) ва импорт бўйича асосий давлат корхоналарида (автомобилсозлик, самалётсозлик, машинасозлик, химия саноати) машина ва ускуналар устунлиги;

Демак, давлатнинг иқтисодий сиёсат соҳасидаги вазифаси айнан шу камчиликларни тузатишга қаратилган бўлиши керак.

Республикамиз солиқ сиёсатининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, ундирилаётган солиқ ва йиғимлар миқдорида эгри солиқларнинг, шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларнинг даромад олиш даражасига боғлиқ бўлмаган солиқларнинг ва бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратмаларнинг улуши кескин кўнаймоқда. Бу ҳолат эса мамлакатда умумий даромадлилик даражасининг пастлигидан, бинобарин, иқтисодий ривожланиш даражасининг тушкунлигидан далолат беради. Давлат солиқ сиёсатининг долзарб вазифаси эгри солиқлар улушини камайтиришнинг иқтисодий чораларни кўришдир.

Ўзбекистон солиқ сиёсатини юритишда бир қанча муаммолар ҳам мавжуд бўлиб, бу муаммолар юзага келишининг объектив ва субъектив сабаблари мавжуд. Бизнингча, бу муаммолар қуйидагилардан иборат:

1. Тадбиркорлик фаолиятини иқтисодий эркинлаштириш ва улар фаоллигини оширишда солиқлардан самарали иқтисодий восита сифатида фойдаланмаслик;

2. Иқтисодиёт тармоқларида маҳсулот, иш, хизматлар нархларининг шаклланишида солиқлар асосий рол ўйнаётганлиги;

3. Солиқ имтиёзларининг мукамал тақдим этилмаслиги оқибатида солиқдан қочиш ҳолларининг юз бериши ёки мавжуд имтиёзлардан фойдаланиш имкониятларнинг ниҳоятда чегараланганлиги;

4. Хусусий корхоналарда солиқ юкининг реал даражада пасайтириш имкониятлари камлиги;

5. Солиқ базасини сунъий равишда кўнайтириш сиёсатини олиб борилиши, солиқ базасига қирувчи элементларни кўпайтириш;

6. Солиқлар ва бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратмаларнинг кўпчилиги тадбиркорликни олиб боришдан чўчитади. Даромадга эга бўлишни минимум даражага олиб боради;

7. Солиққа тортиш соҳасида ўзгаришларнинг ниҳоятда кўпчилиги;

8. Солиқлар бўйича меъёрий ҳужжатларда берилган айрим тушунчаларнинг аниқмасли, юзага келаятган ҳолатларга тўлиқ жавоб бера олмаслиги;

9. Солиқ тўловчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билин боғлиқ муаммолар;

10. Солиқлар ва бюджетдан ташқари фондларга ажратмалар бўйича боқиманлик ҳолатининг кўпчилиги ва бошқалар;

11. Солиқлар ва бошқа иқтисодий ҳамда маъмурий механизмлар орқали миллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун тегишли шарт-шароитларни яратмасдан туриб протекционизм сиёсатининг олиб борилиши айри салбий оқибатларга, шу жумладан, божхоналарда солиқлар ва божхона божларидан тўловларнинг бюджетга тўлиқ тўланмаётганлиги ҳолатлари мавжудлиги ва бошқалар.

3.3. Иқтисодиётни эркинлаштириш талабларидан келиб чиқиб солиқ сиёсатини такомиллаштириш масалалари

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида давлат томонидан бошқаришни тўғри ташкил этиш ва оқилона солиқ сиёсатини юритиш орқали солиқ тушумларини кўпайтириш, ҳўжалик субъектларига нисбатан солиқ юқини пасайтириш имкониятларини кўриб чиқамиз.

Биз иқтисодиётни юксалтиришнинг ҳамда солиқ тушумларини кўпайтиришнинг асосий йўли бу ишлаб чиқаришни ривожлантиришдир, деган фикрни асос қилиб олган ҳолда, шу соҳага салмоқли даражада солиқ имтиёзлари тақдим этиш ва солиқ юқини камайитириш тарафдоримиз. Аммо айнан қандай ишлаб чиқаришни ривожлантиришдан бошлаш керак деган саволга жавоб бериш зарур. Жаҳон иқтисодий амалиёти тажрибасига кўра иқтисодиётни индустриаллаштиришни икки хил йўл билан амалга ошириш мумкин:

– катта капитални инвестиция қилишни талаб этувчи ишлаб чиқаришни (нўлат қуйиш, машинасозлик, автомобилсозлик, самолётсозлик) ривожлантириш;

– маҳаллий русурслардан фойдаланишга асосланган ҳамда меҳнат сигими юқори бўлган ишлаб чиқаришни ривожлантириш. Бундай ишлаб чиқариш асосан ўрта ва кичик корхоналар зиммасига юқлатилади.

Иккинчи йўл ривожланаётган давлатлар, шу жумладан, республикаимиз иқтисодиёти учун қулайдир. Чунки бундай давлатлар учун

прюн ишчи кучининг кўплиги ва капиталнинг озлиги хосдир. Солиқ тушумларини кўпайтириш, аҳоли асосий қисмининг моддий турмушини яхшилаш, ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш, чет эл валютасига бўлган эҳтиёжни камайитириш нуқтаи-назарида ҳам олиб қарайдиган бўлсак иккинчи йўл маъқулдир.

Солиқ сиёсатини юритишдаги энг асосий муаммолардан бири - бу солиқларнинг фискаллиги жуда юқорилигидадир. Солиқ фискаллигини пасайитириш йўлларида бири эса давлат харажатларини пасайитиришдир (давлат бюджети миқдори). Бундай харажатлар республикада ЯИМга нисбатан 40,1%ни ташкил этади. Дунё миқёсида олиб қарайдиган бўлсак, бу нисбатан катта кўрсаткич ҳисобланади. Давлатнинг иқтисодга аралашув харажатларини ҳам қисқартириш лозим. Чунки солиқ юкини оширувчи, миллий ишлаб чиқаришни рағбатлантириш учун солиқ имтиёзларининг қўлланишига тўсиқ бўлувчи омиллардан бири давлатнинг иқтисодиётни тартибга солиш мақсадида ишлаб чиқилган айрим инвестиция (шу жумладан ноишлаб чиқариш инвестицияларининг) дастурларининг иқтисодий ривожланишининг ҳозирги даври учун энг муҳим эмаслиги оқибатида молиявий ресурсларнинг самарасиз ишлатилишидир. Бундан ташқари, бутун дунёда давлат энг самарасиз инвестор деб тан олинган, бизнинг давлат ҳам бундан мустасно эмас. Республикада давлат инвестициялари асосан юқорида кўрсатилган капитал сизими юқори бўлган соҳаларга сарфланмоқда. Бу эса уларнинг даромадлигини чегаралайди, бинобарин, давлатнинг ёрдамсиз уларнинг келажасига ишонч йўқ. Давлат субсидиялари эса солиқ юкини оширади ва давлатнинг валюта захираларини камайтиради. Ҳўш, бу соҳаларнинг иқтисодий самараси, иқтисодиёт ва жаҳият учун иқтисодий аҳамияти бундай харажат учун арзийдими. Бизнингча, бу саволга ижобий жавоб бериш мумкин эмас. Индустрлаштириш самарали бўлиши учун, у аввало, миллий хом ашё базасида ривожланиши, даромадлиги юқори бўлиши, ишсизликни камайитириши, аҳолининг моддий фаровонлигини оширишга хизмат қилиши лозимдир.

Солиқ юкининг ошиш ва валюта захираларининг камийиш сабабларидан яна бири халқаро кредитлардан фойдаланиш ва уларнинг асосан давлат корхоналари (ёки акцияларнинг контрол пакети давлатнинг қўлида бўлган корхоналар) орқали мазкур капитал сизими юқори бўлган тармоқларга берилишидир. Чунки хорижий кредитлар келажакда давлатнинг ташқи қарзларини кўпайтиради. Бу қарзлар иқтисодиётга зарар келтирмаслиги учун уларни инвестиция қилишдан олинган даромад фойз ставкасидан юқори бўлиши лозим. Аммо кўп ҳолларда бундай натижага эришиш мураккаблашмоқда.

Солиқ сиёсатини юритишдаги муаммолардан яна бири хорижий ва миллий инвесторларга бир хил солиқ шароитининг яратилмаётганидадир.

Республикаларда хорижий инвесторлар ва миллий инвесторларга бир хил солиқ имтиёзлари тақдим этилиши, шунингдек, бошқа иқтисодий имконият, шарт-шароит ҳам яратилиши лозимдир. Шунини таъкидлаш лозимки, хорижий инвесторларга солиқ имтиёзларининг берилиши уларнинг республикалардаги фаолиятини рағбатлантирувчи омил бўлиши нисбийдир. Чунки солиқ қонунчилигига асосан, улар Ўзбекистонда тўламаган солиқларини, ўз давлатида солиққа тортиладиган даромадлар ўртасидаги фарқ сифатида тўлайдилар. Биз ўзимизнинг мамлакатда олиб қилиш мумкин бўлган даромадни, бошқа мамлакатга бориб тўлашга имконият берамиз. Ҳозирги пайтда уларни жалб қилувчи асосий омил валюта конвертациясининг очилишидир. Бундан ташқари, ҳозирги босқичда республикаларда давлатнинг вазифаси хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш учун қуйидагиларни амалга оширишидир:

- эркин савдо тартибини жорий этиш;
- жорий ҳисоблар бўйича валюта конвертациясинидан фойдаланишни эркинлаштириш ва уни мураккаблаштирмаслик;
- давлат монополиясини қисқартириш;
- нархларнинг асосий қисмини бошқаришни чегаралаш ва уларнинг талаб ва таклифдан келиб чиқишини таъминлаш;
- солиқ тизимини соддалаштириш ва юқори даражада аниқ ва тушунарли бўлишини таъминлаш; солиқ имтиёзларидан самарали фойдаланиш; солиқ юкини ишлаб чиқаришга нисбатан реал пасайтириш;
- объектив, нейтрал қонунчилик тизимини яратиш.

Булар давлат қаролати орқали эмас бевосита хорижий инвестицияларининг келишини таъминлайди. Улар бизда тақчил бўлган капитал ва технология олиб кирадилар.

Республикаларда давлат солиқ сиёсатида хос хусусиятлардан бири шундаки, қўшимча солиқлар ва юқори рақам ставкалар ўрнатиш орқали бюджетга қўшимча даромадлар келтириш мақсад қилиб қўйилади. Аммо бунда солиқ тушумларини кутилган даражада қўнайтириб бўлмайди, яъни солиқларнинг фискалли самарадорлиги пасайиб боради. Бир солиқнинг жорий этилиши бошқаларининг базасига, бинобарин тушумига таъсир этади. Масалан, ресурс солиқларининг қўтарилиши фойда солиғи базасини камайтиради, эгри солиқлар хўжалик субъектларида фойдалилик даражасини пасайтиради ва ҳоказо. Солиқларни чексиз қўнайтириш мумкин эмас. Хўжалик субъектларидан ундириш мумкин бўлган солиқларнинг максимал чегарасини қонуний ўрнатиб қўйиш лозим.

Республикаларда охириги йилларда фойда солиғининг камайиши кузатишмоқда. Фойда солиғи тушумлари мамлакатда ишлаб чиқаришнинг ҳолатини акс эттиради. Демак иқтисодиётимизнинг ҳозирги даври учун

солиқ тушумларини кўпайтиришининг энг реал йўли фақат солиқ тўловчилар сонини кўпайтириш, уларнинг даромадга эга бўлишига имконият яратишдир. Чунки солиқ тушумлари, энг аввало, ишлаб чиқариш ва товар айланишининг ўсишига боғлиқ. Бунда фақат аҳоли турмуш даражасига ва харид қobiliятига салбий таъсир кўрсатувчи эгри солиқлар эмас, балки фойда солигининг кўпайишига имконият яратилади. Ҳўи, республикаимизда солиқ тўловчилар ва солиқ тушумлари сонини кўпайтириш масаласи қандай ечилиши мумкин. Биз қуйидаги йўлни таклиф этаимиз.

Биринчи навбатда, қишлоқ хўжалиги соҳасини ислоҳ қилиш зарур. Давлатнинг пахтага бўлган харид нархларини аста-секин босқичма-босқич ошириш зарур. Ўзбекистонда ҳудудларнинг ривожланиши бўйича қишлоқ ва шаҳар ўртасида катта фарқ бор. Бунинг асосий сабабларидан бири қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган пахтани арзон нархларда сотиб олиш ва четга сотиш орқали олган даромадларнинг қишлоқ хўжалиги соҳасига қайта тақсимланмаётганлигидадир.

Бизнингча, қишлоқ хўжалигида яратилаётган даромад бу йўл билан эмас, балки солиқлар орқали қайта тақсимланиши лозим. Пахтага давлат харид нархларининг оширилиши (хўжаликларнинг ўзларига пахта сотишга рухсат этиш тарафдори эмасмиз, чунки бу кўпгина муаммоларни келтириб чиқаради, ҳозирча харид нархларни оширишининг ўзи кифоя қилади) хўжаликларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлайди (ҳозир бу вазият жуда оғир аҳволда) ва меҳнат унумдорлигини оширади; кучли рағбатлантирувчи омил вужудга келади. Буларнинг барчаси сўзсиз улар фойдасини кўпайишига таъсир қилади ва уларни реал солиқ тўловчи сифатида шакллантиради. Тўғри, давлат ҳозирча пахтани экспорт қилишдан кўпроқ фойда кўради. Аммо бунда қуйидаги ҳолатлар эътиборга олиниши лозим.

Биринчидан, харид нархларни бир йўла жаҳон бозори нархларигача оширилмайди (ҳозирги пайтда улар ўртасидаги фарқ анча юқори). 3-4 йил ичида бир тонна пахта толаси харид нархларини 40-50% ошириш мақсадга мувофиқ. Бунда давлатнинг пахта толаси экспортдан олаётган даромади тўлиқ эмас ва 35% га камаяди ҳолос, бу ҳам бир йилда эмас.

Иккинчидан, биз юқорида пахта экспортдан келаётган валютанинг баъзи ҳолларда иқтисодиётга самара (даромад) келтирадиган соҳаларга ишлатилмаётганлигини таъкидладик. Тўғри, эркин алмаштириладиган валютага бундан ташқари аҳоли учун айрим озиқ-овқат масалан, шакар, ўсимлик ёғи, унни пасайтирилган давлат курси бўйича сотиб олинади. Маълум маънода бундан мақсад аҳолига бу маҳсулотларни арзон сотиш орқали улар етиштирган маҳсулотларни давлат харидлари орқали арзон сотиб олиш ўртасидаги фарқни қисман қоплашдир. Аммо аҳоли бу озиқ-овқатларини турли объектив ва субъектив сабабларга кўра жаҳон

бозоридаги нархларга нисбатан анча юқори нархларда (бозилар ва солиқлар, савдо устамасини қўшиб ҳисоблаганда ҳам) харид қиладилар. Пахтани етиштирувчи қишлоқ аҳолиси нархлар ўртасидаги фарқдан фойда кўрмайди. Шу тўғрисида режалаштириш тузумига ҳос бўлган бундай қайта тақсимлаш механизмидан воз кечиб, бошқариладиган бозор механизми талабларини тўлиқ жорий этиш маъқулдир. Чунки амалдаги қайта тақсимлаш қишлоқ хўжалиги аҳолисининг фойдасига бўлаётгани йўқ.

Учинчидан, қишлоқ хўжалик қорхоналари кўрадиган фойдадан солиқ ундирилиши натижасида давлатга даромад келади. Аммо бунда албатта шунинг эса тутиш лозимки бу соҳага вақтинчалик солиқдан энгилликлар берилиши лозим. Акс ҳолда бу соҳадаги ишловнинг самараси бўлмайди.

Тўртинчидан, қишлоқ хўжалигида банд бўлган 60% аҳолининг турмуш даражаси яхшиланади ва харид қобилияти ошади. Демак, иқтисодиётда «талаб» ошади.

Энди шу билан бир вақтда иқтисодиётда барқарорлик таъминланиши учун «таклиф» ҳам яратилиши зарур. Аммо асло импорт ҳисобига эмас. Чунки бунда капиталнинг четга оқиши юз беради, ишлов эвазига аҳоли эга бўлган қўшимча даромад капиталга айланиб қолмайди, давлат воз кечган даромад бир марта аҳоли эҳтиёжини қондиришга ишлатилади, ҳолос, миллий даромад яратмайди ва иқтисод ривожланиши учун хизмат қилмайди. Ҳозир ҳам аҳоли қўлидаги маблағлар асосий истеъмол товарлари импорт қилинганлиги учун четга кетмоқда. Бундай вазиятда солиқларни доимий суръатда тушумини таъминлаб бўлмайди.

Аҳоли даромадарининг ҳаракат қилинишига эътибор берсак, статистик маълумотларга кўра унинг 51 фоизи озиқ-овқат маҳсулотлари учун, 22 фоизи истеъмол товарлари (кийим-кечак) учун ишлатилади. Демак, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш саноатини ривожлантириш орқали «таклиф»ни яратиш ва уларнинг талабини қондириш лозим, бизнинг шароитимизда бунинг имкониятлари етарли. Бу ўз навбатида солиқ тўловчилар сонини ва солиқ тушумларини кўпайтиради. Бунда озиқ-овқат, тўқимачилик, кийим-кечак тикиш учун ўрта ва кичик қорхоналар ташкил этилади. Бу соҳани ривожлантириш учун иқтисодий асос мавжуд.

Ҳозирги пайтда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш (озиқ-овқат) саноатининг яхши ривожланиётганлигига солиқ сиёсатининг ҳам таъсири борлиги тўғрисида тўхталиб ўтган эдик. Тўқимачилик саноатининг ривожланмаслик сабабларидан бири эса солиқлар билан бир қаторда давлат монополияси бўлган пахтанинг миллий қорхоналарга ҳам четга сотиладиган нархларда ҳамда валютага сотилишидир, миллий қорхоналар учун ҳеч қандай имтиёз берилмаган. Технологияларнинг эскилиги, солиқларнинг юқорилиги улар маҳсулоти таннархини ва нархини ошириб юборади, бу уларнинг хом ашё ресурсларига

иқинлиқ аҳамиятини, рақобатбардошлигини ва даромад олиш имкониятини йўққа чиқаради. Шу туфайли давлат миллий корхоналарга пахтани харид нархларидан биров юқорироқ нархда сотишлари лозим. Бунда давлатнинг воз кечган даромади эвазига миллий ишлаб чиқариш ривожланади ва кўпгина муаммоларнинг, яъни ишсизлик, пулнинг қадрсизланиши, валютага бўлган эҳтиёжни камайтириш, солиқ тушумларини кўпайтириш ва бошқаларнинг ҳал қилинишига имконият беради. Бундан ташқари давлат тартиблаш функцияси орқали яна уларнинг ривожланиши учун имконият яратиши лозим. Бунинг учун шу тармоқлар маҳсулотлари импорти учун протекционизм сиёсатини қўллаш мумкин. Аммо у вақтинчалик бўлиши лозим. Чунки бу рақобатни йўқотиб, маҳсулот сифатининг яшиланишига, меҳнат унумдорлигини оширишига, таннархни пасайтиришга бўлган рағбатни йўқотади. Шу туфайли мамлакат ичида рақобат муҳитини яратиш учун кўплаб шундай ўрта ва кичик корхоналар ташкил этилиши ва яна бир муҳим эҳиёти борки, бу ишлаб чиқариш соҳаси албатта хусусий секторга топширилиши лозим. Давлат эса хусусий сектор фаолиятини рағбатлантирувчи меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқиш орқали улар фаолиятини кўллаб-қувватлаши лозим. Пахтага давлат харид нархларининг ошиши бу янги тармоқлар маҳсулотига талабни кўпайтириб, уларнинг ривожланишини таъминлайди.

Шундай қилиб, давлат томонидан оқилона ва самарали солиқ сиёсатини юритиш иқтисодиётни ривожлантиришнинг бинобарин аҳоли турмуш даражасини яшилашнинг муҳим йўлларида бўлиб қолади.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Солиқ сиёсати нима ва уни юритишда давлатнинг роли қандай?
2. Ўзбекистонда солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари нималардан иборат?
3. Республикамиз солиқ сиёсатидаги асосий муаммолар нмалардан иборат деб ўйлайсиз?
4. Сизнингча, республикамиздаги иқтисодий шароитда тўғри солиқ сиёсати юритиш учун нималарга эътибор бериш керак?
5. Солиқ сиёсатининг қандай кўринишлари мавжуд?

4-боб. Солиқ муносабатларини оптималлаштиришда солиқ юкини мувофиқлаштириш масалалари

Мавзу бўйича қўйилаётган муаммолар:

- солиқ юкини тўғри аниқлаш ва унга тўғри баҳо бериш масаласи;
- солиқ юкининг тармоқлар ўртасида оптимал тақсимланишини таъминлаш муаммоси;
- хусусий ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил топиши ва ривожланишини таъминлаш ҳамда тадбиркорликни амалда қўллаб-қувватлаш мақсадига бу соҳада солиқ юкини пасайтириш имкониятларини қидириш муаммоси;
- солиқ юкини ошириш солиқ тушумларини кўнайитиришга тескари пропорционаллигини исботлаш масаласи;
- солиқ юкини оптималлаштиришда жисмоний шахсларнинг даромадлилик даражаси, минимал даражадаги яшаш шароитини таъминлашни ва юридик шахсларнинг молиявий маблағларга эга бўла олиш имкониятини таъминлаш масаласи.

4.1. Солиқ юки назарияси ва солиқ юки даражасини белгилловчи омиллар

Солиққа тортиш назарияси ва амалиётида солиқ юкининг энг қулай ҳолатини аниқлаш муаммоси доимо мавжуд бўлиб келган.

Солиқ юки даражаси, унинг иқтисодий тараққиёт жараёнига, аҳолининг турмуш даражасига таъсири кўпгина хорижий иқтисодчи олимлар, илмий-текшириш институтлари томонидан ўрганилиб чиқилган. Солиқ муносабатларини оптималлаштириш йўналишларидан бири иқтисодий тармоқлари ўртасида иқтисодий мувозантни (даромадларга эга бўлиш шарт-шароитларини, сармоялар оқимини бошқаришни) таъминлаш мақсадига, турли соҳа ва тармоқларда солиқ юкининг оптимал (энг мақбул) ҳолатини таъминлашга эътибор бериш лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 4-моддасида солиққа тегишли қонун ҳужжатларининг тамойиллари берилган бўлиб, унга кўра “Белгиланаётган солиқлар ва йиғимлар (товарларнинг, ишларнинг, хизматларнинг) ёки пул маблағларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида эркин муомалада бўлишни бевосита ёки билвосита чеклаб қўйиш ёки солиқ тўловчининг иқтисодий фаолиятини бошқача тарзда чеклаб қўйиш ёки унга ҳов бўлиши мумкин эмас” деб ёзиб қўйилган (1, 6-бет). Амалиётда солиқларнинг қўлланилиши натижалари, мавжуд солиқ юки даражаси ушбу тамойилга риоя қилинаётганлигини кўрсатадими? Солиқ

таъсир, шу жумладан солиқ юки корхоналар молиявий хўжалик фаолиятига қандай таъсир кўрсатмоқда, янги ишлаб чиқариш корхоналарининг таъкил топшига, инвестиция ажараёнига қандай таъсир кўрсатмоқда?

Бу саволларга жавоб бериш учун амалдаги барча солиқлар, йиғимлар ва мажбурий тўловларнинг биргаликда ва бир-бирига боғлиқликда олиб, уларнинг корхоналар фаолиятига ва аҳолининг ижтимоий шароитига таъсирини таҳлил қилиш лозим бўлади.

Солиқ юкига баҳо беришда фоззли таҳлиллар билан чегараланиш мавжуд ҳолатини реал акс эттирмаслиги мумкин. Гап корхоналарнинг ва фуқароларнинг даромадлилик даражаси ва даромаднинг реал миқдори устида кетмоқда. Айтайлик 60-70%ли солиқ ставкаси даражаси билан корхоналарнинг нормал иқтисодий фаолиятини ва аҳолининг яхши турмуш даражасини таъминлаш имкониятини бериш мумкин. Аксинча, ставкалар наст бўлгани ҳолда корхоналарнинг молиявий аҳоли ёмон ва аҳоли харид қобилияти наст бўлиши мумкин. Бу ҳолда тадбиркорликни ривожлантириш, даромадлиликни таъминлашнинг бошқа йўллари аниқлаш лозим бўлади. Бундай ҳолат юзага келишининг сабаблари аҳоли даромадларининг, корхоналар рентабеллигининг настлиги, иқтисодий бошқарувда эркинликнинг йўқлиги, тадбиркорликни олиб боришда сунъий тўсиқларнинг мавжудлиги, монополия, давлат харид нархларининг настлиги, ҳуллас давлатнинг иқтисодиётни тартиблаш сиёсатидаги айрим номукамалликлар сабаб бўлади. Ҳар йили корхоналар молиявий хўжалик фаолиятига солиқларнинг таъсирини ўрганиш ва таҳлил натижаларидан келиб чиқиб солиқ юкининг амалдаги даражасига ҳолисона баҳо бериш, уни энг маъқул ҳолатга келтириш чораларини кўриш лозим.

Солиқ юкига баҳо беришдан аввал, уни реал ҳолатини аниқлаш лозим бўлади. Солиқ юкини аниқлаш унга кўпгина омиллар таъсир этиши туфайли анча мураккабдир. Шунинг учун кўп ҳолларда солиқ тўловчилар ва уни ундирувчилар солиқ юки даражаси бўйича фикрлари ахлит эмас.

Умуман, солиқ юкини солиқлар ва йиғимлар йиғиндисининг ҳар бир юридик шахс ёки жисмоний шахс даромадидаги улуши сифатида баҳолашимиз мумкин. Лекин бунда айнан қандай даромаддаги улуши деган масалани ҳал қилиш зарур, чунки даромад дейилганда турлича миқдорий кўрсаткичларни тушуниш мумкин, (буни куйироқда кўриб чиқамиз).

Солиқ юки даражасини куйидаги омиллар белгилаб беради:

1) солиқлар, йиғимлар ва бюджетдан таъқари фондларга мажбурий ажратмалар сони;

2) уларнинг ставкалар даражаси;

3) ҳар бир солиқ базасининг ўзига хос шаклланиш хусусияти (яъни солиқ базасининг кенг ёки тор бўлиши);

4) солиқ имтиёзларидан фойдаланиш даражаси (имконияти).

Ушбу омиллардан бирининг камайиши (ўсиши) бошқа омиллар ўзгармагандагина солиқ юки камайишига (ўсишига) таъсир этиши мумкин. Айтайлик солиқ ставкалари пасайтирилса-ю, солиқлар сони кўпайса ёки солиқ объекти элементлари кенгайтирилса, солиқ ставкасининг пасайтирилиши ҳеч қандай натижа бермайди ва солиқ юки ўзгармайди ёки кўтарилади. Масалан: 1995 йилда даромад (фойда) солиғи базасидан иш ҳақлари чиқарилди, аммо солиқ ставкаси 18% дан 38% га кўтарилди. Натижада солиқ юки тушмади, аксинча ортди. 1998 йилда фойда солиғи ставкаси 35% туширилди, аммо корхона ихтиёрида қоладиган фойдадан тўланадиган янги солиқ изжтимоий инфратузилма солиғи эсорий этилди, ҚҚС, мол-мулк, ер солиқлари ставкалари ошди, базаси кенгайтирилди. Натижада солиқ юки яна ошди. 1999 йилда фойда солиғи 33% га туширилди. Аммо ишлаб чиқариш захираларига солиқ эсорий этилди, 2000 йилдан юридик шахслар даромад солиғи ставкаси 26% га туширилди, аммо мол-мулк солиғи ставкаси оширилди, 2002 йилда даромад (фойда) ва мол-мулк солиғи ставкалари пасайтирилди, аммо мол-мулкларнинг қайта баҳоланиши ҳисобига солиққа тортиладиган мулк қиймати кўпроқ ошди ва ҳоказо.

Шунинг учун давлат томонидан солиқ тизимини шакллантиришда бу 4 хил омилни бир-бирига боғлиқ ҳолда қаралиши ва солиқ юкининг мақбул даражасини белгилаши ва ўрнатиши лозимдир. Бу даражани белгилашда давлат қуйдаги ҳолатлар таъсирини ҳам эътиборга олиши зарур:

- мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражаси;
- солиқ тўловчиларнинг тўлов қобилияти, умумий молиявий имкониятлари;
- бозор муносабатларининг, хусусан, мулкчилик муносабатларининг ҳолати;
- инфляциянинг ўсиш даражаси;
- маълум давр хусусиятларига кўра, давлатнинг ўз олдига қўйган сиёсий, иқтисодий ва изжтимоий вазифалари нисбати.

Агар иқтисодий ривожланишнинг маълум даври учун солиқларнинг фискалиги аҳамиятлироқ деб топилса, солиқ юки анча юқори қилиб белгиланади. Солиқлардан тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантирувчи восита сифатида фойдаланиш аҳамиятлироқ деб топилса, солиқ юкини пасайтиришга тўғри келади.

Иқтисодиётда солиқ юкининг тақсимланиши тушунчаси ҳам мавжуд бўлиб, у 2 хил кўринишда бўлади:

- 1) солиқ юкининг иқтисодиёт тармоқлари ўртасида тақсимланиши;
- 2) солиқ юкининг сотувчи, ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасида тақсимланиши.

Солиқ юкининг тармоқлар ўртасида тақсимланиши дейилганда,

бюджет даромадларини таъшиқ этувчи солиқларнинг асосий қисми қайси тармоқлар зиммасига тўғри келиши, аниқроғи эса улар даромадларидаги солиқлар салмоғининг (юқининг) фарқланиши тушунилади. Бунда тармоқларда даромадга эга бўлиш имкониятларини эътиборга олиш ҳам лозим бўлади. Бу ҳолни таҳлил этиш ва унинг натижаларидан амалиётда иқтисодий ўзгаришлар учун зарур тармоқларни ривожлантиришида, тармоқлар ўртасида солиқ юқини оптимал тақсимлаш чораларини кўришида муҳим аҳамиятга эга.

Солиқ юқининг ишлаб чиқариш ва истеъмолчи ўртасида тақсимланиши дейилганда алоҳида олинган маҳсулотнинг (иш, хизмат) охириги истеъмол қийматида киритилган барча солиқлар ва йиғимларнинг қанча қисми истеъмолчи (аҳоли) ва қанчаси ишлаб чиқарувчи (сотувчи) фойдаси ҳисобидан тўланаётганлигини кўрсатади. Чунки ҳар қандай солиқ кимнингдир даромадидан тўланади. Бир қарашда ҳаммаси равишандек кўрилади. Яъни фойда ва бошқа тўғри солиқлар корхона зиммасида; истеъмолга солиқ, яъни эгри солиқлар эса истеъмолчилар зиммасига юкланади. Аммо ҳар доим ҳам шундай деб бўлмайди.

Ғарб иқтисодчилари Кемпбелл Р.Макконнелл ва Стенли Л.Брю “Экономика”да солиқ юқининг ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасида тақсимланиши талаб ва тақлифнинг эластик ёки неэластик эканлигига боғлиқлигини таҳлил этган. Улар фикрича, талаб ва тақлиф тенг бўлган шароитда янги ўрнатилган эгри солиқ ёки унинг оширилган ставкаси ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасида тенг тақсимланади. Бунинг сабаби шундаки, агар янги ўрнатилган солиқ тўлиқ харидор зиммасига юкланса, маҳсулот реализациясининг кескин камайишига, бинобарин улар даромадларининг пасайишига олиб келади. Шу туфайли маҳсулотни сотувчилар эгри солиқларнинг бир қисmini ўз зиммасига олиш эвазига реализацияни бир хил сақлашга ва шу орқали даромадларни кескин камайишдан сақлашга ҳаракат қиладилар (22, 206-208-бетлар). Солиқ юқининг бундай тақсимланиши нисбатига маҳсулот турининг биринчи зарурат эканлиги ёки эмаслиги, маълум даврда айни бир маҳсулотнинг расм бўлганлиги орқали талабнинг ошиши, мазкур товарнинг ўрнини босувчи бошқа товарларнинг мавжудлиги, ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобат ҳам таъсир этади.

Хўш, бизнинг мамлакатимиздаги иқтисодий шароитда солиқ юқи ва солиқларнинг тақсимланиши механизми қандай? Солиқ юқи ва унинг тақсимланишига таъсири жиҳатдан солиқларни 4-группага бўлиб олишимиз мумкин.

- 1) эгри солиқлар: ҚҚС, акциз ва божхона божлари;
- 2) даромад (фойда) солиғи;
- 3) корхона ихтиёрида қоладиган соф фойдадан тўланадиган солиқлар;
- 4) давр харажатлари таркибига киритиладиган солиқлар ва

мажбурий ажратмалар.

Биринчи гуруҳга кирувчи солиқларни деярли тўлиқ суръатда истеъмолчи зиммасига юклатилади, дейиш мумкин. Корхоналарда ҳам ашё, материаллар учун тўланган ҚҚСнинг 1999 йил 1 январдан бир йўла барчасини ҳисобга ўтказилиши бу солиқнинг ишлаб чиқарувчилар учун нейтраллигини таъминлади, корхона айланма маблағларининг мобилизация қилинишини тўхтатди. Аммо бу солиқларни корхоналар молиявий ҳолатига таъсир этмайди дейиш нотўғри бўлади, албатта. Бу солиқларнинг бошқа солиқлар каби ҳисоб-китоб счегига пул келиб тушмасдан тўланиши, уларнинг анча катта миқдордалиги баъзи ҳолларда корхоналарни оғир молиявий ҳолатга олиб бормоқда. Яна бир муҳим жиҳат мавжудки, эгри солиқларнинг ўрнатилиши нархларни максимал даражагача олиб боради. Бу эса ўз-ўзидан фойда олиш имкониятини чеклайди. Бу айниқса харид қобилиятининг чекланганлиги, аҳоли асосий қисмининг даромади паст бўлган шароитда анча сезиларли бўлади. Бунда корхоналар маҳсулотини сота олмаслиги ёки паст нархда сотиш билан фойда кўра олмайди. Айтайлик товарнинг баҳоси бозорда 1000 сўм. бу маҳсулот қийматида 300 сўм эгри солиқлар мавжуд. Маҳсулот таннархи 600 сўм, 100 сўм фойда олиш имконияти мавжуд. Ҳам ашё, материаллар, электр-энергия ва бошқаларнинг нархлари ошиши натижасида таннарх 650, солиқларнинг ошиши 350 сўм бўлди (солиқ ставкаси, сони ёки базаси ошган). Иқтисодиётда даромадларнинг инфляция даражасидан орқада қолиш қонуни мавжуд. Ушбу қонунга кўра, маҳсулотни 1100 сўмдан сотиб олишнинг иллати йўқ. Бунда максимал нарх 1050 сўмгача кўтарилиши мумкин. Демак корхона даромади 50 сўмга камаяди. Бу ҳолатнинг йилдан-йилга давом этиб келаётганлиги бошқа айрим сабаблар қаторида кўнлаб корхоналарни инқирозга олиб бормоқдаки, бунга кўнлаб корхоналарни мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин. Уларнинг асосий қисми ишлаб чиқариш, қурилиш корхоналаридир. Шунинг учун эгри солиқларни ҳам солиқ юкига таъсири жуда кучли деб ҳулоса чиқариш мумкин.

Солиқларнинг иккинчи ва учинчи гуруҳлари солиқ юкига бевосита таъсир кўрсатади, иккала гуруҳ солиқлари ҳам фойдадан тўланади. Аммо уларнинг таъсири даражаси турлича. Соф фойдадан тўланадиган маҳаллий солиқлар фойда солиғи базасидан чиқарилмайди. Уларнинг миқдори фойда солиғи суммасига нисбатан анча кам, аммо таъсири кучлироқ. Фойда солигининг ставкаси йилдан йилга пасайтирилмоқда, аммо унинг фойдадаги салмоғи айрим харажатларни ҳам солиқ базасига киритилиши натижасида ортиб бормоқда. Кўпчилик корхоналарда фойда солиғи миқдори ҳатто фойдадан ҳам ортиб кетади. Бу эса аксарият корхоналарнинг ниҳоятда оғир молиявий аҳволдан далолат беради.

Солиқларнинг тўртинчи гуруҳига давр харажатлари таркибига киритиладиган ер солиғи, мол-мулк солиғи, сув ресурслари учун солиқ,

экология солиғи, ер ости бойликларидан фойдаланиш солиқлари киради. Бундан ташқари бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратмалар, яъни йўл фондига (тушумга нисбатан 1%, 1,5%, 2,5%), нафақа фондига ажратма (тушумга нисбатан 0,7%), МХФга нисбатан 33% ягона ижтимоий тўлов. Бу солиқларнинг қорхона молиявий-иқтисодий аҳволига, шунингдек солиқ юкига таъсири бевоситами ёки билвоситами, деган савол туғилади. Бу солиқлар адабиётларда тўғри солиқ сифатида баҳолашиб келинади. Сўнги пайтларда эса уларга эгри ёки тўғри солиқларга ажратмасдан ресурс солиқлари деб қаралмоқда. Тўғри, уларнинг асосий қисми ресурс солиқлари ҳисобланади. Лекин солиқларни бундай гуруҳлашда уларга фақат эгри ёки тўғри солиқ сифатида қаралиши мумкин, чунки бунда солиқларнинг нархларга таъсири ёки қорхона даромадидан тўланиши мезон қилиб олинishi керак. Яъни нарх элементи ҳисобланадими ёки фойданинг бир қисми сифатида тўланадими деган саволга жавоб бериш лозим. Агар маҳсулот таннари бу солиқлар ҳисобига ўсган бўлса, бу маҳсулот нархининг ўсишига ҳам сабаб бўлади. Бунда бу солиқ эгри солиқ бўлиб қолади ва истеъмолчи зиммасига юклатилади. Лекин юқорида кўрганимиздек, нархлар ўзгармаса, яъни бу нархни бозор кўтармаса у ҳолда бу солиқлар бевосита фойдани камайтиради, фойда ҳисобидан тўланган бўлади. Аммо бу гуруҳ солиқлари хусусияти шундаки, қорхона фойда олиши ёки олмаслигидан қатъий назар тўланиши лозим (эгри солиқ каби). Шунинг учун бизнинг ҳозирги иқтисодий шароитимизда улар эгри солиқларга яқиндир, аммо солиқ юкига таъсири бевоситадир, чунки қорхона фойда олмаган тақдирда ҳам улар ўзгаришсиз бюджетга тўланади ва уларнинг баъзида зарарига ишлашига, айланма маблағларнинг камайишига ҳам олиб келмоқда.

Бюджетдан ташқари фондларга ажратмалар ҳам солиқ юкига анча катта таъсир қилади. Бу ажратмалар солиқларга нисбатан 30-33 фоизни ташкил этмоқда бу анча юқори кўрсаткич ҳисобланади.

4.2. Солиқ юкининг амалдаги ҳолатини таҳлили ва унга иқтисодий баҳо бериш

Солиқ юкини аниқлашда ҳозирги пайтда асосан расмий қабул қилинган бир усул қўлланилади. Бу усул Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан тақдим этилган бўлиб, солиқ юки жами солиқлар йиғимлар ва ажратмаларнинг маҳсулот сотишдан тушумдаги салмоғи сифатида аниқланади. Давлат солиқ қўмитаси томонидан солиқларнинг қорхоналар молиявий хўжалик фаолиятига таъсири бўйича олиб борилган таҳлилларда кўрсатилишича солиқларнинг салмоғи ўртача 46%ни ташкил этган.

Солиқлар бу йилларда абсолют суммада ҳам ошиб борган. Аммо бу ўсиш маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва сотишнинг кенгайиши натижасида солиқ базасининг кенгайиши ёки таннархнинг пасайиши ҳисобига эмас, корхоналар зиммасидаги солиқ юкининг ортиши, корхона даромадларининг кўпроқ қисмининг бюджетга ундирилиши эвазига юз берган. Чунки маҳсулот ишлаб чиқариш, сотиш обороти 1999 йилда саноатда 1,02 фоизга, 1999 йилда қурилишда 0,98 фоизга ўсган. Аммо бу ўсиш асосан инфляция кўрсаткичи таъсирида бўлган. Корхоналар соф фойдаси эса йилдан-йилга камайган. Бу фикрларни қуйидаги жадвалдаги маълумотлар кўрсатиб турибди.

4.2.1-жадвал

Соф фойда ва таннархнинг нархни шакллантиришдаги ўрни¹

(фоиз ҳисобида)

Тармоқлар номи	Соф фойданинг тушумдаги салмоғи			Таннархнинг тушумдаги салмоғи		
	2001	2002	2003	2001	2002	2003
Саноат	4,8	4,0	3,0	62,0	60	62,0
Қурилиш	5,0	3,0	5,0	70,0	67,0	67,0
Транспорт	4,0	7,0	4,0	65,0	63,0	61
Маиший хизмат	4,0	5,0	4,0	67	68,0	66
Ўртача кўрсаткич	4,45	5,5	4,0	66,0	64,0	64,0

Кўриб турганимиздек, соф фойда салмоғи барча тармоқларда камайиб борган, таннарх салмоғи эса деярли ўзгармаган. Демак солиқ юкининг ортиши фақат фойданинг камайиши эвазига бўлган.

Тармоқлар бўйича кўплаб корхоналарда олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, солиқ юки юқоридаги усул бўйича аниқланганида солиқ юки кўпроқ транспорт, маиший хизмат, савдо соҳасида юқорида бўлиб чиқади. Аммо бундан мазкур тармоқларда солиқ юки юқори, қурилиш ва ишлаб чиқаришда нисбатан пастроқ деган хулоса чиқаришга шोшилиш керак эмас. Чунки қурилиш ва ишлаб чиқариш соҳасида ҳам ашё ва материаллар, ёқилғи, бутловчи қисмларнинг, қурилиш материалларининг меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларининг ялли тушум таркибида катта миқдорни ташкил этиши сабабли солиқлар ва йиғимларнинг абсолют суммаси бошқа тармоқларга нисбатан катта суммани ташкил этишга қарамай унинг салмоғи камроқ чиқади. Шунинг учун ҳам солиқ юкини аниқлаш ва унга баҳо беришнинг бу усулини нотўғри деб ҳисоблаймиз. Тармоқлар бўйича солиқ юкининг тақсимланишини тўғри баҳолашга бошқача ёндашув бўлиши зарур. Биз томондан тақлиф қилинадиган усулга кўра ялли тушум таркибидан ҳам ашё, материаллар қиймати чиқарилиши зарур. Бунда

¹ Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг «Солиқ ва тўловларнинг корхоналар молиявий ҳўжаслик фаолиятига таъсири таҳлили» бўйича таҳлилий материаллари.

янгидан яратилган қиймат, ҳақиқий олинган ялпи даромаднинг қанчаси солиқларга кетаётганлиги ва қанчаси корхонада қолаётганлиги аниқ равшан кўринади. Демак, ишлаб чиқариш корхоналарида солиқ юки анча юқори 39 фоиз аммо ҳақиқатда биз таклиф қилган усулда ҳисобланганида бундан ҳам (бошқа соҳаларга нисбатан) юқорироқ бўлади (4.2.2-жадвалга қаранг). Бу ҳолатни аниқроқ кўриш мақсадида қуйидаги корхоналар мисолида таҳлил этамиз. Саноат корхоналари: «Биохимия заводи», «Электродвигатель заводи», «Хумоюн» жавобгарлиги чекланган жамият, «Симург» ҳиссасдорлик жамияти, «Фильтр» ГПП; қурилиш корхоналари: ПМК тр. Ирстрой, МСПМК –129, ПМК-3тр. ўзбекгаз, СМНУ СПЕЦавтомат, СУ-1 162; транспорт корхоналари: АТП-27, ПАТЕК, Автокомбинат, Автоколонна –2511, ТЭП; маиший хизмат корхоналари: «Эко-Азия» фирмаси, «Тоталик» фирмаси, «Лола» фирмаси, «Бешбуйнок» фирмаси, «Зангори экран» фирмаси. Ҳар бир тармоқ бўйича шу бештадан корхоналарнинг ўртача маълумотлари асос қилиб олинган. Янгидан яратилган қиймат бирор фаолиятдан олиниши мумкин бўлган, давлат ва жамият учун яратилган жами даромадни кўрсатар экан, унинг шаклланишига солиқлар қуйидагича таъсир кўрсатган.

4.2.2-жадвал

Солиқ ва тўловларнинг ялпи тушумдаги ва қўшилган қийматдаги салмоғи²

(фоиз ҳисобида)

Тармоқлар	2001		2002		2003	
	Ялпи тушумдаги салмоғи	Қўшилган қийматдаги салмоғи	Ялпи тушумдаги салмоғи	Қўшилган қийматдаги салмоғи	Ялпи тушумдаги салмоғи	Қўшилган қийматдаги салмоғи
Саноат	28,9	50,2	29,0	51,3	28,6	61,5
Қурилиш	12,2	46,7	16,1	50,0	18,4	72,1
Транспорт	34,0	45,1	28,3	54,4	30,5	64,0
Маиший хизмат	28,8	77,0	33,2	40,0	38,6	56,0

Жадвал маълумотларида кўриб турганимиздек барча тармоқларда солиқларнинг қўшилган қийматдаги салмоғи ялпи тушумдаги салмоғидан анча юқори эканлигидан ташқари, солиқ юкининг тармоқлар ўртасидаги тақсимланиш нисбати тескари томонга ўзгарган. Масалан, 2000 йилда ялпи тушумдаги улуши бўйича маиший хизмат ва транспортда солиқ юки юқорироқ бўлса, аксинча қўшилган қийматдаги салмоғида қурилиш, ишлаб чиқариш ва транспортда юқоридир. Демак, тармоқларда янгидан

² Юқорида номлари кўрсатилган корхоналарнинг 2001, 2002, 2003 йиллар учун ярим йиллик ҳисобот маълумотлари асосида тузилган.

яратилган қийматнинг 56 фоизидан 72,1 фоизигача солиқлар ҳиссасига тўғри келади. Унинг ҳиссасининг охириги йилларда ўсиш тенденцияси мавжуд. Янгидан яратилган қийматнинг 27,9 фоизидан 43,6 фоизигача корхоналар ҳиссасига тўғри келса-да, унинг асосий қисми меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари ва бошқа давр харажатларига сарфланган. Корхоналар соф фойдаси эса даромаднинг жуда кам қисmini ташкил этган, ҳолос. Буни қуйидаги жадвал маълумотларида ҳам кўришимиз мумкин.

4.2.3-жадвал

Соф фойданинг ялпи тушумдаги ва қўшилган қийматдаги салмоғи³

(фоиз ҳисобида)

№	Корхоналар	2001		2002		2003	
1.	Саноат	1,0	1,5	0,5	0,8	0,9	1,5
2.	Қурилиш	0,7	1,4	1,2	2,9	0,6	1,9
3.	Транспорт	3,4	4,9	3,2	5,8	2,2	5,0
4.	Маиший хизмат	7,0	7,9	1,0	1,1	1,3	1,9

Демак, соф фойданинг ялпи тушумдаги ва қўшилган қийматдаги салмоғи жуда камдир. 2000 йилда унинг энг юқориси транспорт корхоналарида бўлиб мос равишда 2,2 ва 5,0 фоизни ташкил этган.

Солиқларнинг максимал даражада бўлиши ялпи даромадни ва нархларни максимал даражага олиб боради. Корхона фойдаси эса минимал даражага боради ёки зарарга ўтади.

Бу ҳолда солиқлар фойдани тобора сиқиб чиқаради ва корхоналар фаолиятининг зарарга ишлашга, тўхташига сабаб бўлади. Ишлаб чиқариш соҳасида солиқларнинг юқори бўлиши туфайли, кўплаб ишлаб чиқариш корхоналарининг ёпилиб кетишига сабаб бўлди. Ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти йилдан йилга камайиб бормоқда, янгилари имтиёзлар берилишига қарамай деярли очилмаяпти. Фойда солигидан ташқари бошқа солиқларнинг маҳсулот нархини мажбурий равишда ошириши унинг реализациясини, албатта чегаралайди. Агар нархлар пастроқ бўлганида оборотни кўпайтириш орқали шу даромадни ва солиқни олиш мумкин эди.

Солиқ юкини ҳозирги амалдаги усулида аниқлашда яна шунга эътибор бериш лозимки, сотишдан тушум таркибида ҚҚС тўлиқ акс этади, жами солиқлар ва тўловлар таркибида эса фақат шу корхона томонидан бюджетга тўланадиган қисми ҳисобга олинади, бу эса амалдаги солиқ юки миқдорини корхона бўйича бироз камайитириб кўрсатади.

³ Юқорида номлари кўрсатилган корхоналарнинг 2001, 2002, 2003 йиллар учун ярим йиллик ҳисобот маълумотлари асосида тузилган.

Солиқ юкини солиқларнинг соф даромаддаги салмоғи сифатида аниқлаб баҳо бериш ҳам мумкин. Аммо бундай усулда солиқ юкини аниқлашда ҳам мазмунан ўзгариш бўлмайди. Солиқ юки бироз юқорироқ чиқади, ҳолос (эгри солиқ миқдори даражасида).

Фикримизча, аввало “Соф тушум” тушунчасига тўғри баҳо бериш лозим деб ҳисоблаймиз. “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан, соф тушум ялпи тушумдан эгри солиқларнинг (ҚҚС, акциз солиғи, божхона тўловлари) айирмаси сифатида қаралади. Бизнингча, бу тўғри эмас, соф тушумга ялпи тушумдан моддий харажатлар айирмаси сифатида қараши мантиққа яқинроқдир. Чунки хом ашё ва материалларга даромад сифатида қараши нотўғри. ҚҚС айирмаси сифатидаги қийматни корхона учун даромад сифатида қарайдиган бўлсак, у ҳолда корхона фойдасига алоқаси бўлмаган давр харажатларига киритилувчи кўплаб ажратмаларни, солиқларни ҳам чиқаришга тўғри келади. Биз таклиф этган “соф тушум” - бу жамият учун яратилган даромад бўлади, яъни ялпи тушумдан материал харажатлар айирмаси сифатидаги соф тушум давлат ва корхона ўртасида тақсимланади ва корхонанинг ёки давлатнинг даромадига айланади.

Кўп ҳолларда бозор иқтисодиёти ривожланган давлатларда солиқ юкига баҳо беришда солиқларнинг даромаддаги (иш ҳақи ва фойда) улушига ўтибор берилади. Француз иқтисодчиси А.Лэффер ҳам солиқ юки ва унинг оптимал вариантларини аниқлаш билан боғлиқ илмий тадқиқотларида фойда солигининг фойдадаги улушини тадқиқ қилинган. Тўғри, “фойда” кўрсаткичи корхона фаолиятининг якуний молиявий кўрсаткичи ҳисобланади. Корхона учун олинadиган фойда ва унинг миқдорида таъсир этувчи кўрсаткичлар билан бирга фойданинг қанча қисми солиқларга кетаётгани унинг келажакдаги тадбиркорлик фаолиятига ўз таъсирини ўтказади. Ҳозирги пайтда бизда “фойда” иқтисодий категориясига баҳо бериш анча қийинчиликларни тугдиради. Айниқса, солиқ юкини аниқлаш мақсадида фойданинг шаклланиши ва унинг бюджет ва корхона ўртасида тақсимланиши билан боғлиқ анча муаммоларни юзага келтиради. Чунки фойданинг «солиққа тортилгунга қадар бўлган фойда», “солиққа тортиладиган фойда”, “соф фойда” каби кўрсаткичларда ифодаланади. Йилдан-йилга корхоналарда бу фойдалар ўртасидаги фарқланиш кучайиб бормоқда.

Солиқ юкини баҳолаш мақсадида барча солиқларнинг фойдадаги салмоғини аниқлашдан мантиқ чиқмайди. Чунки корхоналарнинг деярли барчасида солиқлар йиғиндиси фойдадан бир неча марта катта бўлади. Бу фарқ охириги йилларда кучаймоқда. Бу эса корхоналарда яратилаётган фойданинг паст даражада эканлигидан ва солиққа тортишнинг юқори даражада эканлигидан далолат беради.

Шунинг учун солиқ юкини фойдада нисбатан баҳолашда жами солиқларнинг эмас фақат фойда солигининг фойдадаги улушини аниқлаш мақсадга мувофиқ. Бунда шунга эътибор берилиши керакки, корхоналарда фойда солиғи суммаси ҳисобот (солиққа тортилгунга қадар) фойдасининг асосий қисмини эгалламақда, баъзи ҳолларда эса (бундай корхоналар республикада анчагина ва кўпайиб бормоқда) зарар кўрсатади, солиқ базасига қайта қўшилувчи харажатлар ҳисобида фойда солигидан қарздор бўлиб боқимандалар қаторига киритилади ва пеня ҳисобида у кўпайиб боради. Агар корхона қарзини тўлай олмаса корхона мулки қим ошиди савдосида соттириб ундирилади. Демак, бу ерда аён бўладики, солиқ юкига нафақат солиқ ставкаси миқдори, балки солиқ объекти таркибига кирувчи элементлар миқдори катта таъсир этади. Буни мол-мулк солиғи базаси ва ставкаси ҳолатида ҳам кўришимиз мумкин.

Республика бўйича, 2000 йилда иқтисодиёт ва барча тармоқларда 182,3 млрд. фойда олинган. Шундан 109,9 млрд. сўми, яъни 60 фоизи фойда солигини тўлашга сарфланган.

Биз юқорида фойданинг нисбатан даражада бўлишига солиқларнинг янгидан яратилган қийматнинг катта қисмини эгаллаётганлиги сабаб бўлишини охири-оқибатда корхонанинг инқирозга учраши сабабли давлат бюджети эгри солиқлардан ҳам маҳрум бўлаётганлиги натижасида таъкидлаб ўтган эдик. Биринчи ва тўртинчи гуруҳга кирувчи солиқлар миқдори ишлаб чиқариш корхоналарида тармоқ хусусиятига кўра юқори бўлади ва солиқ юкини оширади. Чунки бу ерда ишчи кучининг кўп талаб қилиниши меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларини кўпайтиради. Бу эса МХФ нисбатан 33%ли изғирмоний ажратмаларни, фойда солиғи базасига қайта қўшилувчи харажатларни, (даромад солигини) кўпайтиради, ишлаб чиқариш таннархининг юқорилиги экология солигини; қайта ишлаш харажатларининг юқорилиги, ҚҚСни, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ (ер ости бойликларида фойдаланиш) кўпайтиради. Булар ўз-ўзидан ишлаб чиқариш ва қурилишда ялпи тушумнинг, маҳсулот нархининг юқори бўлишига (солиқлар билан биргаликда), бу эса ўз навбатида ялпи тушумга нисбатан ҳисобланадиган нафақа фондига, йўл фондига ажратманинг юқори бўлишини сабаб бўлади. Бу шароит эса фойданинг ва фойдадан тўланадиган солиқларнинг (тўғри солиқлар) улушини камайтиради. Демак, бу ҳолда давлат бундай солиқ сиёсати орқали барча тармоқларга тенг ёки нисбатан солиқ ставкалари, яъни тенг солиқ шароити яратганида ҳам ишлаб чиқариш соҳасидаги солиқ юки нисбатан юқори бўлади. Солиқлар фойданинг яратилишига бошқа тармоқларга нисбатан камроқ имконият беради ҳамда солиқлар бу тармоққа кўпроқ босим беради.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, корхоналарни солиққа тортишда солиқлар бўйича оғирлик маркази корхоналар хўжалик фаолиятининг охириги натижасига боғлиқ қилиб қўйилмаган. Корхона фойда олиш ёки

олмаслигидан қатъий назар тўланадиган солиқлар сони ва улуши ниҳоятда катта. Корхоналар фойдасининг йилдан-йилга камайиши натижасида давлат бюджети даромадлари таркибида ҳам юридик шахслар даромад фойда солиғи салмоғи ҳам пасаймоқда. Масалан, республика бўйича 1999 йилда у 15 фоиз, 2000 йилда 13,3 фоиз бўлган, 2001 йилда эса 10,5 фоизни, 2002 йилда 9,5 фоизни, 2003 йилда 8,5 ташиқил этган. Бу солиқ миқдори жисмоний шахслар даромад солиғидан деярли 2 марта камдир. Юридик шахслар даромад (фойда) солиғининг улуши 2004 йилда 6,9 фоиз бўлиши режалаштирилган. Бу кўрсаткичлар давлатнинг мақадли фондларидан ташқари даромадларига нисбатан олинган. Агар республикада аҳолининг катта даромад олмаслигини эътиборга оладиган бўлсак, фойда солиғи аҳамияти жуда пасайиб кетаётганлигидан далолат беради. Натижада эгри солиқлар ва ресурс солиқлари кўпроқ ундирилмоқда. Эгри солиқларни бюджет даромадларидаги салмоғи 1999 йилда 52,3 фоиз, 2000 йилда 56,8 фоиз, 2003 йилда 59,3 фоиз бўлган, 2004 йилда 58,5 фоиз бўлиши режалаштирилган. Ресурс солиқлари эса 2000 йилда 9,6 фоиз бўлган, 2003 йилда эса 10,7 фоиз бўлган, 2004 йилда эса 10 фоиз бўлиши режалаштирилган. Корхона фойдасига боғлиқ бўлмаган солиқларнинг кўпайиши натижасида республикада яратилган ялпи ички маҳсулотнинг пировард исътемом сарф харажатлари таркибидаги моддий айланма воситалар захираси катта миқдорда камайиши қўзатишмоқда, яъни корхоналар айланма маблағлари четлашиб, солиқ ва мажбурий ажратмаларни тўлаш ва бошқалар учун сарфланган.

4.3. Солиқ юкини оптималлаштириш масалалари

Солиқ юкининг муайян давр учун оптимал, яъни илмий асосланган, адолатли ва реал вариантларининг қўлланилиши кўпгина ривожланган давлатларда иқтисодиётнинг самарали ривожланиб боришини таъминламоқда.

Республикада ҳам солиққа тортиш соҳасидаги асосий масалалардан бири бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳозирги босқичи учун ҳос бўлган солиқ юкининг энг оптимал ҳолатини ишлаб чиқиш ва уни амалда таъминлаш бўлиб қолмоқда.

Солиқларнинг тўлиқ, ўз вақтида ва ҳеч қандай порозиликсиз тўланиши энг биринчи навбатда, солиққа тортиш даражасининг нақадар тўғри ва адолатли ташиқил қилишга боғлиқ бўлади. Солиққа тортиш тизимининг адолатлилиги аввало, яритилаётган ялпи ички маҳсулотнинг давлат, корхоналар ва аҳоли ўртасида қандай нисбатда тақсимланаётганлигида ифодаланади, яъни улар манфаатларининг нақадар мутаносиблигида кўринади. Бунда солиқ тўловчининг имконияти, маълум тармоқ ёки соҳанинг мамлакат иқтисодиёти учун аҳамияти, тўлов муддатларининг

қулайлигини ҳам эътиборга олиш жуда муҳимдир. Акс ҳолда солиқ объектларини яшириш, даромадларни камайтириб кўрсатиш ҳоллари юз беради. Солиқ юкининг юқори бўлиши ишлаб чиқариш ҳажминини чегаралайди, тадбиркорликни сусайтиради, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга бўлган рағбатни йўқотади. Бундай шароитда тадбиркорлар солиқдан қочиш имкониятлари кўпроқ бўлган, иқтисодий таваккалчилик камроқ бўлган, муҳими катта сармоя қўйишни талаб қилмайдиган ва тезда даромад келтирадиган соҳаларга ўзини уради. Масалан, ҳозирги пайтда кўпчилик тадбиркорларнинг савдо-воситачилик фаолияти билан шуғулланишини худди шу сабаблар билан тушунтириш мумкин. Республикада тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг асосий қисми савдо, савдо-воситачилик билан шуғулланади. Қолганлари ҳам умумий овқатланиш ва бошқа нақд пул айланиши билан боғлиқ маънавий хизмат соҳасидир. Ишлаб чиқариш соҳаси билан шуғулланувчилар улуши эса нисбатан арзимас даражада. 2003 йилда республикада жами 194123 та юридик шахс рўйхатдан ўтган бўлса, шундан саноат корхоналари 21560 та ёки 11 фоизини ташкил этган, ҳолос, унинг асосий қисми пахта, газ ва бошқа хом ашё ишлаб чиқариш билан боғлиқ давлат корхоналаридир. Савдо, улгуржи савдо-тайёрлов, умумий овқатланиш, тижорат фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар сони эса 66766 та ёки 34,4 фоизни ташкил этган⁴.

Республикадаги корхоналар фаолияти таҳлиллари асосида солиқ юки юқори ва бу иқтисодиётимиз ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда, деб ҳулоса чиқаришимиз мумкин. Демак, бизнинг шароитимизда солиқ юкини оптималлаштириш солиқ юкини пасайтиришни билдиради. Республикада солиқ юкини оптималлаштириш, яъни пасайтириш мумкинми? Агар мумкин бўлса, унинг йўллари қандай? Аввало давлатнинг самарасиз харажатларини қисқатириш лозим бўлади. Шунини таъкидлаш керакки, кўпгина давлатларда, айниқса ривожлanaётган давлатларда, шу жумладан бизнинг республикада ҳам асосий ҳолларда давлат харажатлари миқдори солиқ юкини белгилайди. Аслида бундай амалиётнинг қўлланилиши нотўғридир. Оптимал даражада ўрнатилган солиқ юкининг умумий даражаси асосида шакллланган бюджет даромадларига қараб давлат харажатлари режалаштирилиши ва амалга оширилиши лозим деб ҳисоблаймиз. Акс ҳолда бу иқтисод ривожланишига албатта салбий таъсир кўрсатади.

Давлат харажатларини қисқартириш солиқ юкини пасайтириш муаммосини тўлиқ ёки бутунлай ҳал этмайди, фақат солиқ юкини пасайтириш учун дастлабки шарт-шароитни яратади (даромад олиш имкониятини) ҳолос. Навбатдаги асосий масала эркин тадбиркорлик

⁴ Манба: Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги маълумотлари.

фаолиятини (айниқса, ишлаб чиқариш фаолиятини) олиб бориш ва даромадга эга бўлиш учун қулай шарт шароит яратиш ва шу орқали бюджетга қўшимча солиқ тушумларининг келишига эришишдир. Бунда солиқ юкини камайтириш учун яна бир асос яратилади. Бу соҳада республикамызда анчагина объектив ва субъектив муаммолар мавжуд. Бу муаммоларни бизнингча ҳал этиш, шу йўл билан солиқ юкини камайтиришга ва бюджетга солиқ тушумларини кўпайтиришга эришиш йўллари ушбу қўлланманинг 3.3. қисмида тулиқроқ баён этилган.

Солиқ юкини пасайтиришга эришишнинг муҳим йўналиши бу солиқ имтиёзларидан самарали фойдаланиш имкониятини яратишдир. Бу соҳада бир қанча ютуқлар билан биргаликда муаммолар ҳам мавжуд (5-бобга қаранг).

Баъзи адабиётларда турли соҳа ва тармоқларда солиқ юкини тенглаштириш мақсадида ягона солиқ ставкасини ўрнатиш зарурлиги тўғрисида гап боради. “Солиқ механизми шаклланишининг жаҳон таърибаси таъдиқлашича, мулк шакли ва тармоқ хусусиятидан қатъий назар ягона солиқ ставкасини жорий этиш, солиқ механизми шаклланишининг яна ҳам прогрессив тамойилларидан биридир” (29, 142-бет). Аммо ягона солиқ ставкасини белгилашда иқтисодий шарт-шароитларни эътиборга олмаслик салбий натижаларга олиб келади.

Ҳозирги пайтда республикамызда турли соҳа ва тармоқларда турлича солиқ ставкалари ўрнатилган. Нафақат ставка, балки солиқ турлари, солиққа тортиш тартиби, механизми жиҳатидан ҳам бир-биридан фарқ қилади. Шу жиҳатдан соҳа ва тармоқларни куйидагиларга ажратиш олиш зарур:

- қишлоқ хўжалиги;
- ишлаб чиқариш, транспорт, қурилиш, маиший хизмат кўрсатиш;
- савдо, умумий овқтланиш, воситачилик;
- банк ва сугурта ташкилотлари;
- казино, шоулар ва бошқалар;
- кичик бизнес корхоналари.

Бундан ташқари, давлат инвестиция дастурига киритилган корхоналар ҳам бошқача тартибда солиққа тортилади. Бу ҳолат бозорга ўтишининг ҳозирги босқичида иқтисодиётимиз хусусиятларидан келиб чиқиб, солиқ механизми орқали иқтисодиётни бошқаришнинг ўзига хос усулларидан ҳисобланади. Бу усул солиққа тортишни мураккаблантиришига қарамай маълум маънода ўзини оқлайди. Чунки уларнинг ягона тартибда ва ягона ставкада солиққа тортилиши (ҳатто бир-бирига яқин бўлиши) иқтисомий таффовутларнинг, иқтисодий ривожланишдаги диспропорцияларнинг юзага келишига, уларда солиқ юки

фарқланишларининг кучайишига, вертикал адолатнинг бузилишига олиб келади.

Солиқ юкининг турли соҳаларда фарқланиши тўғрисида айтилганда, банк тизимини солиққа тортиш соҳасида ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш лозим деб ҳисоблаймиз. Банк тизимининг бир неча йиллар давомида солиқлардан озод этилиши, ҳамда уларга давлат кредитининг тақдим этилиши улар моддий-техника базасини мустаҳкамлади, қурилишлар олиб борилди. Молиявий жиҳатдан анча барқарорликка эришилди. Лекин унинг хизмат кўрсатиш соҳаси эканлигини ва моддий ишлаб чиқариш ривожланмаса молиявий мустаҳкам миқозлар бўлмаса, банк тизимининг қанча имтиёз берилишига ва моддий базаси мустаҳкамланишига қарамай ривожланиб кета олмаслигини эътиборга олиш зарур эди. Ҳозирги пайтда кўпчилик вилоят ва шаҳарларда банклар асосий солиқ тўловчи ташиқлот бўлиб қолмоқда. Бу бошқа томондан реал имтиёз беришнинг амалдаги самарасини ҳам исботлайди. Охириги вақтда банкларнинг молиявий аҳволининг нисбатан оғирлашиб бориши юқоридаги фикрларимизни исботлайди.

Шунинг учун ҳам давлат кредитлари аввало ишлаб чиқариш соҳасига сарфланиши ва умуман ишлаб чиқариш соҳасини паст даражада солиққа тортишни ташиқил қилиш лозим эди. Ҳозирги пайтда бюджет даромадларига минимум зарар етказган ҳолда турли соҳа ва тармоқларда турлича солиқ босимини таъминлаган ҳолда ишлаб чиқариш соҳасига (паст ставка ўрнатиш) катта эътибор бериш зарур. Бунда нафақат ставкани пасайтириш балки солиқлар сонини, солиқ базасини шакллантириш хусусиятини ҳам эътиборга олган ҳолда қараш зарур.

Корхоналарга солиқ юки қанчалик юқори бўлмасин, корхоналар ўзининг реал иқтисодий имкониятларидан чиқиб кета олмайди ва қўшимча солиқ ундириб бўлмайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, «солиқ юкини сезиларли даражада пасайтириш, солиқ тўловчининг талаби ёки Ҳукуматнинг хоҳиши билан эмас, балки мустаҳкам иқтисодий асос бўлгандагина мумкин бўлади» (85, 66-бет). Акс ҳолда янги солиқлардан қочиш тўғридан тўғри тесқари натижаларга олиб келиши мумкин.

“Агар қаражатларни талаб қилинадиган даражада барқарорлаштиришга эришилса ва ишлаб чиқариш унумдорлигини ўсиш даражаси сақланиб қолинса, солиқларни қай даражада пасайтириш имкониятини тасаввур этиш ва ҳисоблаш мумкин бўлади. Фақат шу йўл билан барчамизни қийнаётган солиқ муаммосини ҳақиқатда ҳал қилишга эришиш мумкин” (25, 67-бет).

Республикамызда корхоналарни солиққа тортишда соддалаштириш томон борилмоқди. Бу маълум даражада корхоналар зиммасидаги солиқ юкини пасайтиришга, солиқларни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш билан

боғлиқ харажатларнинг камайишига ёрдам беради. Ишлаб чиқариш соҳасига ялпи тушумдан 13 % ставкада ягона солиқ тўлайдилар. Корхона 13% солиқ тўлаш учун даромадлилиги ҳеч бўлмаганда 20% бўлиши лозим. Шунда 4,8% фойдага эга бўлади (бюджетдан ташқари фондларга тўловлардан ташқари). Лекин ҳозирги пайтида ишлаб чиқариш корхоналари учун, бундай даромадлиликни таъминлаш жуда қийин, уларнинг 15,2% даромадлиликка эришилса, барча даромад солиқ ва ажратма сифатида бюджетга тўланади. Аммо корхона даромадга эга бўлмаса, у зарарига бўлсада тўлаши зарур, бу ҳолда унинг келажаги йўқ, албатта. Савдо соҳасидаги корхоналарга ялпи даромад солиғи ставкаси 20% қилиб белгиланган, аммо солиқ базаси бунда бутун товароборот эмас ялпи даромади ҳисобланади. Савдо корхонасининг товарларни сотиб олиш ва сотиш фарқи сифатидаги ялпи даромади ва ишлаб чиқариш корхонасининг ялпи тушуми таркибини тенглаштириб бўлмайди, албатта. Бу ҳолда солиқ юки, албатта ишлаб чиқариш корхонасига кўпроқ бўлиб чиқади. Таҳлиллардан кўрмоқдамизки, ишлаб чиқариш ва қурилиш корхоналарида солиқ юки юқоридир. Шу туфайли солиқ сиёсати орқали иқтисодиётни бошқаришнинг муҳим йўналишни бу - ишлаб чиқариш ва қурилиш корхоналарида солиқ юкини амалда сезиларли даражада камайитиришдир. Бунинг учун нафақат солиқ ставкасини пасайитириш, бу соҳаларда паралел равишда биз олдинги бўлимда кўриб ўтган тартибда солиқ имтиёзларини жорий этиш, солиқлар сонини мувофиқлаштириш ва албатта солиқ базаси элементларини адолатли солиққа тортиш нуқтаи-назаридан қайта кўриб чиқиш лозим бўлади.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Солиқ юки нима ва у қандай аниқланади?
2. Солиқ юкини қандай омиллар аниқлаб беради?
3. Ҳар бир мамлакатда солиқ юкининг умумий даражасига қандай ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсир кўрсатади?
4. Корхоналар молиявий-ҳўсалик фаолиятига таъсирига қараб солиқларни қандай гуруҳлаш мумкин?
5. Республикамизда иқтисодиёт тармоқларида солиқ юкининг тақсимланиш ҳолати қандай?
6. Республикамиздаги иқтисодий шароитда солиқ юкини пасайитиришнинг (оптималлаштиришнинг) қандай йўллари бор?

5-боб. Солиқ имтиёзларидан самарали фойдаланишни такомиллаштириш масалалари

Мавзу бўйича қўйилаётган муаммолар:

- солиқ имтиёзларини ишлашига таъсир этувчи омилларни мувофиқлаштириш муаммоси;
- амалда натижа берадиган инвестицион солиқ имтиёзларини жорий этиш масаласи;
- имтиёзларни қайтадан гуруҳлаш масаласи;
- республикамизга хос бўлган имтиёзлардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган йўналишни ишлаб чиқиш масаласи;
- солиқ имтиёзларининг тадбиркорликни рағбатлантирувчилик ролини ошириш масаласи;
- қўшилган қиймат солигидан берилган имтиёзлардан фойдаланиш билан боғлиқ муаммолар;
- Имтиёзларнинг алоҳида солиқ тўловчилар гуруҳларига ёки корхона ва ташкилотларга танлаб берилишини камайтириш масаласи.

5.1. Солиқ имтиёзларининг моҳияти, уларни гуруҳлаб таҳлил этиш

Иқтисодийётни жамият ривозланишининг маълум даври учун зарурий йўналишларида бошқариб туришнинг асосий иқтисодий механизми солиқ имтиёзларидан самарали фойдаланишдир. Жаҳон солиқ амалиётида солиқ имтиёзларининг кенг таркибдаги турли шакллари ва усуллари мавжуд бўлиб, турли мамлакатларда улар турлича таркибда қўлланилади.

Солиқ имтиёзларини тақдим этишдан мақсад, баъзи солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқларни камайтириш ёки бутунлай озод этиш эмас, балки молиявий маблағлар оқимини ишлаб чиқаришнинг зарур тармоқларига йўналтиришдир. Агар йўналтириладиган молиявий ресурсларнинг ўзи тақчил бўлса, у ҳолда аввало солиқ имтиёзлари мазкур тармоқлар молиявий барқарорлигига эришишига имконият яратиши лозим. Бундан ташқари, солиқ имтиёзлари, албатта, ижтимоий адолатни ва ижтимоий ҳимояни таъминлаши лозим. Солиқ имтиёзларининг тўғри йўналишларда берилиши, ишлаб чиқаришнинг тегишли тузилмавий таркибини шакллантиришга хизмат қилади.

Солиқ имтиёзлари рағбатлантиришнинг муҳим омили бўлиб, улар бозор муносабатларига ўтиш даври учун хос бўлган энг муҳим иқтисодий вазифаларни ҳал этишга йўналтирилган бўлиши лозим. Лекин шу асосий вазифани белгилашга нотўғри ёндашиш солиқ имтиёзларидан фойдаланишнинг ҳеч қандай самара бермаслигига олиб келади. Бизнинг

фикримизча, ҳозирги пайтда солиқ имтиёзлари аввало ҳар томонлама миллий ишлаб чиқаришни юксалтиришга қаратилган бўлиши лозим. Ишлаб чиқаришга солиқ имтиёзларини тақдим этишдан ютқазилган бюджет даромадлари ёки, бошқача айтганда, солиқ харажатлари яқин давр ичида ишлаб чиқариш ривожланиши, иқтисодиётда юзага келадиган номунаносибликни олдини олиш ва йўқотишга хизмат қилиши ва шу орқали албатта қопланиши лозим. Акс ҳолда солиқ имтиёзларини беришдан ҳеч қандай маъно бўлмайди. Республикамизда кўп ҳолларда берилган имтиёзлардан самарали фойдаланмаслик, имтиёзларни тақдим этишдан қўзланган мақсадларнинг руёбга чиқмаслиги, яъни имтиёзларнинг ишламаслиги кузатилмоқда. Бунинг бир неча сабаблари бор. Хусусан, булар солиқ имтиёзларининг маълум давр учун хос бўлмаган таркибда жорий этилиши, мукамал бўлмаган имтиёзларнинг белгиланиши, акс таъсир этувчи омилларнинг эътиборга олинмаслиги; хўжалик субъектларининг молиявий-иқтисодий жиҳатдан почорлиги туфйли солиқ имтиёзларидан фойдаланиш имкониятларининг мавжуд эмаслиги ва бошқа сабаблардир.

Солиқ имтиёзлари таркибини рағбатлантиришга бўлган муносабати, иқтисодий жараёнларга таъсир этишига қараб икки гуруҳга бўлиб оламиз.

Биринчи гуруҳ имтиёзларни ижтимоий имтиёзлар дейиш мумкин. Улар асосан ижтимоий соҳага, бюджет ташкилотлари, диний ташкилотлар, спорт соҳаси, ҳар хил жамғармалар, кам таъминланганлар, ногиронларни ишга жойлаштириш, экологияни сақлаш соҳаларига берилади. Бу гуруҳ имтиёзлар барча мамлакатларда бир-бирига яқин таркибда бўлади ва бу таркиб анча барқарордир. Аммо бу имтиёзлар миқдори ва таркиби бюджет имкониятларига, ижтимоий соҳанинг моддий соҳа хўжаликлари томонидан молиялаштирилиши ҳолатига ҳам боғлиқ ҳолда қисман турлича бўлиши мумкин.

Бу имтиёзларнинг ишлаб чиқаришнинг ривожланишини рағбатлантиришга бевосита таъсири йўқ ва улар асосан жамиятда ижтимоий адолатни таъминлашга қаратилган бўлади. Бу гуруҳ имтиёзларга хўжалик субъектларининг ижтимоий соҳаларга қилган ажратмалари харажатларининг корхоналар фойда солиги базасидан чегирилиши ҳам киритилади. Республикамиз солиқ қонунчилигига кўра, корхоналарнинг ижтимоий соҳага қилган харажатлари учун қисман анча кам фоизда (харажатга нисбатан) имтиёзлар берилган. Ривожланган давлатларда бундай ажратмалар солиқ базасидан деярли тўлиқ чиқарилади.

Иккинчи гуруҳ имтиёзлар эса бевосита тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган бўлиб, ҳар бир давлатнинг иқтисодий ривожланиш даражасига ва иқтисодий шарт-шароитларига боғлиқ бўлади. Улар иқтисодиётда юзага келган қайсидир муаммони ечишга; кўп ҳолларда улар ривожланаётган давлатларда умумий тадбиркорлик фаолиятини

разбатлантиришига, ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантиришига; ривожланган давлатларда эса халқ хўжалиги соҳалари ва ишлаб чиқариш тармоқлари структурасини (тузилмасини) ўзгартиришига, илмий техника тараққиётини таъминлашига қаратилган бўлади. Мавжуд муаммонинг ечилиши билан имтиёзлар турлари бекор қилиниб, бошқалари жорий этилади. Иқтисодий муаммоларнинг камайиши ва иқтисодий ривожланиши даражасининг ўсиши билан иккинчи гуруҳ - иқтисодий ривожланишни разбатлантирувчи имтиёзлар камайиб, ижтимоий имтиёзлар таркибининг кенгайишига имконият яратади.

Иқтисодиётни солиқлар воситасида тартибга солишда разбатлантирувчи восита сифатида солиқ имтиёзларининг фақат иккинчи гуруҳидан фойдаланиш мумкин. Бу имтиёзлар учун қилинган харажатлар қайтиш характериға ҳам эгадир. Чунки бу имтиёзларни беришдан пировард мақсад хўжалик субъектларида ва бутун иқтисодиётда даромадлиликни кўтаришдир. Даромадлиликнинг ошиши давлат бюджетига қўшимча даромадлар келиши учун манбадир. Имтиёзларни бундай гуруҳларға бўлиб ўрганишимиздан мақсад имтиёзлардан иқтисодни бошқарувчи восита сифатида фойдаланишнинг амалдаги ҳолатини ўрганишдир.

Ривожланаётган давлатларда солиққа тортиш даражаси анча юқори бўлишиға қарамай, разбатлантирувчи имтиёзлар таркиби, шунингдек, солиққа тортилмайдиган минимумлар анча кенг бўлади. Ривожланган давлатларда эса аксинча умумий солиқ юки анча паст бўлади ва бу гуруҳ имтиёзлари анча кам, ижтимоий соҳа имтиёзлари эса салмоқли даражада кўндир. Бу, албатта, мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш ҳолатига ва иқтисодий имкониятларига боғлиқ.

Жаҳон солиқ амалиётида солиқ имтиёзларидан фойдаланиш билан боғлиқ икки муқобил йўналишни кузатишимиз мумкин.

“Биринчиси умумий, юқори солиқ ставкаларини қўллаган ҳолда, баъзи соҳаларда солиқ ставкаларини турқумлаш, кўп сонли солиқ имтиёзларини ва солиққа тортиладиган даромаддан чегирмаларни жорий этиш;

Иккинчиси, аста-секин солиқ имтиёзлари, чегирмаларидан воз кечиш; бу эса солиқ базасини кенгайтиришиға ва солиққа тортишнинг умумий ставкасини пасайтиришиға имкон беради.

Биринчи йўналиш такрор ишлаб чиқариш жараёниға ва илмий-техника тараққиётига таъсир ўтказиш мақсадидан. Иккинчиси эса - иқтисодиётнинг барча соҳаларида эркин иқтисодий фаолият учун энг қулай шароитларни, яратиш мақсадидан келиб чиқади» (15, 19-бет).

Биринчи йўналишда давлатнинг иқтисодға аралашув харажатлари кўпаяди. Шунингдек, ижтимоий харажатларнинг асосий қисмини ўз зиммасига олишиға мажбур бўлади. Бунга юқори даражада солиққа тортиш имконият яратади.

Иккинчи йўналиш устида тўхталадиган бўлсак, бизнинг фикримизча, имтиёзлардан воз кечилиши ҳар доим ҳам солиқ базасини кенгайтиришга ва шу орқали умумий солиқ ставкасини пасайтиришга имконият яратмайди. Бунинг учун қонунчиликда кўрсатилган эмас, амалда қўлланилган имтиёз суммалари умумий солиққа тортиладиган даромадларга нисбатан салмоқли улушни таъкил этиши лозим. Ўзбекистон солиқ тизимида амалда қўлланилаётган имтиёзлар тўғрисида эса бундай дейиш мумкин эмас. Маълумотларга кўра, имтиёзлар суммаси бюджет даромадларига нисбатан ҳал қилувчи миқдорни таъкил этмайди (ўртача 10% атрофида). Бунинг устига имтиёзларнинг асосий қисми ижтимоий характердаги, яъни ишлаб чиқаришни ривожлантириш билан боғлиқ бўлмаган имтиёзлардир. Ижтимоий характердаги имтиёзлардан воз кечиш ҳозирги иқтисодий давр учун тўғри келмайди. Шунингдек, имтиёзларнинг катта қисми пеня ва боқиманда суммаларининг бекор қилиниши (корхоналар тўлаш имкониятига эга эмас) ва тўлов муддатларининг узайтирилиши билан боғлиқ. Бундай шароитда солиқ базасини кенгайтириш ва солиқ ставкасини пасайтиришга солиқ имтиёзларидан воз кечиш орқали эмас, солиққа тортиладиган янги даромадларнинг яратилишига солиқлар воситасида таъсир этиш орқалигина эришиш мумкин.

Ўзбекистон солиқ тизимини таҳлил этар эканмиз, уни юқоридаги икки йўналишдан бирига тўлиқ киритиш мумкин эмас. Тўғри, биринчи йўналишга қисман киритиш мумкин, чунки, солиққа тортиш даражаси юқори ва кўплаб солиқ имтиёзлари ҳамда пасайтирилган ставкалар берилган, аммо солиқ базасидан чегирмалар тўғрисида бундай деб бўлмайди. Рағбатлантирувчи имтиёзларидан амалда фойдаланиш наст даражада. Агар амалда фойдаланилган имтиёзлар таҳлилига ҳам эътибор берсак, ишлаб чиқаришни ривожлантириш билан боғлиқ имтиёзлар эса имтиёзларнинг ўртача 20 фоизини таъкил этган, ҳолос, қолганлари эса ижтимоий-имтиёзлар яъни корхоналарнинг ҳар хил жамғармаларга ўтказган хайрия маблағларининг солиқ баъзасидан чегирилиши, бюджет, жамоат таъкилотларини солиқдан озод қилиш, ногиронларга имтиёзлар каби имтиёзлардир. Демак, Ўзбекистонда иқтисодиётни бошқаришда солиқ имтиёзларидан фойдаланишнинг аниқ концепцияси, йўналишини ишлаб чиқиш зарур. Бу йўналишнинг асоси миллий ишлаб чиқаришни қўллаб- қувватлайдиган ва амалда натижа берадиган имтиёзларни жорий этишга асосланиши керак.

5.2. Солиқ имтиёзларидан амалда фойдаланиш натижалари таҳлили

Республикамызда солиқ имтиёзлари қўидаги ҳужжатларга асосан

берилади: Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Халқаро келишувлар, Ҳукумат комиссиясининг ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича қарорлари. Сўнги йилларда солиқ қонунчилигидаги ўзгаришларнинг асосий қисми имтиёзларга тегишли.

Қуйида биз Ўзбекистонда юридик шахсларнинг солиқ имтиёзларидан фойдаланиш билан боғлиқ маълумотларни кўриб чиқамиз.

5.2.1-жадвал

Солиқ имтиёзларидан фойдаланиш бўйича умумий маълумот⁵

млн. сўмда

Солиқ имтиёзлари тақдим этишга асос бўлувчи ҳужжатлар	Солиқ имтиёзлари суммаси					
	1998 й		1999 й		2000 йил 1 ярим йил	
	Суммаси	% да	Суммаси	% да	Суммаси	% да
Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси	20115,2	38,2	27891,9	29,2	10351,2	20,2
Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари	793,436	1,9	896,9 ⁶ 2	0,9	828,773	1,6
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари	11793,2	22,9	42690,5	44,7	10985,2	21,2
Халқаро келишувлар	98,7	0,2	1587,3	1,6	362,4	0,7
Ҳукумат комиссиясининг ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича қарорлари	19651,6	36,8	22395,5	23,6	29107,9	56,3
Жами	52452,1	100	95461,6	100	51635,5	100

Жадвал маълумотларида кўриб турганимиздек, юридик шахслар имтиёзларининг умумий суммаси 1999 йилда 95461,6 млн. сўмни ташкил этган бўлса, 2000 йил 1 ярмида 51635,2 млн. сўмни ташкил этган, яъни ўсиш анча юқори даражада бўлган. 1999 йил бюджетнинг умумий даромадлари 826,9 млрд. сўмни ташкил этган, имтиёзлар суммаси бюджет

⁵ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси таҳлилий материаллари асосида тузилган.

Изоҳ* Кейинги йиллар учун имтиёзлардан амалда фойдаланиш ҳолати тўғрисида расмий маълумот берилмаган

даромадларига нисбатан 11,5 фоизни ташкил этган. Кўриб турганимиздек, бу фойдаланилган имтиёзларнинг ўртача 1,5 фоизи Президент фармонларига асосан берилган. Бу имтиёзлар асосан биринчи гуруҳга тегишли ижтимоий имтиёзлар бўлиб, уларнинг асосий қисми Уйёсойжамғармабанкка, (50%) берилган ва у 2000 йил 1 ярим йилликда 429 млн. сўмни ташкил этган. Бошқа фойдаланилган имтиёзлар суммаси деҳқон ва буюм бозорлари инфратузилмасини ривожлантиришга, тадбиркорлар ва ишлаб чиқарувчилар палатасига, Ўзбекнаво, Ўзбеккино, Телерадиокомпания, Нуруний, Камолат жамғармалари Маънавият ва маърифат маркази, музейлар, театрлар, хусусий медицина муассасалари, Халқ Банки, Туркистон Пресс нодавлат агентлигига (анчагина катта миқдорда), Халқаро кураш ассоциациясига берилган имтиёзлардир. Шунингдек, бозор инфратузилмаси бўлган сугурта компаниялари салмоқли имтиёзларга эга бўлган: 1999 йилда 28,8 млн. сўм, 2000 йил 1 ярим йилликда 12,9 млн сўм; Ўзбекивест сугурта компанияси 1999 йилда 83 млн. сўм, 2000 йил 1 ярим йилликда 85,2 млн сўм имтиёзга эга бўлганлар. Бу имтиёзлар таркибида иккинчи гуруҳ имтиёзлари яъни рағбатлантирувчи характерга эга бўлган имтиёзлар ҳам мавжуд. Улар 1998 йилда 10,0 фоизни 1999 йилда 21,5 фоизни 2000 йил ярим йилда 16,0 фоизни ташкил этган. Хусусан улар қуйидаги имтиёзлардир:

- янги ташкил этилган ишлаб чиқариш корхоналарига берилган имтиёзлар: 1999 йилда 39 млн. сўм ва 2000 йил 1 ярим йилда 34,5 млн. сўм;
- МТП ларини 3 йилга қишлоқ хўжалик корхоналарига кўрсатган хизматлари учун 1999 йилда 81,9 млн. сўм ва 2000 йил ярим йилда 66,9 млн. сўм;

- қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга 1999 йилда 73,3 млн. сўм ва 2000 йил 1 ярим йилда 35,5 млн. сўм имтиёз берилди.

Демак, Президент фармонлари билан боғлиқ имтиёзлар таркибида ишлаб чиқаришни рағбатлантириш билан боғлиқ имтиёзлар ўртача 15,0 фоизни ташкил этган, ҳолос.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига асосан берилган солиқ имтиёзлари катта миқдорни ташкил этади. 1998, 1999 йиллар ва 2000 йил 1 ярмида 22,9, 44,7 ва 21,2 фоизи ташкил этган. Бу имтиёзлар асосан «Зарафшан-Ньюмонт» қўшма корхонасига, Фуқаро авиациясини ривожлантиришга, бозорларга, «Ўзкейсмаш», «Ўзкейссервис» қўшма корхоналарига, «Шўртон кимё» мажмуасига ишловчи корхоналарга, «Ўзавтотеххизмат» корхонасига, Халқ банкига, «Ўзфармсановат» концерни корхоналарига берилган. Бу имтиёзларнинг катта қисми махфий соҳага ҳам берилган. Бу имтиёзлар асосан барча солиқ турлари бўйича параллел берилган. Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан маҳаллийлаштириш дастурига киритилган лойиҳалар бўйича имтиёзлар берилган. Бу

имтиёзлардан фойдаланаётган корхоналар сонни имтиёз суммаси кўпайиб бормоқда.

Ҳукумат комиссиясининг ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича қарорларига асосан берилган имтиёзлар (агар уларни «имтиёз» дейиш мумкин бўлса) неня ва боқиманда суммаларини бекор қилиш ҳамда бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловларнинг муддатларини узайтириш шаклларида берилган. Улар иқтисодиётда муҳим бўлган ишлаб чиқариш, қурилиш соҳалари бўйича вазирлик ва бошқармаларга нисбатан берилган. Бу ерда мунозарали савол туеилади: биринчидан, уларга имтиёз сифатида қараиш мумкинми?, иккинчидан, агар улар имтиёз бўлса, қайси гуруҳга, яъни ижтимоий йўналишдаги имтиёзларга кирадими ёки ишлаб чиқаришни рағбатлантирувчи характердаги имтиёзлар тоифасига кирадими? Улар ижтимоий имтиёзлар эмас; лекин рағбатлантирувчи деб ҳам бўлмайди. Чунки солиқ ва тўловларни ўз вақтида тўлай олмаслиги пеняларнинг юзага келиши бу корхоналарга боғлиқ эмаслиги, улар муддатини чўзиш ва воз кечиш мақсадга мувофиқлиги бу қарорларда асосланган.

Агар имтиёзлар мазмунига эътибор берадиган бўлсак, улар алоҳида корхоналарга атаб берилган, масалан қўшма корхоналарга, инвестиция дастурига киритилган корхоналарга, давлат ўзи қарз бўлган корхоналарга. Бунда бир тармоқдаги корхоналар тенг иқтисодий шароитларга қўйилмайди. Бунда эгаси аниқ бўлган имтиёзлар асосан мақсадли шаклда берилади ва уларнинг мақсадли ишлатилиши назорат қилинади.

Республикаимизда амалда бўлган имтиёзлар асосан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ҳамда тегишли умумдавлат ва маҳаллий солиқларни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тўғрисидаги йўриқномаларда, бошқа меъёрий ҳужжатларда қонуний кучга кирган бўлиб, жаҳон солиқ амалиёти тажрибаларидан фойдаланган ҳолда ҳамда республикаимиз иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятларини эътибор олган ҳолда жорий этишга ҳаракат қилинган. Тадбиркорликни рағбатлантирувчи характердаги фойдаланилган имтиёзларнинг асосий қисми Солиқ кодексига асосан берилганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Солиқ кодексига асосан берилган имтиёзлар қуйидаги жадвалда акс этган (5.2.2-жадвалга қаранг).

Солиқ турлари бўйича имтиёзлардан фойдаланиш таҳлили⁶

(млн. сўмда)

Солиқлар турлари	1998		1999		2000 йил 1 ярим йиллик	
	Сумма	%	Сумма	%	Сумма	%
1	2	3	4	5	6	7
1. Юридик шахслар даромад солиғи	5920,6	29,1	9426,4	32,1	3883,3	36,4
2. ҚҚС солиғи	7547,5	37,0	12591,4	43,3	2935,2	27,0
3. Жисмоний шахслар даромад солиғи	237,2	1,1	3325,5	1,2	156,2	1,3
4. Мол-мулк солиғи	4449,4	21,2	4147,3	13,6	2224,8	20,8
5. Ер солиғи	2361,8	11,0	1963,0	6,9	1268,0	11,9
6. Экология солиғи	47,8	0,2	60,90	0,1	122,3	1,1
7. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	14,6	0,01	5,8	0,01	17,3	0,1
8. Ягона солиқ	5,9	0,01	4,6	0,01	73,01	0,7
9. Ягона ер солиғи			20,2	0,2	33,6	0,3
10. Ижтимоий инфратузилма солиғи	51,78	0,2	58,59	0,2	77,71	0,4
Жами	20343	100	31603,0	100	10791,2	100

Жадвал маълумотларидан кўриб турганимиздек асосий имтиёзлар ҚҚС ва юридик шахслар даромад (фойда) солигидан берилган; мол-мулк солиғи ва ер солигидан берилган имтиёзлар ҳам анчагина катти суммани ва улушни ташкил этади. Шу ўринда солиқ имтиёзларининг асосий қисmini ташкил этувчи юридик шахслар даромад (фойда) солиғи ва қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзлар таркиби, уларни амалда қўлланилиши натижалари, мавжуд муаммолар ва уларни такомиллаштириш масалалари устида тўхталиб ўтамиз.

5.2.3-жадвал

Юридик шахслар даромад (фойда) солигидан имтиёзларнинг гуруҳлари бўйича фойдаланиш ҳолати⁷

(млн. сўмда)

Кўрсаткичлар	1998		1999		2000 йил 1 ярим йиллик	
	Сумма	%	Сумма	%	Сумма	%
1	2	3	4	5	6	7
Даромад (фойда) солигидан имтиёзлар	5920,6	100	9426,4	100	3883,3	100

⁶ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси таҳлилий материаллари асосида тузилган.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси таҳлилий материаллари асосида фойдаланилган имтиёзларни мазмунига кўра гуруҳлаш асосида аниқланган.

Шу жумладан						
ижтимоий соҳа учун берилган имтиёзлар	2652,2	44,7	5443,9	55,0	1049,0	27,0
тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш билан боғлиқ имтиёзлар	3268,1	55,3	3983,0	45,0	2835,5	73,0

2000 йил 1 ярим йилликда ижтимоий имтиёзлар камайишига ҳар хил ижтимоий фондларга ажратмаларнинг 1999 йилдаги 3470,9 млн. сўм ўрнига 47,7 млн. сўмга камайиши сабаб бўлди. Бундай ажратмалар асосан II ярим йилликда амалга оширилади⁸.

Юридик шахслар даромад (фойда) солигидан имтиёзлар 3 хил шаклда, яъни солиқдан тўлиқ озод этиш, қисман ва вақтинча озод этиш шаклларида берилган.

Солиқ тўлашдан тўлиқ озод этиш хўжалик субъектларига нисбатан қўлланилади. Солиқ қонунчилигида солиқлардан қисман озод этиш шакли солиқ имтиёзлари таркибида анча катта миқдорни ташкил этади. Солиқлардан қисман озод этишда солиқ базасини камайтириш, солиқ объектдан баъзи элементларни чиқариб ташлаш, солиқ ставкаларини пасайтириш, ҳисобланган солиқ суммасидан чегирмалар қилиш каби усуллардан фойдаланилади. Республикамиз солиқ қонунчилигига кўра, тўлиқ озод этиладиган корхоналарга протез-ортопедия маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар, ногиронларга протез бўйича хизмат кўрсатувчи даволаш ишлаб чиқариш устахоналари ва даромад олмайдиган ёки олишни кўзда тутмайдиган ташкилот, жамғарма, уюшма ва корхоналар, бюджет корхоналари киради. Булар ижтимоий солиқ имтиёзлари ҳисобланади. Эътибор берадиган бўлсак, “даромад олмайдиган ташкилотлар даромад солигидан озод этилади”, деган жумлада мантиқ борми? Уларга имтиёз сифатида қараш мумкинми. “Имтиёз бериш”, дейилганда бюджетга келиб тушиши мумкин бўлган даромадлардан воз кечишни тушуниш лозим. Бундай ташкилотларни солиқдан озод қилиш ёки қилмаслик бюджет даромадларига сезиларли таъсир кўрсатмайди. Масалан, 2000 йил 1 ярим йилликда 429 та шундай ташкилотлар жами 58,7 млн. сўм имтиёзга эга бўлган; ногиронларга хизмат кўрсатувчи корхоналар республикада 39 та, уларнинг ҳам бўлса даромадлилик даражаси жуда паст. Шунинг учун имтиёзлар суммаси 1999 йилда 3,8 млн. сўмни, 2000 йилда 5,2 млн. сўмни ташкил этган, ҳолос. Бундай корхоналарни солиқдан озод этиш табиий ҳолат деб ҳисоблаймиз.

Ногиронлар ва уруш фахрийлари сони ишчилар умумий сонининг 50 фоизини ташкил этган корхоналар ҳам солиқдан озод этилган бўлиб, бу

⁸ Шу туфайли икки гуруҳ имтиёзлари нисбати 2000 йил 1 ярим йиллигида тескари бўлиб қолган.

анча реал ижтимоий имтиёз ҳисобланади. Аммо йўриқномада ногиронлар ўриндошлик бўйича ҳисобда туришлари эътиборга олинганлиги учун амалиётда ногиронлар ҳақиқатда ишламаслигига қарамай бир неча кичик корхоналарда ҳисобда туришлари орқали баъзи корхоналарнинг солиқдан қочиш ҳоллари учраб туради. Республикада 603 шундай корхона мавжуд бўлиб, улар 1999 йилда 697 млн. сўм, 2000 йил 1 ярим йилликда эса 824,4 млн. сўм фойда солигидан имтиёзга эга бўлганлар, имтиёзлардан фойдаланиш даражасининг ўсиши жуда юқори. Улар ер солиги ва мол-мулк солигидан ҳам озод бўладилар. Шу туфйли бу имтиёз 2002 йилдан бошлаб анча қисқартирилди ва фақат ижтимоий жамғармалар қоида ташкил этилган юридик шахсларга тегишли бўлди (савдо, воситачилик ташкилотларидан ташқари).

Солиқ қонунчилигига кўра, солиқдан вақтинча озод этиши, икки, уч, беш ва етти йилгача солиқдан тўлиқ ёки қисман озод этишни кўзда тутлади. Бундай имтиёзлар янгидан ташкил этилган корхоналарга, ишлаб чиқариш корхоналарига молиявий ва иқтисодий барқарорликка эришиб олишларига имкон яратади. Бу анча самарали имтиёзлардир. Лекин амалиётда янги ташкил этилган корхоналарга берилган имтиёзларни суъистемол қилиш ҳоллари ҳам учрайди. Янги тузилган корхоналар икки йиллик (тўлиқ ва қисман) имтиёздан фойдаланганидан ва яна 1 йиллик шартли давр тугаганидан сўнг расмий равишда ёпилади. Сўнгра ушбу корхона бошқа ном ва реквизитлар билан, мавжуд устав фонди асосида янги корхона тузиб фаолият бошлайдилар ва имтиёзлардан яна фойдаланадилар. Масалан, янгидан ташкил этилган корхоналарга берилган имтиёзлар суммаси 1999 йилда 137,9 млн. сўмни, 2000 йил 1-ярим йилликда 179,5 млн. сўмни ташкил этган, бу имтиёзларнинг ўсиш даражаси жуда юқори (2-март) бўлган. 1999 йилда шундай имтиёзга эга бўлиши мумкин бўлган (савдо, тайёрлов, умумий овқатланиш корхоналаридан ташқари) жами 16588 та корхона ёпилган ва 16532 корхона очилган⁹. Бошқа йилларда ҳам шунга ўхшаши манзарани кузатиш мумкин. Шунинг учун 2 ва 3 йиллик имтиёзлар бекор қилинди, 1 йили ставканинг 25 фоизиди, 2 йили 50 фоизиди тўловчи имтиёз сақланиб қолди ҳолос, шу жумладан, қишлоқ жойларда жойлашган корхоналар ҳам (савдо воситачилик корхоналаридан ташқари).

Патент эгасининг (лицензиялар) саноат мулки объектларидан, ўз ишлаб чиқаришда фойдаланишидан, шунингдек, уларга лицензия сотишдан олган даромади - фойдалана бошлаган вақтдан бошлаб амал қилиш муддатларида ҳар хил ихтиролар, саноат намуналари, селекция ютуқлари бўйича 1 йилдан 5 йилгача озод қилиш шаклидаги имтиёзлар амалда ҳеч қандай самара бермаганлиги сабабли бекор қилинди. Бу имтиёзлар бир неча йилдан бери мавжудлигига ва ишлаб чиқаришда илғор технологиялар

⁹ Манба: Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги маълумотлари.

яратилишини рағбатлантириши мақсадида ўрнатилганига қарамай инжобий натижалар бермади. Хўш, бунинг сабаби нимада? Бизнинг олимлар, инженерлар янги технологиялар ярата олмайдиларми. Гап шундаки, бу гоёларни рағбатлантирувчи омиллар ёки бу гоёларга корхоналар томонидан буюртмалар йўқ. Бу гоёларни амалиётга татбиқ этиш учун етарлича маблағларга эга бўлган ва бу гоёларни сотиб олувчи корхоналар бўлиши зарур. Шу рағбатлантирувчи омилнинг йўқлиги, ходимларнинг бутун касб маҳорати ва билимини ишга солиб янгиликларни яратишга имкон, рағбат бермайди. Демак, солиқ имтиёзлари аввало корхоналарнинг молиявий барқарорликка эришишига имкон яратиши лозим.

Албатта, солиқ қонунчилигимизда ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва техника тараққиётини юксалтириш билан боғлиқ солиқ имтиёзлари берилмаган дейиш нотўғри бўлар эди. Бундай бевосита ва билвосита рағбатлантирувчи солиқ имтиёзлари талайгина. Хусусан, давлат инвестиция дастурларига киритилган инвестиция лойиҳаларига эга корхоналар солиқ тўлашдан етти йилга қадар озод этилган. Бу жуда катта имтиёз бўлиб республикамызда юқори технологияни йирик ишлаб чиқариш объектиларининг қурилишига имконият яратиш мақсадида жорий этилган ва бу имтиёз давлат инвестициялари ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга берилди, ammo имтиёзларнинг мукамал ҳолатда тақдим этилмаслиги оқибатида давлат бюджетининг зарар кўриш ҳоллари ҳам кўпайиб учрайди. Масалан, давлат инвестиция дастурига киритилган ишлаб чиқариш корхоналарига, улар ташкил этилган даврдан бошлаб етти йилга озод этилган. Натижада бу корхоналар ишлаб чиқариш фаолиятини бошламасдан савдо воситачилик фаолияти билан шуғулланмоқдалар ва имтиёзга эга бўлмоқдалар. Бундан бюджет катта зарар кўрмоқда. Шу сабабли имтиёз корхона ташкил топган найтдан бошлаб эмас, ишлаб чиқариш фаолиятини бошлаган найтдан бошлаб берилиши лозим эди.

Хорижий сармоя иштирокидаги бошқа ишлаб чиқариш корхоналарига ҳам кўпайиб имтиёзлар берилган. Бундай имтиёзларнинг берилиши маълум даражада нодавлат ҳамда бошқа ўрта ва майда ишлаб чиқарувчилар зиммасига юк бўлиб тушишини эътиборга олишимиз зарур. Бундан ташқари республикамызда давлатнинг иқтисодга аралашувининг юқорилиги, ўз навбатида, бундай харажатларнинг кўп бўлишини, давлат инвестицияларини молиялаштириш учун маблағлар зарурлигини тақозо қилади. Бу эса корхоналарнинг асосий қисмида солиқларнинг юқори бўлиши билан бирга миллий корхоналар учун, ўрта ва майда бизнес учун тегишли солиқ имтиёзларини жорий этишга салбий таъсир кўрсатади.

Давлат инвестиция дастурига киритилган корхоналар асосан импорт ўрнини босадиган ва экспортга мўлжалланган товарлар ишлаб чиқаришга қаратилган. Бундан мақсад валюта тушумларини кўпайтиришидир. Ammo

бошқа кўплаб хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар фаолияти эркин алмаштириладиган валюта борасидаги муаммоларнинг кучайиши оқибатида сусаймоқда. Бу эса уларга берилган имтиёзларнинг самарасизлигига олиб келмоқда. Давлат инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларга эга бўлган кўшма корхоналар-юримлик шахслар даромад (фойда) солиғи бўйича 1998 йилда 385,6 млн. сўм, 1999 йилда 1339,4 млн. сўм, 2000 1-ярим йилликда 670,2 млн. сўм имтиёзга эга бўлганлар. Бу нисбатан катта суммани ташкил этмасада, ҳамаи даромад (фойда) солиғи бўйича фойдаланилган имтиёзларнинг 14 фоизини ташкил этади. Улар бошқа солиқлардан ҳам озод қилинган. Бунинг устига олинган даромадлар асосий ишлаб чиқариш фаолиятидан эмас, бошқа савдо-тижорат фаолиятларидан олинган. Чунки, давлат инвестиция дастурларига киритилган кўпгина объектлар тўлиқ ишга тушмаган, тўлиқ ишга тушганда ҳам валюта танқислигини ва пул (сўм) қадрсизланишини бартараф эта олмайди. Бу эса юқорида таъкидлаганимиздек хорижий корхоналар фаолиятини сусайтиради ёки тўхтатади. Демак, аввало валюта танқислигининг пул қадрсизланишининг асосий сабабини аниқлаш ва йўқотиш зарур. Бунинг сабаби эса республикада ишлаб чиқаришнинг камлиги ва асосий истеъмол товарларининг четдан келтирилиши, ишлаб чиқариш воситаларини четдан келтириш имкониятларининг чегараланганлигидир. Қўйидаги кўшма корхоналар амалда фойдаланган имтиёзларни таҳлил қилиб ҳам шу хулосаларга келиш мумкин: 2000 йил 1-ярим йилликда экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқаришга мўljасалланган, янгидан ташкил этилган 40 та ва 48 та ишлаб чиқариш корхоналари 97,3 млн. сўм, 47,3 млн. сўм имтиёзга эга бўлганлар, ҳолос. Устав фондида хорижий сармоя улуши 50 фоиз ва ундан ортққни ташкил этган ишлаб чиқариш корхоналари ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтиришга йўналтирилган фойдалари бўйича мос равишда 1998, 1999 ва 2000 йил 1-ярим йилликда 19 та, 20 та ва 19 та шундай корхона 311,7 млн. сўм, 145,3 млн. сўм ва 85,5 млн. сўм имтиёзга эга бўлганлар ва унинг камайиши кузатилган. Демак, бу корхоналар жуда кам фойда олаёттилар ва фойдаларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтиришга сарфламаянтилар. Хорижий сармоя улуши 30 фоизини ташкил этган кўшма ишлаб чиқариш корхоналари бўйича имтиёзлардан фойдаланиш қўйидагича бўлган: мос равишда 1998, 1999 ва 2000 йил 1-ярим йилликда 208 та, 214 та ва 220 та шундай корхона 298,4 млн. сўм, 266,3 млн. сўм ва 185,5 млн. сўм имтиёзга эга бўлган. Бу кўшма корхоналарнинг жуда кам миқдорда имтиёз олиш сабабларидан бири шундаки, рўйхатдан ўтган кўшма корхоналарнинг асосий қисми фаолият кўрсатмаяпти. 1998 йилда рўйхатдан ўтган кўшма корхоналар сони 3278 та бўлган бўлса, улардан 1963 таси фаолият кўрсатган, 1999 йилда эса 1910 таси, 2000 йилда 1825 таси фаолият кўрсатган. Шу фаолият

кўрсатаётганлари ичидан вақтинча ишламаганлари сони мос равишда 353 та, 404 та ва 455 тани ташкил этган (13, 18-бет). Вақтинча ишламаслик сабаблари эса шартномаларнинг йўқлиги, молиявий қийинчиликлар, валюта конвертациясининг йўқлиги инвесторларни йўқотиш, ишлаб чиқариш воситаларининг йўқлиги ва хом ашёнинг етишмаслиги, фаолиятини умуман тўхтатишига тайёргарлик кўриш ва бошқалар деб кўрсатилган.

Бу айтилганлардан хулоса чиқарадиган бўлсак, мустаҳкам иқтисодий асос, пойдевор яратишига айтайлик 10-15 та йирик корхоналаргина эмас, мамлакат миқёсидаги кўплаб ўрта ва кичик ишлаб чиқариш корхоналарнинг ривожланиши орқали эришиш мумкин. Шу туфайли худди шундай корхоналарга техникий қайта куrollанишни рағбатлантириш етарлича солиқ имтиёзларини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Шу ўринда охириги вақтда жорий этилган янги вақтинчалик солиқ имтиёзларни таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқ. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 20 июндаги 3267-сонли «Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан тайёр истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига асосан, 2003 йил 1 июлдан 2005 йил 1 январгача тайёр кийим, пайпоқ, пойафзал ишлаб чиқарувчи корхоналар ҚҚСдан ташқари барча солиқлардан озод қилинди. Имтиёз суммасининг техник қайта куrollанишга, тайёр маҳсулотнинг янги турларини ўзлаштиришга, оборот маблағларини кенгайтиришга ходимларни рағбатлантиришга сарфланиши назорат қилинади.

Яна бир вақтинчалик бўлсада муҳим имтиёзни таъкидлаб ўтиш жоиз. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 14 январдаги «2004-2005 йилларда маҳаллий хом ашё негизига тайёр маҳсулот, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан Маҳаллийлаштириш дастури бўйича ишлаётган корхоналар 2004 йил 1 январдан бошлаб 5 йил муддатга қуйидаги имтиёзларга эга бўлди:

– республикамизда ишлаб чиқарилмайдиган ва маҳаллийлаштирилаётган маҳсулот ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнида фойдаланиладиган технологик воситалар ва унга эҳтиёт қисмлар, материаллар олиб келишда божхона божларидан (божхонада расмийлаштириш йиғимидан ташқари);

– маҳаллийлаштирилаётган маҳсулот ишлаб чиқаришдан олинган даромадлар даромад (фойда) ва ягона солиқдан (кичик корхоналар) озод қилинади;

– маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотлар ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган ишлаб чиқариш воситалари мол-мулк солигидан озод қилинган.

Бу солиқ имтиёзларининг аҳамияти катта, уларни ишлаб чиқариш соҳасига берилиши давлат бюджетининг солиқ имтиёзлари бўйича харажатлари (олинмаган даромадлари) қайтишини таъминлаш билан бирга ҳозирги давримизнинг асосий муаммоси бўлган аҳоли асосий қатламнинг моддий турмуш даражасини яхшилаш имкониятларининг кенгайишига олиб келади. Аммо бу имтиёзларни мукамал даражада берилган деб бўлмайди, айрим камчиликлардан ҳоли эмас. Шунга қарамай бу имтиёзнинг берилиши ижобий натижаларни кўрсатмоқда.

Болалар ассортименти товарлари, бадиий ҳунармандчилик буюмлари, аёллар гигиенаси маҳсулотлари ишлаб чиқарушга ихтисослашган корхоналар 10 фоизли пасайтирилган ставкада солиқ тўлайдилар. Ишлаб чиқариш ҳажмида бундай маҳсулотлар 60 фоиздан ортиқни ташкил этган корхоналар ихтисослашган ҳисобланади.

Эркин алмаштириладиган валютага маҳсулотларни экспорт қилувчи корхоналар учун қўйидаги пасайтирилган ставкалар қўлланилади:

– сотиш ҳажмида экспорт улуши 15 фоиздан 30 фоизгачани ташкил этса ставка 30 фоизга;

– сотиш ҳажмида экспорт улуши 30 фоиз ва ундан юқори бўлса ставка икки мартага пасайтирилади.

Бу имтиёз савдо-воситачилик, таъминот, хом ашё экспорт қилувчи корхоналарга тегишли бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 13 ноябрдаги «Бозорни истеъмол товарлари билан тўлдиришни рағбатлантириш ҳамда ишлаб чиқарувчилар ва савдо ташкилотларининг ўзаро алоқаларини такомиллаштириш чора тadbирлари тўғрисида»ги 390-сонли қарорига асосан:

– истеъмол товарлари ишлаб чиқаришдан олинган даромад умумий ставкадан 20 фоиз пасайтирилган ставкада солиққа тортилади.

– болалар товарлари ассортименти ишлаб чиқаришдан олинган даромад 7 фоизли ставкада солиққа тортилади.

– истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишидан олинган даромадлар даромад (фойда) солиғи тўлашдан тўлиқ озод қилинади.

Имтиёз суммаларининг яна ишлаб чиқаришни кенгайтиришга сарфланиши назорат қилинади.

Ўзбекистон солиқ тизимида муҳим ўринни эгалловчи солиқлардан бири қўшилган қиймат солиғидир. Бу солиқдан берилган имтиёзлар таркибини таҳлил этиб, уларнинг қўлланилишида юзага келадиган муаммоларни кўриб

чиқамиз ва уларни такомиллаштириш бўйича баъзи мулоҳазаларни баён этамиз.

Бюджет даромадлари таркибида эгри солиқларнинг катта салмоқни ташкил этиши иқтисодийётнинг қийин аҳволидан далолат беради. Чунки хўжалик субъектларида даромадларнинг камайиши даромад солиғининг пасайишига олиб келади.

ҚҚСнинг бир неча ижобий томонлари мавжуд, аввало у корхоналар молиявий ҳолатига боғлиқ эмаслиги, яъни нейтраллиги уни юқори даражада ундириш имконини беради. Ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш)нинг ҳар бир босқичида ундирилганлиги учун бюджетга узлуксиз даромадлар келишини таъминлайди.

Шунга қарамай ҳозирги пайтда ҚҚС корхоналар молиявий аҳволига анча оғир таъсир кўрсатмоқда. Чунки хўжалик субъектлари ва истеъмолчиларда молиявий имкониятларнинг пастлиги сабабли ҚҚС ставкаси улар учун жуда юқорилиги уларда фойдага эга бўлиш имкониятини чегаралайди.

Бундай шароитда ҚҚСдан имтиёзлар таркибини тўғри танлаш ва улардан фойдаланиш самарасини тўғри ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга бўлади, чунки маълум бир мақсадни рағбатлантиришда бу солиқ имтиёзларидан фойдаланиш катта аҳамиятга эга ва кучли таъсир воситаси ҳисобланади, шунинг учун ҚҚС имтиёзларидан иқтисодийётни бошқаришнинг самарали воситаси сифатида кенг фойдаланиш мумкин.

ҚҚСдан берилган имтиёзларни маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш, қурилишда бажарилган ишлар ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасидаги имтиёзларга тақсимлаш мумкин.

Экспорт маҳсулотларининг ҚҚСдан озод этилиши орқали, уни қўнайтириш рағбатлантирилади.

ҚҚСдан имтиёзлар ҳар хил кўринишларда, яъни ноль даражаси ва пасайтирилган ставкаларни қўллаш, айрим маҳсулотларни ёки фаолиятларни озод қилиш ёки баъзи юридик шахсларни озод қилиш шаклларида берилган.

Хукуматимизнинг аҳолини уй-эсой билан таъминлаш мақсадида олиб бораётган сиёсатини қўллаб-қувватлаш мақсадида ҚҚСдан бу соҳага бир қанча имтиёзлар берилган. Хусусан, хусусий уй-эсой қуриш, таъмирлаш ишлари, республикада ишлаб чиқарилаётган ва яқка тартибда иморат қурувчиларга сотиладиган бинокорлик материаллари, жисмоний ва юридик шахслар учун уй-эсой қуриш “Ўзуйжойэжамгарнабанк” билан тузилган шартномаларга кўра, уй-эсой қурилишида бажарилган ишлар, шунингдек, аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш ҚҚСдан озод этилган. Айтиш мумкинки, бу имтиёзлар аҳолини уй-эсой билан таъминлашда катта аҳамиятга эга бўлди ва бўлмоқда.

Республикамызда қишлоқ хўжалиги молиявий жиҳатдан ниҳоятда оғир тармоқ эканлиги барчамизга маълум. Шунинг учун ҳам бу тармоқнинг бошқа солиқлар қатори ҚҚСдан ҳам озод қилиниши табиий ҳол деб ўйлаймиз. Мабодо уларга нисбатан солиқлар (ҚҚС ва фойда солиғи) жсорий этилганда ҳам барибир уларни тўлаш имкониятига эга эмас. Бунинг устига асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига давлатнинг ўзи харидорлиги сабабли унга солиқ белгиланмаган. Қонунчиликка кўра, фақат ўзи ишлаб чиқарган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари реализацияси ҚҚСдан озод қилинган. Аммо, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олувчи улгуржи тайёрлов ташкилотлари, уларни қайта ишловчи корхоналар ҚҚСни тўлиқ оборотдан тўлайдилар. Бу ҳолда қишлоқ хўжалиги корхоналарига берилган имтиёзлар қиймати юқоридаги корхоналар зиммасига юклатилади. Бу эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарда солиқ юкининг кучайишига ва бинобарин улар фаолиятнинг сусайишига, ҳатто инқироз даражасига олиб келади, уларнинг моддий манфаатдорлиги минимум даражага боради ёки умуман бўлмайди. Ҳозирги пайтда бундай корхоналарнинг ташкил топмаётганлиги, борларининг ҳам ишламаётганлигини худди шу сабаблар билан боғлаш ҳам тўғри бўлади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми ва уларнинг молиявий барқарорлиги қайта ишлаш корхоналарининг фаолиятига боғлиқлигини эътиборга оладиган бўлсак, қишлоқ хўжалик корхоналарига берилган имтиёзни бу корхоналар зиммасига юкламаслик лозим.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари ўзлари ҚҚС тўламайдилар, аммо ўзлари сотиб оладиган хом ашё материаллар, электр энергияси қишлоқ хўжалик техникаси воситаларини ҚҚС билан сотиб оладилар ва маҳсулот таннархига киритадилар. Бу эса уларнинг даромад олишини чегаралайди. Чунки давлат харид нархлари чегараланган бўлиб, кўп ҳолларда улар таннархни ҳам қопламайди. Фақатгина қишлоқ хўжалик корхоналари учун жуда муҳим ва реал имтиёз мавжудки, бу корхоналарга лимит доирасида сотиладиган минерал ўғитлар ва ёнилги мойлаш материаллари ҚҚСга тортилмаслигидир, уларга нисбатан ноль даражаси ставка қўлланилади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини солиққа тортишни ташкил этишида, қуйидаги саволга жавоб бериш лозим қишлоқ хўжалиги корхоналарини ишлаб чиқаришни кўнайитиришга рағбатлантириш учун солиқлардан имтиёз берилмаганими, ёки уларнинг солиқларни тўлаш имконияти йўқлиги учун озод этилганими? Бизнингча иккинчи ҳолат тўғрироқ. Чунки қишлоқ хўжалиги корхоналарини реал солиқ тўловчи сифатида баҳолаш мумкин эмас. Бу ҳолатда давлат солиқ имтиёзидан иқтисодиётни бошқаришнинг ўзига ҳос воситаси сифатида фойдаланади, аммо қишлоқ хўжалик соҳасига берилган имтиёзларни рағбатлантирувчи имтиёз сифатида баҳолаш мумкин эмас.

ҚҚСдан имтиёзлар протез ортопедия ва ногиронлар учун бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарга, шаҳар йўловчи ташиш транспортига, наشريётлар, китоб савдоси, Ўзбекистон телерадиокомпанияси хизматларига берилган.

Шунингдек, республикамызда савдо корхоналари, ягона солиқни тўловчи кичик корхоналар, ягона ер солигини тўловчи қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳам ҚҚСни тўламайдилар.

ҚҚСдан солиқ қонунчилигига кўра имтиёзлар таркибини тахлил этарканмиз, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, илмий техника тараққиётини юксалтириш, техникавий қайта қуруланиш билан боғлиқ имтиёзлар мавжуд эмаслигини, шунингдек, кам таъминланган аҳоли қатламини ижтимоий ҳимояси билан боғлиқ имтиёзлар анча кам ёки самарасиз эканлигини кўрамиз. 2000 йил 1-ярим йилликда жами 2935,3 млн. сўм ҚҚС бўйича имтиёзлардан фойдаланилган¹⁰. Уларнинг асосийлари қуйидаги фаолиятлар бўйича олинган: қимматли қозғалар операциялари – 2,1 фоиз; ўзи ишлаб чиқарган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлар реализацияси – 10,2 фоиз; почта маркалари, конвертлари реализацияси – 9,3 фоиз; аҳолига кўрсатиладиган коммунал, уй-экој эксплуатацияси хизматлари – 2,4 фоиз; олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўқув учун тўловлар – 2,2 фоиз; диний ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган маросим хизматлари – 8,8 фоиз; тиббий, санатория-курорт, соғломлаштириш, туризм, физкультура ва спорт хизматлари – 8,1 фоиз; умумий фойдаланишдаги йўллари таъмирлаш ва эксплуатацияси – 4 фоиз; Ўзуйжойжамгармабанк билан тузилган шартномалар бўйича – 4,6 фоиз; ногиронлар сони умумий ишловчилар сонининг 50 фоизини ташкил этган корхоналар бўйича – 6,1 фоиз; ички ишлар бошқармаси қошидаги қўриқлаш бўлинмалари хизматлари – 8,7 фоиз ва бошқалар. Кўриб турганимыздек ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш билан боғлиқ имтиёзлар йўқ. Иқтисодий аҳамиятга эга бўлган қишлоқ хўжалиги корхоналарига химикатларни реализация қилиш бор йўғи 0,5 фоиз; экспорт маҳсулотлари реализация қилиш бўйича ҳам жуда оз миқдорда яъни 00,1 фоиз имтиёз олинган, ҳолос. Бундан ташқари мавжуд имтиёзларнинг қўлланилишида ҳам бир қанча муаммолар юзага келади. Ҳозирга келиб ҳам бу имтиёзлардан фойдаланиш нисбати ва имтиёзлар таркиби деярли ўзгармаган.

Биз юқорида пасајтирилган ставкаларнинг қўлланилиши оқибатида юзага келадиған муаммолар устида тўхталиб ўтдик. Бундан ташқари қуйидаги муаммо ҳам мавжуд, агар корхона ҚҚСдан озод қилинган бўлса ёки озод қилинган маҳсулотлар ишлаб чиқарса (иш бажарса, хизмат кўрсатса)

¹⁰ Маълумот Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг тахлилий материаллари асосида аниқланган.

сотиб олинган хом-ашё, материаллар, ёнилғи, электр энергияси, сув, газ ва бошқалар учун тўланган ҚҚС таннарх харажатларига киритилади. Бу ҚҚСни корхона ҳисобга ўтказиш ҳуқуқига эга бўлмайди. Натижада корхона рентабеллиги пасайиб, фойда миқдорига салбий таъсир этади. Бундай ҳолда эса корхона ҚҚСдан озод этилишдан ёки имтиёзли маҳсулот ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) дан манфаатдор бўлмай қолади. Бундай ҳолатдан чиқиш учун корхоналар таннарх таркибига киритилган ҚҚС миқдоридан нархни оширадилар. Лекин нархни бу даражада оширишнинг имконияти ҳар доим ҳам бўлавермайди. Айниқса, аҳолига хизмат кўрсатувчи (маҳсулот сотувчи, иш бажарувчи) соҳаларда шундай ҳолатни кузатиш мумкин. Чунки аҳолининг асосий қисмининг тўлов қобилияти ҳар доим ҳам юқори нархларни кўтаравермайди. Имтиёзлар эса асосан шу соҳага берилган. Натижада бу имтиёз ишламайди. Ноль даражасида ставкани қўлланилишида эса бундай муаммолар юзага келмайди. Хом ашё учун тўланган ҚҚС бюджетдан компенсация қилинади (ўрни қопланади).

ҚҚС истеъмолга солиқ ҳисобланганлигидан ундан имтиёз беришдан мақсад истеъмолчига маҳсулотни (иш, хизматни) нархини ҚҚС миқдоридан арзонлаштириш орқали тегишли маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ва истеъмолини бошқаришдир. Бошқача қилиб айтганда, бундан иқтисодий ва ижтимоий мақсад кўзланади.

Бинобарин, давлат имтиёз берар экан, бу имтиёз харажатларининг ишлаб чиқариш корхоналари билан боглиқ қисми бюджет ҳисобидан берилиши керак. Бу имтиёзнинг бошқа корхоналар зиммасига юкланиши эса, унинг самарасини йўққа чиқаради. Шу ҳолат билан боглиқ муаммо ҚҚСдан озод қилинган, ҚҚС тўламайдиган корхоналардан ишлаб чиқариш мақсадлариди маҳсулот сотиб олиш билан боглиқдир. Гап шундаки, ҚҚСдан озод қилинган корхоналар учун берилган имтиёзлар, улардан маҳсулот сотиб олувчилар зиммасига юк бўлиб тушади. Чунки, бунда улар тайёр маҳсулотнинг тўлиқ қийматига нисбатан солиқ тўлайдилар. ҚҚСни ҳисобга ўтказиш ҳуқуқига эга бўлмайдилар. Бунинг устига ҚҚС тўламайдиган корхоналар маҳсулоти (иш, хизмати) таркибиди ҚҚС мавжуд (таннархга киритилган). Тўлиқ қийматдан тўланиши натижасида ҚҚС суммасидан яна ҚҚС ҳисобланади. Айни бир солиқ яна шу солиқ базасига киритилади. Бундан ташқари бир объект бир солиқ тури билан икки марта солиққа тортилади. ҚҚСнинг тўлиқ қийматидан тўланиши ҚҚСнинг моҳиятига ҳам тўғри келмайди. Юқориди таъкидлаб ўтилганлар оқибатида ҚҚС ўзининг ҳақиқий вазифасини йўқотади ва оборот солигига айланади.

Таҳлиллардан кўрдикки, аксарият ҳолларда имтиёз беришдан бюджет зарар кўрмайди, унинг қиймати бошқа солиқ тўловчилар зиммасига тушади, ҳолос. Имтиёз бериш билан кифояланмасдан унинг ишлаши учун

барча шарт-шароитлар яратилиши, солиқ, пул-кредит сиёсати, давлатнинг иқтисодий бошқарув сиёсати билан мувофиқлаштирилиши лозим. Шундай қилиб, юридик шахслар даромад (фойда) солиғи ва ҚҚС имтиёзлари таркиби ва улардан фойдаланишни таҳлил қилиб қуйидаги хулосаларга эга бўлдик:

- солиқ имтиёзлари сони анча кўп, лекин уларнинг кўпчилиги самарасиз ишламоқда;
- солиқ имтиёзларининг рағбатлантирувчилик кучи таъсирли эмас;
- ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга қаратилган солиқ имтиёзлари алоҳида корхоналарга ва қисқа муддатга атаб берилган ва натижада барча ишлаб чиқарувчилар тенг шароитга қўйилмаган.

Мақсадли имтиёзларнинг ишлатилиши назаorat қилинади. Бу бозор механизмининг ишламаслигидан далолат беради. Бозор шароитида корхона давлат буйруғи ёки давлат назорат қилиб тургани учун эмас, ўз моддий манфаатдорлигига интилгани учун даромадини ишлаб чиқаришни кенгайтиришга сарфлаши лозим. Бундай ҳолатга сабаб хусусий мулкчиликнинг яхши ривожланмаганлиги, корхоналарнинг, айниқса хорижий инвесторларнинг солиқ қонунчилигига қиритилаётган ўзгаришлардан ва иқтисодий нобарқарорликдан ҳадиксиратиш ва бошқалардир. Бир солиқдан берилган имтиёз бошқа солиқлар таъсирида ўз кучини йўқотади. Солиқ механизми солиқлар имтиёзларининг ишлаши учун шароит яратиши лозим. Истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга қаратилган имтиёзлар анча аҳамиятлидир ва улар янада такомиллаштирилиб яқин келажакда ўз самарасини бериши керак.

5.3. Солиқ имтиёзларини оптималлаштириш масалалари

Биз солиқ имтиёзларини таҳлил қилиб улардан тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантирувчи восита сифатида фойдаланиш даражаси паст деган хулосага келган эдик. Умумий солиққа тортиш даражасининг юқорилиги, солиқлар сонининг кўплиги ва солиқ базасининг кенглиги тақдим этилган солиқ имтиёзларининг самарали ишлашига тўсқинлик қилмоқда.

Солиқлардан рағбатлантирувчи восита сифатида фойдаланиш, солиқлар воситасида тадбиркорларнинг моддий манфаатдорлигини таъминлаш иқтисодиётни эркинлаштиришнинг муҳим шартларидан ҳисобланади.

Умуман олганда имтиёзларнинг ишлаш механизми қуйидагича: хўжалик субъектлари эга бўлган даромад имтиёз берилиши натижасида солиққа тортилмаслиги туфайли, улар кўпроқ даромадга эга бўлиши

мақсадида яхшироқ фаолият юритишлари лозим. Аммо кўриб турганимиздек бундай бўлаётгани йўқ. Имтиёзга эга бўлиши мумкин бўлган корхоналар бор, лекин даромаднинг ўзи йўқ. Демак, аввало ишлаб чиқариш корхоналари учун фойда олиш имкониятини яратиш лозим. Юқори солиқлар орқали корхоналарнинг даромад олишини чегаралаб, яна олинмаган даромадни самарали фойдаланишни рағбатлантириш учун имтиёз беришдан мантқиқ йўқ. Бундай шароитда қонунчиликда берилган солиқ имтиёзлари ишламайди. Демак, бу имтиёзларнинг ишлаши учун иқтисодий вазият мавжуд эмас. Бу имтиёзларни беришдан аввал корхоналарнинг пайдо бўлишига имконият яратиш лозим, бунинг учун эса албатта катта молиявий маблағлар талаб этилади. Шу туфайли фақат янги ташкил этилган корхоналарга эмас, мавжуд ишлаб чиқариш корхоналарига ҳам молиявий эҳтиётдан тикланишларига, янги ишлаб чиқариш техникаларига эга бўлишлари учун молиявий маблағларга эга бўлишларига солиқлар орқали имконият бериш лозим. Янги корхоналарга имтиёз берилса-ю, фаолият кўрсатаётганларини эса солиқлар воситасида самарали фаолиятларини сусайтириш ва тўхтатиб қўйишгача олиб боришдан умумий ҳисобда ҳеч қандай манфаат йўқ. Шунинг учун солиқ имтиёзлари таркибида ушбу йўналишнинг сақлаш зарурлигига қўшилган ҳолда айнан ҳозирги давр учун кам самара бераётганлигини эътиборга олиб мавжуд ишлаб турган корхоналарда янги технологияларни жорий этиш, реконструкциялаш, янги қурилиш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва техник қайта қуроллантириш билан боғлиқ имтиёзларга асосий эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз. Шу мақсаддан келиб чиқиб илмий техника тараққиёти билан боғлиқ имтиёзларни кенгайтириш ва унинг таъсирини кучайтириш солиқ сиёсатининг имтиёзлар соҳасидаги энг муҳим йўналиши деб ҳисоблаймиз. Бунда сарфланган сармояларнинг қайтиши эҳтимоли юқори даражада бўлганлигидан ва бюджетга қўшимча даромадлар ундирилиши аниқлиги туфайли бундай имтиёзлардан бюджет зарар кўрмайди.

Шу ўринда қуйидаги фикрни келтириш ўринлидир. “Солиқлардан вақтинча озод этиш корхоналарга ҳар доим ҳам мукамал самара келтиравермайди. Фаолиятнинг дастлабки йилларида солиқ юкини енгиллаштириш капиталнинг шаклланиши бошланаётганлиги нуқтаи назаридан амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Бироқ, агар бу йилларда дастлабки йўқотишлар вужудга келаётган бўлса, солиқдан иқтисод қилишнинг энг қулай имкониятлари ҳам ҳеч нима бера олмайди. Шунинг учун сармоявий қўшимчалар кўринишидаги солиқ имтиёзининг ҳал қилувчи афзаллиги шундаки, улар айнан корхона зарар кўраётган бир вақтда рағбатлантирувчи аҳамиятга эгадир. Солиқ имтиёзларининг махсус чегиранилари ва “солиқ таътилилари” кўринишлари эса фойда олаётган корхоналар учунгина қулайдир» (42, 27-бет).

Бундан ташқари, биргина фойда солигидан имтиёз беришнинг ўзи муаммони ҳал қилмайди. Чунки даромадлилик даражасининг наслиги натижасида фойда солиғи бошқа солиқлар ва ажратмалар таркибида унча катта бўлмаган миқдорни ташкил этади. Барча солиқлар ва тўловлар таркибида фойда солигини салмоғи 1996 йилда энг яхши корхоналарда 30-50 фоизни ташкил этган бўлса, 2004 йилга келиб 1 фоиздан 15 фоизгачани ташкил этмоқда, ҳолос. Умуман фойда олмайётган корхоналар сони ҳам анча кўп. Бундай шароитда фойда солиғи ставкаларининг пасайишидан кутилаётган самара аҳамияти жуда паст бўлади. Яъни, бундан бюджет катта маблағ ютқазмайди, корхона эса катта маблағга эга бўлиб қолмайди. Янгидан ташкил этилган корхоналарга дастлабки йилларда фойда солигидан имтиёзлар берилган, аммо маълумки асосан ишлаб чиқариш корхоналарида дастлабки йилларда фойда олиш имконияти чегараланган. Қўшилган қиймат солиғи эса дастлабки йиллардан маҳсулот сотиш оборотидан тўланади, аммо бу солиқдан имтиёз берилмаган. Шунинг учун ҳам корхоналарга маълум бир мақсадда имтиёз берилар экан, бошқа солиқлардан ҳам имтиёзлар бир вақтнинг ўзида берилиши лозим.

Юқорида таъкидлаганимиздек, қишлоқ хўжалиғи корхоналарида улар маҳсулотига давлат харид нархларининг наслиги ва таннархнинг юқорилиғи даромад олиш имконини бермайди. Қишлоқ хўжалиғи маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида эса ҚҚСнинг тўлиқ оборотдан тўлиниши улар маҳсулотлари нархини кескин ошириб юборади ва уларнинг фаолиятини чегаралайди. Имтиёзларнинг амалда ишлаши учун ва корхоналарнинг самарали фаолияти учун шароит яратиш мақсадида мамлакатда тикланаётган ва имтиёз берилган ишлаб чиқариш тармоқларига қараб протекционизм сиёсатини қўллаш лозим. Бизнинг ҳозирги шароитда бир йўла протекционизм сиёсатини қўллаш салбий оқибатларга олиб келади, албатта. Айниқса ишлаб чиқариш воситаларига нисбатан протекционизм сиёсатини қўллаш мумкин эмас. Аксинча, бу воситаларнинг импорти учун қулай шароит яратилиши лозим.

Маҳсулот экспорти учун солиқ қонунчилигида доимо салмоқли имтиёзлар берилиб келинган. Аммо экспорт даражасининг ўсишига унинг таъсири кам. Дастлабки йилларда валютанинг пасайтирилган курсда давлатга мажбурий сотилиши имтиёзнинг аҳамиятини йўққа чиқарган эди. Бу ҳолат бекор қилинди. Бу имтиёздан асосан давлат корхоналари, давлат инвестиция дастурига киритилган корхоналар, қўшма корхоналар фойдаланмоқдалар ҳолос. Янги тикланаётган ва мавжуд ишлаб чиқариш корхоналари экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқара олади, лекин ташқи бозорга чиқиш имкониятига ҳали етиша олмаган. Бунинг учун ташқи бозор маркетингини яхши билиши лозим, акс ҳолда инқирозга учраши тайин. Лекин бунинг учун кичик, хусусий корхоналар учун катта ҳисобланадиган қўшимча маблағ зарур. Бундай имконият ва маблағ махсус ташқи савдо

учун ихтисослашган воситачи корхоналарда мавжуд бўлади. Лекин экспорт учун имтиёз бундай корхоналарга берилмаган. Улар ва ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳам экспортбон маҳсулотларни воситачи орқали экспорт қилишдан имтиёзга ҳам эга бўлмайдилар ва фойда кўриши ҳам мураккаб. Ишлаб чиқариш тармоқлари бошқармаси қошида махсус ташиқи савдо, шу жумладан экспорт билан шуғулланувчи ташиқлотлар тузиш йўлга қўйилмоқда, аммо бу муаммони ҳал қилганича йўқ.

Солиқ базасидан инвестицияга сарфланган маблағларнинг чегирилиши эҳуда муҳим имтиёз, аммо у солиқ базасининг 30 фоиз (2002 йилга қадар 50 фоиз) дан ошмаслиги лозим. Бунинг устига амортизация суммаси мақсадли ишлатилган бўлиши лозим аммо оборот маблағлари етишмаслиги оқибатида амортизация суммасининг мақсадли ишлатилмаётганлигига кўп вақт бўлди. Нафақт амортизация суммаси, фойда ҳам тўлиқ инвестицияга сарфланганда ҳам кўп ҳолларда техникавий қайта қуролланиш учун етарли бўлмайди. Натижада мазкур имтиёзнинг бундай чегараланиши мазкур имтиёзнинг аҳамиятини янада пасайтиради. Тўғри, корхоналарда даромадлилик даражаси юқори бўлганда мамлакат иқтисодий ривожланиши яхши бўлган пайтда бундай чегаралаш, ҳатто инвестицияга имтиёзни олиб ташиш ҳам мумкиндир. Аммо ҳозирги пайтда даромад айнан ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва такомиллаштириш билан боғлиқ технологияни сотиб олишга сарфланса имтиёзлар билан боғлиқ харажатларни иқтисод қилишнинг асло кераги йўқ. Чунки бундай имтиёзлар яқин даврда ўз самарасини беради. Бунда қўшимча ишлаб чиқариш ва реализация ҳисобига нафақат фойда солиғи, балки қўшилган қиймат солиғи, эҳисмоний шахслар даромад солиғи, мол-мулк солиғи ва бошқа солиқлар ҳисобига давлат бюджетига қўшимча даромадлар келиши таъминланади. Шундан келиб чиққан ҳолда иқтисодий тикланиш даврида инвестицияларнинг аҳамиятини таътиборга олган ҳолда илгор технологияларни сотиб олишга сарфланган маблағларни фойда солиғини тўлашдан тўлиқ озод этиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Айрим амалиётчи иқтисодчилар инвестиция учун сарфланган маблағларни солиқ базасидан чегириш шарт эмас, чунки амортизация суммаси солиқ базасидан чиқарилади деб ҳисоблайдилар. Аммо амортизация суммасининг солиқ базасидан чиқарилиши бу имтиёз эмас, бу қилинган харажатнинг қопланиши. Тезлаштирилган амортизацияни эса имтиёз дейиш мумкин (агар амортизациянинг тезлаштирилган қисми солиқ базасига қайта қўшилмаса). Инвестиция фойда солиғи тўланганидан кейин қоладиган фойдадан ёки кредит ҳисобидан амалга оширилиши мумкин. Шу туфайли фойданинг инвестицияга сарфланишини солиқ базасидан чиқариш ва амортизация суммасининг солиқ базасидан чегирилишини бир харажатнинг икки марта солиқ базасидан чиқарилиши,

ёки икки марта имтиёз бериш сифатида қараш тўғри эмас деб ҳисоблаймиз.

Давлат инвестиция дастурлари қанчалик аҳамиятга эга бўлмасин макроиқтисодий даражадаги айрим муаммоларни вақтинчалик ҳал этиши мумкин. Бизнинг фикримизча, микроиқтисодий даражада кўплаб ишлаб чиқариш корхоналарга (кичик ва ўрта) умумий иқтисодий кўтаринкиликни солиқ имтиёзлари орқали таъминлаш иқтисодий ривожланишнинг пойдеворидир. Бундай ишлаб чиқарувчилар, монополияни тугатади, соғлом рақобатни юзага келтиради.

Маълум бир йўналишдаги имтиёзларни ва уларнинг қўлланилишини бир-бирига боғлиқ ҳолда кўриб чиқиш бу имтиёзларнинг самарасини аниқлаш имконини беради. Иқтисодий сиёсат мамлакатда ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилган экан, бунга аввало илгор технология, демакки инвестиция орқали эришилади. Хўш, бизнинг қонунчилигимизда инвестицион имтиёзларга қайсыларини киритиш мумкин, уларнинг қўлланилиши қандай. Ҳозирги пайтда ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ва инвестицион имтиёзларга қуйдагиларни киритиш мумкин:

1) Инвестицияга сарфланган даромад солиқ базасининг 30 фоиз миқдоридagi қисми озод этилади (шартлари бор);

2) Капитал таъмирлаш харажатлари таннархга киритилади;

3) Кадрларни қайта тайёрлаш ва ўқитиш харажатларининг таннархга киритилади (меъёрлар доирасида);

4) Истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчиларга пасайтирилган ставкалар қўлланилиши, унинг ўсишидан олинган даромаднинг даромад солигидан озод қилиниши;

5) Болалар ассортименти товарлари ишлаб чиқарувчиларга пасайтирилган ставка белгиланиши;

6) Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган корхоналарнинг маҳаллийлаштиришгаётган маҳсулотлар бўйича божхона божлари, даромад солиги, ягона солиқ ва мол-мулк солигидан озод қилиниши (5 йилга);

7) Қурилиш ташкилотларининг қурилиш техникаси ва ускуналарини сотиб олишга сарфлаган фойдаси фойда солиги базасидан чегирилади (3 йилга);

8) Тайёр кийим, пайпоқ ва пойафзал ишлаб чиқаришга ихтисослашган хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар ҚҚСдан ташқари барча солиқлардан озод (1,5 йилга);

9) Давлат инвестиция дастурига киритилган хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар 7 йилга даромад (фойда) солигидан озод.

Мазкур мақсадга бир солиқдан имтиёз бериб, бошқасидан солиқ юкининг сақланиб қолиши имтиёз самарасини йўққа чиқаради. Шунинг

учун ҳам мавжуд имтиёзларга қўшимча равишда қуйидаги имтиёзларни жорий этиш имкониятларини таҳлил этиб қуриш мақсадга мувофиқ;

- ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва янги технологияларни сотиб олиш ҳамда жорий этиш билан боғлиқ харажатларни солиқдан тўлиқ озод этиш;

- бундай технологияларни сотиб олишда тўланган ҚҚСни ҳисобга ўтказишни тезлаштириш ёки ҚҚСдан уларга нисбатан насайтирилган ставкаларни қўллаш;

- янги техникалар учун мол-мулк солигидан имтиёзлар бериш;
- хорижий давлатларда самарали қўлланилиб келаётган “солиқ таътиллари”ни қўллаш;

- тезлаштирилган амортизация усулидан тўғри фойдаланиш;

- инновацион солиқ кредитидан фойдаланиш;

- илгор замонавий технологияларни яратувчи шахсларга катта рағбатлантириш мукофотларини тайинлаш ва бу мукофотларни ёки уни сотишдан олган даромадларни солиққа тортишни ҳозирги даражадан сезиларли миқдорда камайтириш.

Мазкур мақсадга қаратилган имтиёзлар мажмуаси етарли даражада берилиб ва унинг ҳақиқатда ишлаши учун шароит яратилганидагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Маълум бир мақсадли имтиёзни бутун республикага жорий этишдан олдин маълум ҳудудда жойлашган ҳар хил тармоқ корхоналарида қўллаб кўриш мақсадга мувофиқ.

Шу ўринда хорижий давлатларда самарали қўлланилиб келинаётган, лекин республикаимиз солиқ амалиётида ҳали таъжибада қўрилмаган солиқ имтиёзларининг 3 хил тури, яъни инновацион солиқ кредити, тезлаштирилган амортизация усули ҳамда солиқ таътиллари каби имтиёзларининг мазмуни, улардан республикаимизда фойдаланиш имкониятлари, чегаралари ва тўсиқлари устида тўхталиб ўтамиз.

Биз юқорида солиқ имтиёзларини таҳлил этишда кўриб ўтдикки, илмий-техника тараққиётига самарали таъсир этувчи мақсадли имтиёзлар етарли эмас. Тезлаштирилган амортизация усули эса айнан шундай имтиёзлардан ҳисобланади. Бу усулни қўллашда амортизация нормаси юқори қўйилади. Натижада фойданинг юқори нормага тўғри келадиган қисми амортизация фондига кетади ва фойда солиғи базаси камаюди. Асосий фондларнинг эскириш қиймати тезлашади, унга сарф қилинган харажатлар тезроқ қопланади ва янги техника сотиб олиш учун молиявий манбалар вужудга келади. Тезлаштирилган амортизация усулини қўллашдан давлат бюджети умуман олганда зарар кўрмайди, фақат вақтдан ютқазилади ҳолос, айтийлик 5-6 йил давомида солиқ базасидан чегирилиши лозим бўлган сумма 2-3 йилда чиқарилади.

Баъзи иқтисодчилар ўртасида тезлаштирилган амортизация нормасига асосан оширилган амортизация суммаси манбаи устида турлича қараш мавжуд. Масалан: “тезлаштирилган амортизация усулига эҳтиёткорлик билан ёндашиш зарурати шундаки, у таннархнинг кескин ошишига, шу орқали нарх навонинг ва инфляциянинг ошишига сабаб бўлиши мумкин” (85, 39-бет). Аммо амортизация нормаси таннархни кўтариш ҳисобида эмас, балки солиққа тортиладиган фойдани камайиши ҳисобида ошади: тезлаштирилган амортизациянинг мазмуни худди шунда. Бунда тайёр маҳсулот нархининг ошиб кетишига йўл қўйилмайди. Акс ҳолда бу имтиёз ўз маъносига эга бўлмайди.

«Тадбиркорлик фаолиятининг эркинликлари кафолатлари тўғрисида»ги Қонунга асосан кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тезлаштирилган амортизацияни икки барвар юқори меъёрдан ошмаган ҳолда қўллашга ва уни харажатларга олиб боришга рухсат берилди. Шунингдек, уларга 3 йилдан ортиқ хизмат қилган, амортизация ажратмаси ҳисобланган асосий фондларнинг дастлабки қийматида нисбатан 50 фоизгача ҳисобдан чиқариш ҳуқуқи берилди. Бу кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларида инвестицияларни молиялаштириш манбаларининг ўзгаришига таъсир кўрсатади. Бу ҳолат ҳозирги даврда муҳим бўлган ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш сиёсатини қўллаб-қувватлайди.

Республикамызда мавжуд солиқ механизми амалда бўлган шароитда бу имтиёзни тўғридан-тўғри эжорий этиш, унинг ишламаслигига ва кўзланган мақсаднинг амалга ошмаслигига олиб келади. Чунки уни эжорий этиш билан паралел равишда унга таъсир этувчи омилларга таъсир ўтказиш чораларини кўриш ва унинг ишлашига шароит яратиш лозим. Бунинг учун қуйидагиларни эътиборга олиш лозим бўлади:

- биринчидан, бу имтиёзни янги технологияларни сотиб олган ишлаб чиқариш корхоналаридагина бериш, ҳосил бўлган амортизация фондининг мақсадли ишлашини назорат этиш, акс ҳолда, имтиёздан маҳрум этиш;

- иккинчидан, амортизация суммасининг жадаллаштирилган қисmini фойда солиғи базасига киритмаслик лозим. Ҳозирги амалдаги солиқ қонунчилигига кўра у фойда солиғи базасига қайта қўйилувчи харажатларга киритилади. Бундай шароитда бу имтиёз маъносига эга бўлмайди. Бундан ташқари, бу имтиёз самарасини тўлиқ таъминлаш учун инфляция индексини қўллаш мақсадга мувофиқ;

- учинчидан, асосий воситаларнинг қайта баҳоланиши оқибатида мол-мулк солиғи қиймати ортиб кетади. Янги технологиянинг асосан четдан келтирилиши натижасида жуда қимматлиги ва унга ҳисобланган ҚҚСнинг ҳам унинг баланс қийматида киритилиб унга нисбатан қим мол-мулк солиғининг ҳисобланиши, бу солиқнинг кескин ошишига олиб келади.

Оқибатда, бу жадаллаштирилган амортизация усули аҳамиятини анча пасайтиради. Бизнинг солиқ қонунчилигимизда шундай ҳолатлар кўп учрайдики, корхонага бир томондан имтиёз берилиб, иккинчи томондан эса, бошқа солиқ жорий этиш ёки мавжуд солиқ ставкаларини ошириш, объектини кенгайтириш натижасида бу имтиёзнинг аҳамияти йўқотилади;

– тўртинчидан, эсмағарилган амортизация маблағларини бошқа инвестиция манбалари билан биргаликда белгиланган мақсадда фойдаланиш учун шароит яратиш лозим, яъни ишлаб чиқариш воситалари бозорини яратиш зарур. ... “амортизация фондини фойдадан ажратмани солиқдан озод қилинадиган қисми ҳисобига кўпайтириш, ишлаб чиқаришни техник қайта қуролантиришга хизмат қилиши лозим. Республикамизда ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш жараёни талаб даражасида эмаслигини эътиборга оладиган бўлсак, ушбу мақсадга қаратилган чоратadbирлар кўзда тутилган натижани бермаслиги табиийдир” (89, 42-бет). Бу фикрлар тўғри, аммо ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсади бу муаммони ечилиши талаб қилади.

Ҳозирги пайтда, солиқлар воситасида ёки бошқа иқтисодий механизмлар орқали илгор технологияли ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқаришга таъсир этиши самара бермайди. Бунинг учун нафақат катта маблағ кучли илмий база ҳам керак. Ҳозирча энг сўнги ишлаб чиқариш ускуналари ва техникаларни ривожланган давлатлардан сотиб олишга солиқлар ва бошқа иқтисодий механизмлар орқали кенг йўл очиб бериш кўпроқ самара беради. Чунки ҳозирги иқтисодий-илмий потенциалимиз билан улардан ўзиб кета олмаймиз. Сўнги заманавий ускуналар билан кенг истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳозирги иқтисодий вазият учун энг маъқул йўлдир.

Муҳим солиқ имтиёзларидан бири бу – солиқ кредитидир. Ш.Ғатаулиннинг “Солиқлар ва солиққа тортиш” ўқув қўлланмасида солиқ кредитларини солиқ ставкаларининг пасайтирилиши ва ялпи солиқнинг камайтирилиши деб тушунирилган. Бунда “кредит” тушунчасига тегишли белгилар эса фақат инвестицион солиқ кредитига тегишлидир деб кўрсатилган (31, 77-бет). Корхона ташкил топишининг дастлабки йилларида бериладиган солиқ имтиёзларининг кредит сифатида баҳоланишида бизнингча рамзий маъно бўлиб, вақтинча берилган бу имтиёзлар бюджетга яқин даврда қўшимча даромадлар келишини таъминлаши лозим. Аммо инвестицион солиқ кредити инвестицион солиқ имтиёзлари ичида бюджетнинг солиқ харажатлари нуқтаи-назаридан бир мунча енгилроқ ҳисобланади. Бу имтиёзнинг қўлланилиши ва оқибатлари унчалик мураккаб эмас. Бу имтиёз фақат инвестиция қилаётган корхоналарга берилиб, бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммасидан

бутунлай воз кечилмайди. Фақат солиқни бюджетга тўлаш муддати маълум вақтга чўзилади ва шу муддат ўтгач қўшимча фойз билан бюджетга тўланади.

Шунинг учун республикамизда инвестицион солиқ имтиёзлари қаторида ушбу имтиёздан ҳам корхоналар умумий молиявий ҳолатига боғлиқ ҳолда фойдаланиш бюджет даромадларининг нисбатан барқарор сақланиши билан бир қаторда молияси оғир корхоналарнинг тикланишига, молиявий барқарор корхоналарнинг эса янги технологияларни жорий қилишига имкон беради.

Инвестицион солиқ кредити банк муассасалари кредитлари каби молиявий эҳтиётдан анча барқарор корхоналарга берилиши мақсадга мувофиқ. Молиявий эҳтиётдан ичор корхоналарга эса инвестицияга сарфлаган маблағларни солиқдан тўлиқ озод қилиш яхшироқ самара беради.

Республикамизда қўшилган қиймат солиғи имтиёзлари таркиби ва қўлланилиши хусусиятларини таҳлил қилиб республикамиздаги асосий иқтисодий вазифалар ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида технологияларни янгилаш ҳамда аҳоли асосий қисми даромадларининг пастлиги сабабли ижтимоий ҳимояни таъминлаш эканлигидан келиб чиқиб, ҚҚСдан имтиёзлар соҳасида такомиллаштириш йўналишлари сифатида қуйидаги ўзгартиришларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, аҳолининг зарур биринчи истеъмол товарларига пасайтирилган ставкалар ўрнатилиши лозим. Буларга дори-дармонлар, ун, сут, ун маҳсулотлари, ёғ ва шакарни киритиш мумкин. Лекин пасайтирилган ставкани белгилашнинг ўзи билан масалани ҳал қилиб бўлмайди. Биз юқорида кўриб ўтган муаммоларнинг юзага келмаслик чораларини кўриш лозим бўлади. Бунинг учун барча пасайтирилган ҚҚС ставкалари қўлланиладиган давлатлардаги каби ставкалар ўртасидаги фарқ давлат бюджетидан қопланиши лозим. Шундагина бу имтиёз амалда ишлайди ва уни жорий этишдан кўзланган мақсад амалга ошади.

Иккинчидан, иқтисодиётимизнинг асосий тармоғи, айни пайтда қолоқ ва молиявий аҳволи оғир бўлган қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлаш заруратини эътиборга олиб, қишлоқ хўжалигига техника сотиш ҚҚСсиз амалга оширилиши лозим деб ҳисоблаймиз. Бу имтиёз ноль даражали ставка қўлланилганда ўз самарасини бериш мумкин, акс ҳолда қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқарувчи корхоналарни молиявий ҳолатини оғирлаштириб қўйиш ёки имтиёзнинг умумий қиймати жуда кам бўлиши мумкин (фақат бу корхона устамаси (қўшилган қиймати) миқдорида нисбатан ҚҚС суммасидагина озод қилиниши натижасида).

Учинчидан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарни ривожлантириш ва улгуржи тайёрлов ташкилотлари фаолиятларини жорий этиш мақсадида уларнинг тайёр маҳсулоти ёки

фаолияти тўлиқ қийматидан эмас, фақат устамаларидан ҚҚС тўлашлари мақсадга мувофиқдир.

Тўртинчидан, Республикамизда ишлаб чиқариш воситаларини сотиб олишда, улар ҚҚС билан бирга ҳисобга олинади. Бу ҚҚС улар амортизацияси билан биргаликда бир неча йиллар давомида ҳисобга ўтказилади. Бунда ҳисобга ўтказилади дейиш ҳам бир мунча нотўғри чунки, бунда ҚҚС ҳам таннархнинг бир қисми сифатида шаклланади ва яна қайтадан янгидан яратилган қиймат сифатида ҚҚС базасига киритилади. Аслида эса бу ерда янгидан яратилган қиймат мавжуд эмас. Бу ҳолатни эътиборга олган ҳолда, ҳамда ишлаб чиқаришни техника билан таъминлашни энгиллаштириш, ҚҚСнинг нейтраллигини таъминлаш мақсадига, ишлаб чиқариш техникалари учун тўланган ҚҚСни тезлаштирилган амортизация усулидаги каби 1-2 йилда бюджетга тўланадиган ҚҚС ҳисобидан компенсация қилиш мақсадга мувофиқ. Бу имтиёз фақат ишлаб чиқариш корхоналарига ишлаб чиқариш воситалари учун берилиши лозим.

Бундай имтиёзлар, албатта, бюджет даромадларини бир мунча камайтиради. Аммо буни катта миқдорни ва улушни ташкил этади деб бўлмайди. Бунинг устига бюджет даромадлари вақтинчалик камаяди. Солиқларнинг юки оқибатида аксарият корхоналарнинг молиявий ва ҳўжсалик фаолияти сустлашиши натижасида бюджет даромадлари ҳам абсолют суммада кўпайишига қарамай реал қиймати камаймоқда. Шу туфайли келажакда муқаррар даромад берувчи ишлаб чиқариш соҳасига имтиёз беришда иқтисод қилмаслик лозим.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Солиқ имтиёзларининг моҳияти нимада?
2. Солиқ имтиёзларини қандай гуруҳларга ажратиш мумкин?
3. Республикамизда солиқ имтиёзларидан фойдаланишнинг амалдаги ҳолати қандай?
4. Солиқ имтиёзлари қандай қонуний ҳужжатлар асосида тақдим этилади ва уларнинг нисбати қандай?
5. Юридик шахслар даромад (фойда) солигидан берилган имтиёзлар таркибини ва фойдаланиш даражасини қандай иқтисодий баҳолаш мумкин?
6. Кўшилган қиймат солигидан бериладиган имтиёзлар мазмунини ва улардан фойдаланиш самарасини қандай баҳолаш мумкин?
7. Жисмоний шахсларга берилган имтиёзлар мазмуни қандай ва уларни ривожланган давлатлар, шунингдек, МДХ мамлакатларидаги жисмоний шахсларга берилган даромад солиқлари имтиёзлари билан

солиштириб таҳлил эта оласизми?

8. Солиқ имтиёзлари ишлаб чиқаришни ва тадбиркорликни ривожлантиришига самарали таъсир кўрсатишини таъминлаш учун нималар қилиш лозим деб ўйлайсиз?

9. Солиқ имтиёзларини оптималлаштиришнинг қандай йўлларини таклиф этасиз?

6-боб. Солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш тартибини такомиллаштириш масалалари

Мавзу бўйича қўйилаётган муаммолар:

- *тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи (савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат соҳасидаги) jisмоний шахсларнинг реал даромадларини аниқлаш ва солиқларни ҳисоблаш билан боғлиқ муаммолар;*
- *солиқларни қатъий тартибда тўлаш билан боғлиқ муаммолар;*
- *қўшилган қиймат солигини ҳисоблаш ва тўлаш билан боғлиқ муаммолар;*
- *мол-мулк солигини ҳисоблашда асосий воситаларни қайта баҳолаш билан боғлиқ муаммолар;*
- *солиқлар ва йиғимлар бўйича боқимандалик ва уни тугатиш муаммолари.*

6.1. Солиқ ва тўловларни ҳисоблаш усуллари. Солиқларни тўлов манбаида ҳисоблаш ва унинг афзалликлари

Солиқ қонунчилигига кўра солиқ тўловчиларнинг давлат олдидаги мажбуриятлари қуйидагилардир:

- *солиқ органидан рўйхатга туриш;*
- *солиққа тортиладиган объектларни аниқлаш;*
- *солиқ ҳисоботларини тузиш ва уни белгиланган муддатларда солиқ органига тақдим этиш;*
- *солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаш.*

Солиқ ва йиғимларнинг ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши кўп жиҳатдан солиқларнинг ҳисобланиши ва тўлов муддатларининг қулайлигига ҳам боғлиқдир.

Солиқларни ҳисоблаш ва ундиришнинг бир неча хил усул ва шакллари мавжуддир. Булар солиқ тўлашнинг кадастр усули, даромадни олгунга қадар тўлов манбаида тўлаш ва даромад олгандан сўнг декларация бўйича тўлашдир.

Солиқни тўлашнинг кадастр усулида кадастр ёки реестрдан фойдаланиб унда объектнинг (ер, иншоот) баҳоси, ўртача даромадлиги кўрсатилади ва мол-мулк, ер солиқларини ҳисоблашда фойдаланилади.

Солиқларни тўлашнинг энг қулай ва самарали усули уларни тўлов манбаида ушлаб қолиш ҳисобланади. Лекин ҳамма солиқларни ҳам даромад олинган жойда ушлаб қолишнинг имконияти бўлавермайди. Тўлов манбаида асосан jisмоний шахслар даромад солиги, дивиденд ва

фоизлардан солиқ олинади.

Солиқни тўлашнинг яна бир усули даромад олмасдан аввал ва даромад миқдоридан қатъий назар қатъий белгиланган миқдорда тўлашдир. (Бу усулни тадбиркорлар патент тўлаш ҳам дейдилар.) Республикамизда бу усул тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар даромадлари, савдо (шунинингдек, айрим хизмат кўрсатувчи) соҳасида шуғулланувчи микрофирма ва кичик корхоналар даромадларини солиққа тортишда қўлланилади. Рента тўловларини ҳам шу усулга киритиш мумкин.

Солиқларни тўлашнинг яна бир усули декларация тўлдириш орқали солиқ тўлаш усули ҳисобланади. Бунда солиқлар даромад олиб бўлинганидан кейин тўланади. Бу усулда асосан бир марталик даромад олувчилар, доимий бўлмаган эркин фаолият билан шуғулланувчилар, изодий иш билан шуғулланувчилар (санъаткорлардан ташқари, улар патент усулида, яъни қатъий солиқ тўлайдилар), бир неча жойда даромад олувчилар солиқ тўлайдилар. Даромадларини декларациялаш оммавий декларациялар унинг республикамизда амалга оширмаганлиги сабаблари....

Солиқ тўлашнинг яна бир усули ҳисобот бериш шаклида бўлади. Бу усулдан деярли барча юридик шахслар барча солиқлар ва йиғимларни тўлашда фойдаланадилар. Бундай усулда ҳисобот даврида резкалаштирилган ёки қўйилган солиқ объекти миқдориغا қараб белгиланган тартибда жорий (бўнак) тўловлар амалга оширилади. Ҳисобот даври тугганидан сўнг ҳақиқатдаги солиқ объекти миқдориغا қараб ҳисобот топирилади ва қайта ҳисоб-китоб қилинади. ҚҚС ва акциз бўйича ҳақиқатда қилинган оборотлар бўйича тўлаб борилади.

Солиқ ва тўловларни тўлаш:

- 1) юридик шахслар томонидан – нақд пулсиз шаклда;
- 2) жисмоний шахслар томонидан – нақд пули ва нақд пулсиз шаклда амалга оширилади.

Солиқлар нақд пулсиз шаклда тўланиши солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммасига тўлов топириқномасининг банк томонидан акцепт қилиниши билан амалга оширилган ҳисобланади.

Солиқларни тўлаш нақд пул шаклида амалга оширилганда кўрсатилган маблағларнинг банкга ёки махсус тайинланган органга нақд берилиши солиқларни тўлаш амалга оширилганлигини билдиради.

Солиқларни тўлаш муддатлари ҳар бир солиқ тури бўйича алоҳида Солиқ кодекси ва тегишли меъёрий ҳужжатлар билан ўрнатилади. Тўлаш муддатининг охириги куни ҳам Солиқ кодексига кўрсатилади.

Республикамизда солиқларни тўлиқ ва ўз вақтида ундириб олиш билан боғлиқ бир талай муаммолар мавжуд. Бу биринчи навбатда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортиш билан боғлиқ. Бундай жисмоний шахсларни солиққа тортишда

қўлланилаётган усул, яъни қатъий солиқ ўзининг бир қанча камчиликларига эга. Бунда солиқ тўловчининг даромадлилик даражаси эътиборга олинмайди. Бу усул яхши даромад олувчилар учун қулай ва кам даромад қилувчилар учун анча қийинроқ ҳисобланади. Қатъий солиқ ставкалари ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қайта кўриб чиқилади. Дастлаб қатъий солиқ ставкалари катта камчиликларга эга эди. Ҳозирги пайтда улар анча такомиллашган ҳолатга келди. Қатъий солиқ миқдорлари солиқ тўловчилар имконият ва шарт-шароитларини қисман эътиборга олган ҳолда анча табақалаштирилган ҳолатга келтирилди. Ҳар йили қатъий солиқ ставкаларининг ўсишини кузатишимиз мумкин. Республикамизда тадбиркорлик билан шуғулланувчи жисмоний шахслар асосан савдо фаолияти билан шуғулланадилар. Дастлаб улар ҳақиқатдаги товар айланишига қараб, яъни даромадлилик даражасига қараб жисмоний шахслар даромад солиғи бўйича белгиланган ставкаларда солиқни тўлар эдилар. Бунда солиқ органлари ходимлари томонидан солиқ объектини яширмаслиги назорат қилиниб турилар эди. Бунда субъектив омилларга кўра солиқдан қочиш йўллариининг кўплиги туфайли солиқни ҳисоблаш ва ундиришининг бу йўлидан воз кечилди. Шу туфайли солиқни ундиришининг бу усули мукаммаллаштиришга муҳтож ҳисобланади.

Республикамизда солиқларни тўғри ҳисоблаш ва ундириб олиш билан боғлиқ яна бир муаммо борки, турли хил мулк шаклларига тегишли бўлган (микрофирма, кичик корхона, ўрта ва йирик) савдо билан шуғулланувчи корхоналарни солиққа тортиш билан боғлиқ. Бу соҳани солиққа тортиш қонунчиликка киритилаётган ўзгаришларнинг нисҳоятда кўплиги билан характерланади. Бунда солиқ миқдорининг улар эгаллаган эсой майдонида боғлиқлиги назарда тутилган. Солиқ бундай усулда ҳисобланганида савдо ташкилотлари учун қулай эмаслиги (солиқ юқори) туфайли уларнинг барчаси (микрофирма ва кичик корхоналар) ўрта ва йирик савдо ташкилотлари сифатида рўйхатдан ўтиб товар айланишидан (яъни даромаддан солиқ тўлашга ўтдилар). Лекин бундай корхоналарда ходимлар сонининг 11 киши эмас 25 киши қилиб белгиланиши солиқдан қочишининг бундай йўлини бироз мураккаблаштирди. Бундай корхоналарда солиққа тортиш тартиби йил давомида жуда кўплаб (25-30 тагача) ўзгартиришлар киритилиши билан характерланадики, демак бу соҳада ҳам мукаммаллаштирилиш талаб қилинади.

Жаҳон иқтисодийёти амалиётда солиқ базаси сифатида қўшилган қийматни ҳисоблашнинг 2 хил усули мавжуд:

Биринчи усул - бу қўшилган қийматни унинг таркибига кирувчи барча элементларни қўшиб чиқиш асосида аниқлаш. Хорижий давлатларда у асосан иш ҳақи, даромадлар, рента ва фоизалардан иборат.

Бизнинг солиқ тизимимизда қўшилган қиймат таркибига кирувчи

элементлар анча кенгроқ. Хусусан, ҳозирги пайтда унинг таркибига қуйидагилар киради: фойда, иш ҳақи, меҳнат ҳақи фондига нисбатан 33 фоиз миқдориди ҳисобланадиган ягона ижтимоий тўлов; нафақа фондига сотишдан тушумга нисбатан 0.7 фоизли ажратма; давр харажатларига кириштиладиган солиқлар (ер солиғи, мол-мулк солиғи, сув ресурслари учун солиқ, ер ости бойликларида фойдаланиш солиғи, экология солиғи), амортизация ажратмаси, кредит учун фоизлар ва бошқа пул харажатларидир.

Қўшилган қийматни аниқлашнинг иккинчи усули - бу маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотиш қиймати ва шу маҳсулотга кетган моддий ва унга тенглаштирилган харажатлар ўртасидаги фарқни аниқлашдир.

Биринчи усулда қўшилган қиймат элементлари аниқланади ва солиққа тортилади. Бу усул анча мураккаб ҳисобланади ва қамдан-қам қўлланилади. Чунки солиқ базаси сифатида даромадларни аниқлаш ёки унинг аниқ чегараларини белгилаш қийин. Юқорида кўриб ўтганимиздек баъзи харажатларни даромад ёки харажат сифатида қараши мунозаралидир. Бундан ташқари бу усулдан фақат ҚҚС бўйича ягона ставка қўлланилганда фойдаланиш мумкин. Ҳар хил ставкалар қўлланилганда ёки айрим товарлар ва хизматлар солиқдан озод этилганда бу усулдан фойдаланиш анча мураккаб. (Чунки айнан уларга тегишли қўшилган қийматни элементлари бўйича ажратиш олиш қийин).

Шунга қарамай, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот қийматини аниқлаш қийин бўлган соҳаларда, масалан, банк иши ва молияда бу усулдан фойдаланиш имкониятлари кенгаяди. Иккинчи усулда қўшилган қийматни ҳисоблашда сотилган ва сотиб олинган маҳсулотлар фарқи қўшилган қиймат сифатида солиққа тортилади.

ҚҚСнинг ялпи базаси эса жами истеъмол харажатларидан солиқни сақлаш ижтимоий, маориф, молия, сугурти, ижара тўлови соҳасида қилинган харажатларнинг айирмасига тенг бўлади.

Ялпи солиқ базасига давлат харидлари, давлат кредитлари, давлат инвестициялари, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги давлат харидлари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг тўғридан тўғри (қайта ишловсиз) истеъмол учун сотилишини киритмаслик лозим. Кўп ҳолларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҚҚСдан озод қилинганлиги туфайли солиқ тушумларини режалаштиришида уларни ялпи солиқ базасига тўлиқ киритмайдилар. Аммо биз таҳлилларда кўрдикки, ҚҚСдан озод қилинган маҳсулотлар шахсий истеъмол учун эмас қайта ишлаб чиқариш мақсадларида харид қилинганда кейинги оборотда озод қилинган маҳсулот қийматида ҳам ҚҚС тўланади. Натижада озод қилинган маҳсулотларнинг бир қисми ҚҚСнинг ялпи базасига кириб кетади. Шунинг учун ҳам солиқни режалаштиришида ҚҚСнинг ялпи солиқ базасини аниқлашда истеъмол тури даражасини аниқлашга эътибор бериш лозим.

Умуман олганда шахсий истеъмол харажатларининг 80 фоиздан ортиги ҚҚС базасига киради. ҚҚСнинг ялпи базасини қуйидаги формула билан аниқлаш мумкин:

$$\text{ҚҚС} = \text{ЯИМ} + \text{И} - \text{Э} - \text{О} - \text{М} + \text{К} + \text{С} - \text{К} - \text{Ш}$$

Бунда,

ЯИМ – ялпи ички маҳсулот;

И – импорт товарлар қиймати;

Э – экспорт товарлар қиймати;

О – ҚҚСдан озод қилинган соҳалар хизматлари қиймати;

М – давлат томонидан тўланган (номоддий соҳа) меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;

К – солиқдан озод қилинган соҳалардан оралиқ маҳсулот ва асосий капитални қайта оборотга солиш мақсадларида сотиб олиш;

С – солиқдан озод қилинган соҳалардан асосий воситаларни сотиб олиш;

К – асосий капиталнинг ташиқил топиши;

Ш – хорижий давлатларидаги шахсий истеъмол харажатлари.

Биз юқорида ҚҚС базаси элементлари устида тўхталиб ўтган эдик. Унинг таркиби анча кенг бўлиб, бу ҚҚСнинг анча катта суммада ундирилишини таъминлайди. Бизнинг фикримизча, ҚҚС базаси сифатидаги қўшилган қийматнинг таркибини солиқ юкини енгиллаштириш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш лозим. ҚҚС ҳақиқатда янгидан яратилган қийматга нисбатан ҳисобланиши лозим. Масалан, амортизация ажратмаси янгидан яратилган қиймат ёки корхона даромади эмас. Бундан ташқари акциз солиғи, божхона тўловлари ва давр харажатларига кирувчи бошқа солиқларнинг ҳам ҚҚС базаси элементлари таркибига киритилишини нотўғри деб ҳисоблаймиз. Чунки бу солиқлар маҳсулот қийматининг юқори даражасида ошишига олиб келади ва унинг корхонада яратилган қийматга алоқаси йўқ. Тўғри, жамият миқёсида янгидан қиймат яратилади, аммо бу давлат томондан сунъий равишда (асосланмаган, товар билан таъминланмаган) ҳолда солиқлар орқали қийматни ошириш ва шу қийматдан яна ҚҚС ҳисоблаш механизминини ифодалайди. Бу эса солиққа тортиш назарияси принциплари талабларига мос келмайди. Шунинг учун ҳам бу солиқ базаси таркибидан акциз солиғи, божхона тўловлари ва амортизация ажратмасини чиқариб ташлаш мақсадга мувофиқ. Шуни таъкидлаш керакки, амортизация таркибида ҚҚС ҳам мавжуд. Чунки асосий воситалар ҚҚС билан бирга кириш қилинади ва унга нисбатан амортизация ҳисобланади. Бу ҳолда ҚҚСнинг ўзи ҚҚС базасига киради.

6.2 Солиқлар ва тўловлар бўйича боқимандалик

Республикамызда солиқларни ўз вақтида ундириш билан боғлиқ асосий муаммо бу солиқлар бўйича боқимандалик масаласи ҳисобланади. Солиқларнинг ҳисобланиши, лекин ўз вақтида бюджетга ўтказилмаслиги, корхоналарни тегишли оқибатида солиқ объектларини яшириш ҳолларининг аниқланиши, аванс тўловларнинг ўз вақтида тўланмаслиги боқимандаликни ҳосил қилади.

Солиқ ва йиғимлар бўйича боқимандалик мавжуд бўлганида уни бюджетга ўтказиш қўйидаги тартибда амалга оширилади: асосий қарз суммаси, ҳисобланган пеня, жарима санкциялари.

Боқимандаликнинг юзага келиш сабаблари турлича бўлиши мумкин:

- солиқни тўлашдан бўйин товлаш;
- буюртмачи корхоналар томонидан маҳсулот (иш, хизмат) учун маблағнинг ўз вақтида тўламаганлиги;
- давлат буюртмаси бўйича иш бажарадиган корхоналарга давлат томонидан тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилмаслиги;
- корхоналар молиявий аҳволининг турли объектив ва субъектив сабабларга кўра (шу жумладан солиқ юкининг юқорилиги) оғирлашуви, банкротликка учраши ва бошқалар бўлиши мумкин.

Амалиётда солиқларни ўз вақтида тўлашдан кўра, пеня билан бирга кечроқ тўлаб, солиқ суммаларини оборот қилишни афзал билиш ҳоллари ҳам учрайди. (Бу ҳолга банк ва солиқ органи ходимлари хизмат вазифаларини суистеъмол қилиш ҳоллари ҳам имкон беради).

6.2.1-жадвал

Бюджет олдидagi боқиманда қарзлар ўсишининг жами солиқ тушумларидаги салмоғи

№	Худудлар	2004 йилнинг 1 октябр ҳолатига боқиманда қарзлар миқдори (млн. сўм)	Боқиманда қарзлар ўсишининг жами тушумдаги салмоғи да, % (10%лик меъёрга нисбатан)	Боқиманда қарзларнинг худудлар бўйича улуши, % да
1	Қорақолғоғистон Республикаси	3600,0	1,1	3,4
2	Андижон	9867,6	6,9	9,3
3	Бухоро	7776,3	2,0	7,4
4	Жиззах	1911,4	4,4	1,8
5	Қашқадарё	4557,7	1,1	4,3
6	Навоий	2049,8	0,9	1,9
7	Наманган	3328,9	1,0	3,2
8	Самарқанд	3593,6	1,8	3,4
9	Сурхондарё	4617,0	2,5	4,4
10	Сирдарё	1085,8	0,5	1,0

11	Тошкент	10980,5	3,0	10,4
12	Фаргона	11451,7	2,8	10,9
13	Хоразм	5233,5	4,8	5,0
14	Тошкент шаҳри	35394,3	2,4	33,6
Жами		105448,1	2,3	100

Белгиланган муддатларда тўланмаган солиқ ва тўловларни ундириши қуйидаги усулларда амалга оширилади:

1) Тўланмаган солиқлар, йиғимлар ва бошқа бюджетга мажбурий тўловлар суммасига пеня ҳисоблаш;

2) Банкдаги ҳисобрақамлари бўйича харажат операцияларини тўхтатиш;

3) Солиқ суммаларини ундиришини солиқ тўловчининг мулкига қаратиш.

Пеня – солиқ қонунчилиги билан ўрнатилган солиқларни тўлашининг ҳар бир кечиккан куни учун ҳисобланадиган миқдордир. Пеня солиқ қонунчилигини бузганлик учун турли хил жавобгарлик меъёрларининг қўлланилишидан қатъий назар ҳар бир кечиккан кун учун ҳисобланади ва тўланади. 2002 йилдан унинг миқдори 0,07 фоиз.

Солиқ тўловчининг суд қарорига кўра банкрот деб эълон қилинганидан кейин, ёки унинг мажбурий тугатилиши тўғрисидаги суд қарори кучга кирган кундан бошлаб боқиманда суммасига пенянинг ҳисобланиши тўхтатилади.

Жисмоний шахснинг боқиманда суммасига пенянинг ҳисобланиши унинг исиз йўқолганлиги тўғрисидаги суд қарори кучга кирган кундан бошлаб, бу қарор бекор қилунгунга қадар тўхтатилади.

Солиқлар бўйича боқимандаликни йўқотишининг иккинчи усули банк ҳисобрақамлари бўйича харажат операцияларининг тўхтатилишидир. Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк счетлари тўғрисидаги Йўриқноманинг 37-қисмига асосан «ҳисобрақам бўйича операциялар фақат ҳисобрақам эгаси кўрсатмасига кўра ёки суриштирувчи, терговчи ёки суд қарорига кўра ҳисобрақамдаги пул маблағларини ҳибсга олинганда шунингдек қонунда кўрсатилган бошқа ҳолларда тўхтатилиши мумкин. Бунда ҳисобга олиш қарорда ёки тушунтиришда кўрсатилган пул суммасига нисбатан қўлланилади.

«Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунда давлат солиқ хизмати органлари ўз ваколатлари доирасида юридик шахслар, шунингдек қонунчиликда кўзда тутилган ҳолларда жисмоний шахсларнинг банклардаги ва бошқа молия кредит муассасаларидаги ҳисобрақамлари ва бошқа счетлари бўйича операцияларни тўхтатиш ҳуқуқига эга. Бу ҳолатларга қуйидагилар киради: хўсжажатли текширувлар ўтказишига рухсат бермаслик; давлат солиқ органларининг мансабдор шахсларини

инишоотларни кузатишга ва даромад олиш жойларига киришларига қаршилик қилиш; молиявий ҳисоботларни, солиқлар бўйича ҳисобларни, декларацияларни, солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш ва ундириш билан боғлиқ бошқа ҳужжатларни тақдим этмаслик.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича боқиманда суммалари, пенялар жасрималар ва бошқа солиқ қонунчилигини бузганлик учун молиявий санкцияларни ундириш солиқ органлари томонидан инкасса талабномасини тақдим этиш орқали сўзсиз тартибда амалга оширилади.

Боқимандаси бор корхонанинг банкдаги ҳисобрақамларида пул маблағлари бўлмаганда «Солиқлар ва бюджетга тўловлар бўйича боқимандаликни ундиришни корхона ва ташкилотлар мулкларига қаратиш тартиби тўғрисида»ги Низомга асосан боқиманда суммаларини ундириш унинг мулкига қаратилади.(ЎР ВМнинг 08.11.1996йил 387-сонли қарори, 12.03. 2003 йил ЎР ВМнинг 133-сонли қарори билан ўзгартиришлар киритилган).

Мазкур Низомга асосан солиқ органи банк томонидан тўлиқ ёки қисман бажарилмаганлиги тўғрисидаги белги бўлган инкасса талабномасини олган кундан бир сутка ичида қарздор корхонага боқиманда суммасини ва жасрима санкцияларни қоплаши тўғрисидаги ёзма талабномани қўлда ёки буюртма корреспонденция орқали жўнатади ва уни берганлиги тўғрисида хабар беради. Бу ёзма талабномада мазкур талабномани олганидан сўнг 1 ой муддатда қарздор корхона талабларни бажармаган ҳолда унинг мулкига қаратилиши тўғрисида хабар берилади. Боқимандаси бор корхона томонидан 10 кун муддат ичида ёзма талабноманинг бажарилмаслиги ёки жавобсиз қолдирилиши судга мурожаат қилишга асос бўлади. Ундиришни қарздор корхона мулкига қаратиш ҳўжалик суди далолатномасига асосан суд ижрочилари томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Боқимандаликни тугатишнинг бу кўриб ўтилган чоралари маъмурий, жазолаш усулларидаир ва бу чоралар боқимандаликни бутунлай йўқотмайди. Боқимандаликни йўқотиш ёки ҳеч бўлмаганда камайтириш чораларини кўриш учун унинг юзага келишининг туб иқтисодий сабабларини аниқлаш ва тугатиш лозим. Боқимандалик юзага келишига асосий сабаб корхоналарнинг молиявий қийинчиликларга дуч келишидир. Молиявий қийинчиликларга дуч келиш сабабларини аниқлаш ва уни йўқотишнинг иқтисодий тадбирларини ишлаб чиқиш ҳозирги иқтисодий сиёсатнинг асосий муаммоси ҳисобланади. Бундай иқтисодий тадбирлардан бири тадбиркорликни ривожланишига тўсиқ бўлмайдиган солиқ сиёсатини юритишдир.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Солиқларни бюджетга тўлашнинг қандай усуллари мавжуд?

2. Юридик шахслар даромад (фойда) солигини ҳисоблашда қандай ўзига хос хусусиятлар ва муаммолар бор?

3. Қўшилган қиймат солигини ҳисоблашнинг қандай усуллари мавжуд?

4. Республикамизда қўшилган қиймат солигини ҳисоблашнинг қандай усуллари қўлланилади ва унда қандай муаммолар бор?

5. Жисмоний шахслар даромадлари қандай ҳисобланади ва ривожланган давлатларда бундай солиқни ҳисоблаш билан қандай фарқли ва ўхшаш томонлари бор?

6. Солиқларни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартибини оптималлаштиришнинг қандай йўлларини тақлиф эта оласиз?

7. Солиқлар ва тўловлар бўйича боқимандалар қандай тартибда ундирилади?

7-боб. Солиқ ставкаларини табақалаштириш орқали молиявий фаолиятни мувофиқлаштириш тартиби

Мавзу бўйича қўйилаётган муаммолар:

- республикада солиқ тизимида табақалаштирилган ставкаларни қўллашда тўхтовсиз ва тез-тез ўзгартиришлар киритилиши билан боғлиқ муаммолар;
- солиқ ставкалари даражаларини белгилашда бошқа омилларнинг, хусусан, солиқлар сони, солиқ базалари кенглигини, реал иқтисодий вазиятларнинг, солиқ тўловчилар молиявий имкониятларининг, уларнинг даромадга эга бўлиш ҳуқуқларининг эътиборга олинмаслиги;
- қўшилган қиймат солигидан пасайтирилган ставкаларнинг қўлланилиши билан боғлиқ муаммолар;
- ягона солиқ ставкаларининг ўрнатилиши билан боғлиқ муаммолар.

7.1. Солиқ ставкаларини табақалаштириш. Солиқ ставкаларини табақалаштириш орқали молиявий фаолиятга таъсир этиш

Солиқ ставкаси солиқ объектининг ҳар бир бирлиги учун давлат томонидан белгилаб қўйилган меъёридир.

Солиқ ставкаси икки хил усулда: қатъий ставкаларда (сўмда) ва нисбий ставкаларда – фоизларда ифодаланади. Пул инфляцияси шароитида нисбий ставкаларни қўллаш мақсадга мувофиқ, чунки бунда инфляция даражаси автоматик тарзда эътиборга олиниб кетилади.

Солиқ амалиётида пропорционал, прогрессив ва регрессив ставкалар қўлланилади. Пропорционал солиқ ставкаси қўлланилганда солиқ объекти миқдоридан қатъий назар бир хил улушдаги солиқ тўланади. Пропорционал ставкалар қўлланилганда пасайтирилган ставкалар, нолли ставкалар ва аксинча юқорилашган ставкалардан фойдаланилади. Бунда албатта рағбатлантириш ёки чеклаш билан боғлиқ ҳар хил мақсадлар қўзланади.

Прогрессив солиқ ставкаси қўлланилганда эса, солиқ объекти миқдори кўпайиши билан солиқ ставкаси ҳам ортиб боради. Республикада бу турдаги ставка жисмоний шахслар даромад солигидан фойдаланилади. Айрим давлатларда корпорациялардан олинadиган даромад солигидан ҳам қўлланилади. Бунда корхоналарнинг даромадлилик даражаси, маҳсулот (иш, хизмат) обороти миқдори эътиборга олинади.

Регрессив солиқ ставкасида солиқ объекти миқдори ортиб бориши билан солиқ ставкаси миқдори аксинча пасайиб боради. Регрессив ставкаларнинг қўлланилишидан мақсад, маҳсулот (иш, хизмат)

обороти кўпайтиришдир. Шунинг билан мумкин, эри солиқларга нисбатан пропорционал ставкалар қўлланилганда ҳам бу солиқ регрессив моҳиятга эга бўлади. Чунки, эри солиқлар истеъмолчиларга солиқ бўлганлигидан, бу солиқни истеъмолчилар тўлайдилар. Бунда истеъмолчиларнинг даромадлилик даражаси тўтиборга олинмайди. Бир хил маҳсулот сотиб олган бой ва камбағал харидорнинг даромадида эри солиқ улуши регрессив шаклда ифодиланади.

Амалиётда табақалаштирилган солиқ ставкаларидан кенг ва самарали фойдаланиб келинмоқда. Ривожланган давлатларда эри солиқлар бўйича (қўшилган қиймат солиғи) табақалашган ставкаларнинг қўлланилиши бу солиқларнинг регрессивлигини биров камайтиради. Аммо бизнинг республикада бу солиқдан табақалаштирилган ставкалар деярли қўлланилмайди. Республикада солиқ тизимида юридик шахслар даромад (фойда) солигидан табақалаштирилган ставкалар жуда кенг қўлланилади.

7.2. Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигида табақалаштирилган солиқ ставкаларидан фойдаланиш ҳолати ва такомиллаштириш йўналишлари

Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимига ҳос бўлган эрихат солиқ ставкаларнинг ҳам тез-тез ўзгариб туриши ҳисобланади. Солиқ ставкалари иқтисодий тармоқларига, фаолият турларига, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларига, экспорт даражасига, хорижий инвестициянинг улушига, корхоналарнинг жойлашган жойига қараб табақалашади. Қуйида биз Ўзбекистон Республикасида 2001-2004 йилларда солиқлар бўйича солиқ ставкаларининг ҳолати билан танишиб чиқамиз (7.2.1-жадвалга қarang).

Солиқ ставкаларининг сўнгги йилларда ўзгаришига тўтибор берадиган бўлсак, деярли барча солиқлар бўйича унинг ўсишини кузатишимиз мумкин.

Халқаро иқтисодий муносабатларнинг тобора ривожланиши солиқ ставкаларининг халқаро миқёсда тенглашувини тақозо қилмоқда. Кўпгина давлатларда солиқ ставкалари тобора бир-бирига яқин миқдорларда белгиланмоқда. Лекин ҳар доим ҳам солиқ ставкаларининг халқаро миқёсда таққосланувчанлигини таъминлаш мақсадида солиқ ставкаларини тегишли солиқ турлари бўйича халқаро миқёсдаги даражаларига яқинлаштириш билан унинг таққосланувчанлигини тўлиқ таъминлаб бўлмайди. Чунки солиқ базасига кирувчи элементлар таркиби бир-бирдан анча фарқ қилади. Бундай фарқланишлар юқоридаги иқтисодий-иқтисодий сабаблардан ташқари иқтисодий тузумнинг хусусиятлари, мулкка нисбатан иқтисодий психологик қарашлар, шахсларнинг истеъмоли эҳтиёслари даражаси ва уни қондириш имкониятларига ҳам боғлиқ

бўлади. Шундай қилиб солиқ тушумлари миқдори солиқ ставкаларигагина эмас, кўпроқ даражада солиқ базасига ҳам боғлиқдир.

2001-2004 йиллар учун солиқ ставкаларининг ҳолати

Тўловчилар	2001 йил	2002 йил	2003 йил	2004 йил
Юридик шахслар даромад (фойда) солиғи				
Юқори ставка	35%	35%	35%	35%
Умумий ставка	20%	24%	20%	18%
Аукционлар ўтказиш, гастрол-концерт фаолияти билан шуғулланиш учун лицензия бўлган юридик ва jismonий шахсларни эсала қилиш билан оммавий томоша тадбирларини ўтказувчи ташкилотлар	35%	35%	35%	35%
Устав фондида хорижий сармоя улуши 50 ва ундан ортқ фондни ташкил этган корхоналар устав фонди: – 300чиг АКШ доллдан 1,0 млн гача – 1,0 млн. АКШ долл. ва ундан юқори	20% 16%	20% 16%	20% 16%	18% 16%
Боғалар ассортименти товарлари, аёллар гигиенаси маҳсулотлари, бадий хунармандчилик буюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган юридик шахслар	10%	10%	10%	10%
Узи ишлаб чиқарган маҳсулотларнинг ЭАВга экспортининг сотиш ҳажмидаги улуши: – 15%дан 30%гача бўлса ставка 30%га насийтирилади – 30% ва ундан ортқиқни ташкил этса ставка 2 марта насийтирилади	01.07.2001гача ҳаракатда		ҳаракатда	ҳаракатда
УР ВМнинг 13.11. 2002 даги «Бозорни исътемолад товарлари билан тўлдиришни рағбатлантириш ҳамда ишлаб чиқарувчилар ва савдо ташкилотлари ўзаро муносабатларини такомиллаштириш чора-тадбирлари				

тўғрисидаги 390-сонли қарорига асосан:		йўқ	йўқ	амалда	амалда
Истеъмол товарлари ишлаб чиқаришдан олинган даромадлар 20% пасайтирилган ставкада солиқ тўлайдилар					
Бошлар асортименти товарлари ишлаб чиқаришдан олинган даромад 7%ли ставкада солиққа тортилади		йўқ	йўқ	амалда	амалда
Дивидендлар ва фонлар шаклидаги даромадлар учун даромад солиғи ставкалари					
Дивидендлар ва фонлар шаклидаги даромадлар олувчи юридик ва эҳсоний шахслар		15%	15%	15%	15%
Ягона солиқ					
Харид, таъминот-сотиш корхоналари, брокерлик фирмалари (яъни даромадга нисбатан)		25%	25%	30%	30%
Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар		25%	25%	50%	50%
Оммавий томоша тадбирларини ўтказишдан даромад олувчи юридик шахслар		35%	35%	35%	35%
Қишлоқ хўжалиги корхоналари, (ягона ер солиғини тўловчилардан ташқари)		5%	5%	6%	6%
Саноат, қурилиш ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари (лизинг компаниялари учун лизинг берувчининг даромадига (маржасига) нисбатан)		10%	10%	12%	13%
ЎР ВМнинг 2002 йил 13.11 даги 390-сонли қарорига асосан кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг истеъмол товарлари ишлаб чиқаришдан олинган даромадлари белгиланган ставкага нисбатан 25% пасайтирилган ставкада солиққа тортилади		йўқ	йўқ	амалда	амалда
Яъни даромад солиғи					
Улгуржи ва чакана савдо, умумий оёқталаниш корхоналари Тошкент ш. ва шаҳарлари		Даромадлилик ва ставка 20%гача – 20% 20% юқ – 30%	2002 йил 01.07гача Д-д ва ставка 20%гача – 20% 20% юқ – 30%	20	20

Қишлоқ туманларида	20%гача – 15% 20% юқ.- 30%	20%гача – 15% 20% юқ.- 30%	18	18
Узоқ тоғли туманлар	20%гача – 15% 20% юқ.- 30%	20%гача – 15% 20% юқ.- 30%	16	16
Улардан: Умумтаълим мактаблари, мактаб-интернатлар, ўрта-махсус, касбий ва олий таълим муассасалари Тошкент ш. ва шаҳарларида Қишлоқ туманларида Узоқ тоғли туманларида	Юқоридаги билан бир хил	Юқоридаги билан бир хил	16 14 12	16 14 12

Лоторейлар, тотализаторлар вага асосланган ўйинлар ташкил этиш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахсларнинг яъни тушумидан ягона солиқ

Лоторейлар, тотализаторлар ташкил этиш фаолияти билан шуғулланишга ЎР ВМдан берилган лицензияси бўлган юридик шахслар	маълумд эмас	маълумд эмас	20%	20%
---	--------------	--------------	-----	-----

Жисмоний шахслар даромад солиғи

Молия йилида солиқ солинадиган даромадга эга бўлган жисмоний шахслар	ЭЖИХ ва ставка 3 гача - 13% 3-5 гача- 25% 5-10 гача - 36% 10 дан юқ. ... 40%	ЭЖИХ ва ставка 4 гача - 13% 4-8 гача - 23% 8 дан юқ.- 33%	5гача-13% 5-10гача-21% дан юқ.- 30%
--	--	--	---

Фаолиятнинг алоҳида турлари билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар учун қатъий солиқ

Қуйдаги соҳаларда тадбиркорлик фаолиятини олиб борувчи юридик ва jisмоний шахслар: -автомобилпорт воситаларини қисқа муддатга саклаш эжойлари (юр.шахслар) -болалар ўйин автомобиллари -Пул (буюм) ютуқлари қўйилган ўйин автомобиллари -билардонлар	Қатъий солиқнинг базавий ставкалари, физик кўрсаткичлари, шунингдек, базавий ставкаларга ўзгартирувчи коэффициентлар ЎР ВМнинг ҳар йилги Давлат бюджетини тақсимлаш эжарёида тасдиқланади. Қатъий солиқнинг аниқ ставкалари Қорақўлпоғистон Республикаси ВК, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимияти томонидан ўрнатилади.			
Қатъий микдорларда солиқ ундирилаётган, юридик шахс ташкил топмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи jisмоний шахслар даромадларига солиқ				
Юридик шахс ташкил топмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи jisмоний шахслар	Қатъий солиқнинг базавий ставкалари, ва базавий ставкаларга ўзгартирувчи коэффициентлар ЎР ВМнинг ҳар йилги Давлат бюджетини тақсимлаш эжарёида тасдиқланади. Тадбиркорлик фаолияти тури ва эжойланган эжойига қараб (вилоят шаҳарлари, туманлар) қатъий солиқнинг аниқ ставкалари Қорақўлпоғистон Республикаси ВК, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимияти томонидан ўрнатилади.			
Қўшилган қиймат солиғи				
Тўловчилар	2001	2002	2003	2004
Юридик шахслар: -тадбиркорлик фаолиятини юритувчи -товар (иш, хизматларни) импорт қилувчи Ўз эҳтиёжга умун божсиз олиб кириш меъёридан қўн товарларини олиб кириётган jisмоний шахслар	20%	20%	20%	20%
	20%	20%	20%	20%
Акциз солиғи				
Акцизоти товарларни ишлаб чиқарувчи ва импорт қилувчи юридик ва jisмоний шахслар	Акцизоти товарлар рўйхати ва акциз солиғи ставкалари ЎР ВМ томонидан тасдиқланади.			

Юридик шахслар мол-мулк солиғи				
Солиққа тортиладиган мулкка эга бўлган юридик шахслар	Бошланғич қийматдан 5%	Қолдиқ қийматдан 2%	Қолдиқ қийматдан 3%	Қолдиқ қийматдан 3,5%
Жисмовий шахслар мол-мулк солиғи				
Солиққа тортиладиган мулкка эга бўлган жисмоний шахслар				
01.01.1998 йилдан қайта баҳоланган қийматидан	0,3%	0,4%	0,5%	0,5%
баҳоланмаган қийматдан	4,8%	5,8%	7%	7%
Ер солиғи				
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчилар, Самарқанд ва Тошкент вилоятидан ташқари	Ставкалар зоналар жойлашган эсоий қараб баэл-бонитетини ҳисоблаган ҳолда табақалашган. Қорақолғаситон Республикаси ва вилоятлар учун қишлоқ хўжалиги экинлари учун ягона ер солиғи базавий ставкалари, маъмурий туман ва ҳудудлар учун сугорилладиган қишлоқ хўжалиги ерларига базавий ставкалар, шунингдек, базавий ставкаларга узғартирувчи коэффициентлар ЎР ВМ томонидан ўрнатиллади			
Самарқанд ва Тошкент вилояти қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилари	Қўзда тутилмаган	Қўзда тутилмаган	Қўзда тутилмаган	2%
Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ				
Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдал қилинладиган қилинладиган юридик ва жисмоний шахслар	Солиқ ставкалари ЎР ВМ томонидан ўрнатиллади. Солиқ ставкалари фойдали қилинладиган қилинладиган юридик ва жисмоний шахслар – 24% дараваси – 24%			
Экология солиғи				

Товар ишлаб чиқарувчи, хизмат кўрсатувчи, иш бажарувчи юридик шахслар	1%	1%	1%	1%
Сув ресурслари учун солиқ				
Ўз фаолиятида сувдан фойдаланувчи юридик шахслар, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи jisмоний шахслар	Солиқ ставкалари ЎР БМ томонидан ўрнатилади. Солиқ ставкалари сув ресурслари манбасининг турига қараб табақалашган ва тийинларда белгиланган			
	мин.: -11,0 макс.: -292,0	мин.: -13,2 макс.: -350,4	мин. - 15,8 макс.: -420,5	мин.: -23,7 макс.: -630,3
Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиги				
Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эскиланган ва тадбиркорлик фаолиятини олиб борувчи, юридик шахслар Тўловчилар	8%	8%	8%	8%
	2001 йил	2002 йил	2003 йил	2004 йил
Жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизел ёқилгиси ва газ учун истеъмол солиги				
Жисмоний шахсларга бензин, дизел ёқилгиси ва қисилган газни сотадиган ҳўжалик субъектлари, мулк шаклидан қатъий назар Бензин, дизел ёқилгиси 1 литр учун Газ 1 кг учун	Кўзда тутилмаган Кўзда тутилмаган	20сўм	30 сўм	40 сўм
	17 сўм	30 сўм	40 сўм	40 сўм
Савдо ҳукуки учун йигим				

Чакана савдо нуқталари орқали Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда савдо фаолиятини олиб борувчи жисмоний ва юридик шахслар	1 ой савдо учун 3,5 карра ЭКИХ	1 ой савдо учун 3,5 карра ЭКИХ	1 ой савдо учун 3,5 карра ЭКИХ	1 ой савдо учун 3,5 карра ЭКИХ
Алкогөл ва тамаки маҳсулотлари билан савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғим				
Чакана савдо нуқталари орқали Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда савдо фаолиятини олиб борувчи жисмоний ва юридик шахслар алкогөл маҳсулотлари тамаки маҳсулотлари	5 ЭКИХ 5 ЭКИХ	5 ЭКИХ 5 ЭКИХ	5 ЭКИХ 5 ЭКИХ	5 ЭКИХ 5 ЭКИХ
Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказиш йиғими				
Янгидан ташкил топаятган юридик шахслар ва юридик шахс ташкил топмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истисини билдирган жисмоний шахслар	5 карра ЭКИХ	5 карра ЭКИХ	5 карра ЭКИХ	5 карра ЭКИХ

Баъзи адабиётларда турли соҳа ва тармоқларда солиқ юкини тенглаштириш мақсадида ягона солиқ ставкасини ўрнатиш зарурлиги тўғрисида гап боради. “Солиқ механизми шаклланишининг жаҳон тажрибаси тасдиқлашича, мулк шакли ва тармоқ хусусиятидан қатъий назар ягона солиқ ставкасини жорий этиш, солиқ механизми шаклланишининг яна ҳам прогрессив тамойилларидан биридир” (19, 142-бет). Аммо ягона солиқ ставкасини белгилашда иқтисодий шарт-шароитларни эътиборга олмаслик салбий натижаларга олиб келади.

Ҳозирги пайтда республикамызда турли соҳа ва тармоқларда турлича солиқ ставкалари ўрнатилган. Нафақат ставка, балки солиқ турлари, солиққа тортиш тартиби, механизми жиҳатидан ҳам бир-биридан фарқ қилади. Шу жиҳатдан соҳа ва тармоқларни қуйидагиларга ажратиш олиш зарур:

- қишлоқ хўжалиги;
- ишлаб чиқариш, транспорт, қурилиш, маиший хизмат кўрсатиш;
- савдо, умумий овқтланиш, воситачилик;
- банк ва сугурта ташкилотлари;
- казино, шоулар ва бошқалар;
- кичик ва ўрта бизнес корхоналари.

Бундан ташқари, давлат инвестиция дастурига киритилган корхоналар ҳам бошқача тартибда солиққа тортилади. Бу ҳолат бозорга ўтишининг ҳозирги босқичида иқтисодиётимиз хусусиятларидан келиб чиқиб, солиқ механизми орқали иқтисодиётни бошқаришнинг ўзига хос усулларидан ҳисобланади. Бу усул солиққа тортишни мураккаблаштиришига қарамай маълум маънода ўзини оқлайди. Чунки уларнинг ягона тартибда ва ягона ставкада солиққа тортилиши (ҳатто бир-бирига яқин бўлиши) бизнинг иқтисодий шароитда ижтимоий тафовутларнинг, иқтисодий ривожланишдаги диспропорцияларнинг юзага келишига, уларда солиқ юки фарқланишларининг кучайишига, вертикал адолатнинг бузилишига олиб келади. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, Россия Федерациясидаги жисмоний ва юридик шахсларга нисбатан ягона солиқ ставкасининг ўрнатилиши кутилган даражадан ҳам юқори ижобий натижаларга олиб келди. Хўш, нега у ҳолда бизнинг республикамызда ягона тартиб ва ставка ўрнатиш тўғри эмас деб ҳисоблаяпмиз. Чунки бунинг иқтисодий сабаблари бор. Биринчидан, солиқ ставкаси нисбатан жуда паст (13%). Бу солиқ тўловчилар учун ниҳоятда қулай. Аммо бюджет камомадчилиги нуқтани назаридан салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Иккинчидан, мавжуд иқтисодий, маъмурий шарт-шароитлар бир-биридан фарқ қилади. Ягона тартиб ва ставканинг ўрнатилиши учун турли соҳаларнинг иқтисодий ривожланиш даражаси иқтисодиётдаги

аҳамияти, моддий-техника базаси, рентабеллиги, даромад олиш имкониятлари, сармоя қайтишининг тезлиги, меҳнат унумдорлиги, ишчи кучи сарфи бир-бирига яқин бўлиши лозим, амалда эса бундай эмас.

Бу ерда гап бир соҳадаги корхоналарнинг яхши ёки ёмон молиявий хўжалик фаолияти юритиши устида эмас, мамлакат иқтисодий ривожланиш хусусиятларига кўра, юзага келган тармоқ ва соҳаларнинг турлича иқтисодий ва молиявий вазиятда, фойдага эга бўлиш имкониятининг яратилиши устида кетмоқда.

Кўп ҳолларда турли тармоқларда бундай турлича иқтисодий вазиятларнинг юзага келишига давлатнинг уларга нисбатан турлича иқтисодий сиёсат ва солиқ сиёсати юритишлари ҳам сабаб бўлади. Масалан, қишлоқ хўжалиги соҳасининг маҳсулот етиштириш ва сотиш тартибининг давлат томонидан ўзига хос ташкил этилиши оқибатида юзага келадиган молиявий ҳолатга мос ҳолда солиққа тортиш тизимини яратишнинг зарурлигини олиш мумкин. Бундан ташқари юқорида таҳлил қилиб ўтганимиздек ишлаб чиқариш соҳасида ҳам бошқа тармоқларга нисбатан тенг солиқ сиёсатини юритиш оқибатида юзага келган жуда оғир иқтисодий ҳолат тўғрисида (ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти оғир ҳолатда) ҳам айтиш мумкин.

Жаҳон солиқ амалиётида деярли барча давлатларда солиқнинг умумий савкаларига нисбатан пасайтирилган ставкалари қўлланилади. Пасайтирилган ставкалар жисмоний шахслар даромад солигидан (бу ерда гап прогрессив ставка тўғрисида кетаётгани йўқ. Айрим оғир шароитларда ишловчилар учун қўлланиладиган ставкалар тўғрисида кетмоқда), юридик шахслар даромад солигидан, қўшилган қиймат солигидан қўлланилиши мумкин.

Қуйида республикамызда пасайтирилган ставкаларнинг механизми ва ундаги камчиликлар устида тўхталиб ўтамиз. Биринчи истеъмолад маҳсулотлари бўлган беш турдаги товарларга имтиёз сифатида дастлаб 10 фоиз, сўнг 15 фоизли пасайтирилган ставка ўрнатилди. Аммо бу пасайтирилган ставкалар қўлланилишининг ижтимоий аҳамияти арзимас даражада бўлгани ҳолда, ҳисоб-китобларда англашилмовчиликларга йўл қўйилди, улар мураккаблашиб кетди. Пасайтирилган ставкаларнинг қўлланилиши натижасида ҚҚСнинг нейтраллиги йўқолди. Яъни юқори, умумий ставкада маҳсулот сотиб олиб, паст ставкада тайёр маҳсулотига ҚҚС ҳисобловчи корхоналардаги манфий фарқ бюджет томонидан қопланилмади. Шундан сўнг маълум вақт ўтгач, фақат (пасайтирилган ставкани қўлловчи) корхона устамасидангина паст ставка бўйича ҚҚС ҳисобланадиган бўлди, бу эса пасайтирилган ставканинг ижтимоий аҳамиятини янада пасайтирди. Республикамызда пасайтирилган ставкаларнинг қўлланилиши деярли ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмай

қолди. Шунинг учун 2000 йил 1 январдан пасайтирилган ставка бекор қилинди.

ҚҚС қўлланиладиган барча ривожланган давлатларда 3 хил ставкалар, яъни энг юқори (зеб-зийнат буюмлари, тамаки, алкоголь); ўрта (барча товар ва хизматларга) ва пасайтирилган ставка (биринчи даражали зарурий хизматларга, озиқ-овқат маҳсулотларига, медикаментлар, уй-жой, транспортга) қўлланилади. Бир мунча мураккабликларга қарамай, улар анча муваффақиятли қўлланилиб келинмоқда ва катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлмоқда, чунки пасайтирилган ставкалар юқори ва ўрта ставкалардан бир неча марта кичикдир.

ҚҚС қўлланиладиган барча давлатларда юқори ставкада хом ашё сотиб олиб, паст ставкада маҳсулот сотувчиларга, ҚҚС бўйича манфий фарқ компенсация қилинади. Шунинг учун ҳам бунда имтиёзли ставка қўлланилишининг ижтимоий аҳамияти жуда салмоқли даражададир. Республикамиздаги имтиёзли ставка эса рамзий маънода қўлланилди, ҳолос. Бу ҳолатни, шунингдек, ноль даражали ставканинг қўлланиши механизмини ҳам қуйидаги жадвалда кўрамиз (7.2.1-жадвалга қarang).

7.2.1-жадвал

ҚҚС бўйича турли шаклдаги имтиёзлар ва ставкаларнинг маҳсулот нархига, бюджетга тўланадиган ҚҚС суммасига таъсири таҳлили¹¹

Кўрсаткичлар	Умумий ставка а солиқ тўловчи корхона	Имтиёзли тартибда солиқ тўловчи корхона	Ноль даражали ставкани қўлловчи корхона	минг сўмда Пасайти- рилган ставкани қўлловчи корхона
				I
1. Сотиб олинган хом ашё ва бошқалар	1000	1000	1000	1000
2. Сотиб олинган материаллар учун тўланган ҚҚС	200	200	200	200
3. Қўшилган қиймат	800	800	800	800
4. Жами маҳсулот қийматига нисбатан ҳисобланган ҚҚС	360	200		280 180
5. Бюджетга тўланган	160	—	—	160
6. Маҳсулотнинг умумий қиймати	2160	1800 2000 2160	1800	2080 1980
II ОБОРОТ				
I	II	III	IV	V
1. Сотиб олинган маҳсулот	2160	2000	1800	2080
2. Шу жумладан тўланган ҚҚС	360	—	—	280

¹¹ Маълумотлар шартли равишда олинган.

3. Қўшилган қиймат	800	800	800	800
4. Жами маҳсулотга нисбатан ҚҚС	520	560	520	520,0
5. Шу жумладан, бюджетга тўланадиган ҚҚС	160	560	520	240
6. Маҳсулотни сотиш қиймати	3120	3360	3120	3120

Жадвалда кўриб турганимиздек бир хил қийматда маҳсулот ишлаб чиқарган корхоналар хар хил ставкалар қўлланилиши ва имтиёзлар берилиши натижасида турлича молиявий вазиятга тушганлар имтиёзли корхона ҳам ашё учун тўлаган ҚҚСни таннарга киритиши оқибатида унинг маҳсулоти нархи 200 сўмга қимматлашган. Агар корхона маҳсулот нархини оширсан (1800 минг сўмдан сотилса) унинг фойдаси 200 минг сўмга камаяди. ҚҚС ҳисобига нарх ошса (2000 минг сўм) фойдага таъсир этмайди, агар маҳсулот 2160 минг сўмдан сотилса қўшимча фойда олиши мумкин. Аммо бунда имтиёз ўз маъносини йўқотади. 5-устунга эътибор берадиган бўлсак, пасайтирилган ставкани қўлловчи корхона пасайтирилган ставкани бутун оборотга нисбатан қўлласса, бюджетга тўланадиган ҚҚС манфий фарқ билан чиқади (-20). Бу фарқни бюджет қайтармаса корхона зарар кўради. Шу туфайли амал қилган тартибга кўра бундай корхоналар фақат ўзи қўшган қийматга нисбатан (800) ҚҚС тўлайди. II оборот, 5-қаторига эътибор берадиган бўлсак, имтиёзли корхоналардан маҳсулот сотиб оладиган корхона бир неча марта кўпроқ ҚҚС тўлайди (160 сўм ўрнига 560 сўм) ва тайёр маҳсулот нархи ҳам юқори (3120 сўм ўрнига 3360 сўм).

Кўриб турганимиздек, қўшилган қиймат солиғидаги ноль даражали ставканинг қўлланилиши механизми рағбатлантириш нуқтаси назаридан энг қулай ҳисобланади.

Республикамызда корхоналарни солиққа тортишда соддалаштириш томон борилмоқда. Бу маълум даражада корхоналар зиммасидаги солиқ юкини пасайтиришга, солиқларни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш билан боғлиқ харажатларнинг камайишига ёрдам беради. Ишлаб чиқариш соҳасига ялли тушумдан 13 фоиз ставкада ягона солиқ тўлайдилар. Корхона 13 фоиз солиқ тўлаш учун даромадлиги ҳеч бўлмаганда 20 фоиз бўлиши лозим. Шунда 4,8 фоиз фойдага эга бўлади (бюджетдан ташқари фондларга тўловлардан ташқари). Лекин ҳозирги пайтда ишлаб чиқариш корхоналари учун, бундай даромадлиликни таъминлаш жуда қийин, уларнинг 15,2 фоиз даромадлиликка эришилса, барча даромад солиқ ва ажратма сифатида бюджетга тўланади. Аммо корхона даромадга эга бўлмаса, у зарарига бўлсада тўлаши зарур бу ҳолда унинг келажаги йўқ, албатта. Бу ўз навбатида солиқ тўлашдан қочини ҳолларининг юзага келишига асосий сабаблардан бири бўлиб қолмоқда. Савдо соҳасидаги корхоналарга ялли даромад солиғи ставкаси 20 фоиз қилиб белгиланган,

аммо солиқ базаси бунда бутун товароборот эмас яъни даромади ҳисобланади. Савдо корхонасининг товарларни сотиб олиш ва сотиш фарқи сифатидаги яъни даромади ва ишлаб чиқариш корхонасининг яъни тушуми таркибини тенглаштириб бўлмайди, албатта. Бу ҳолда солиқ юки, албатта ишлаб чиқариш корхонасига кўпроқ бўлиб чиқади.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

- 1. Солиқ ставкаларининг қандай турлари ва шакллари мавжуд?*
- 2. Солиқ ставкаларини табақалаштириш асослари нимада?*
- 3. Республикамиз солиққа тортиш тизимида прогрессив, пропорционал ва регрессив ставкалардан фойдаланиш нисбати қандай?*
- 4. Республикамизда табақалаштирилган ставкалардан фойдаланиш ҳолатига иқтисодий баҳо бера оласизми?*
- 5. Табақалаштирилган солиқ ставкаларидан фойдаланишнинг қандай йўлларини таклиф эта оласиз?*

8-боб. Солиқ муносабатларини оптималлаштиришда солиқ қонунчилигини мувофиқлаштириш масалаларининг аҳамияти

Мавзу бўйича қўйилаётган муаммолар:

- солиқ тўловчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ муаммолар;
- меъёрий-ҳуқуқий базада мавжуд бўлган қарама-қаршиликлар;
- юридик шахслар ва уларнинг мансабдор шахсларига нисбатан қўриладиган молиявий ва маъмурий жазоларнинг белгиланишида солиқ қонунларини бузилиш сабабларини эътиборга олмаслиги;
- молиявий жазо миқдорларининг яширилган солиқ объекти миқдорини ҳисобга олмаслиги;
- савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат соҳасида тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи жисмоний шахсларга нисбатан қўлланиладиган молиявий жазоларининг кескинлиги ва бу соҳадаги айрим қонун бузилишлари ва суистеъмолчиликлар муаммоси;
- назарат-касса машиналарининг қўлланиши билан боғлиқ муаммолар.

8.1 Солиқ қонунчилигига тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни мувофиқлаштириш ва солиқ тўловчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари

Солиқларга тегишли ҳуқуқий муносабатлар республикамизда Солиқ кодекси, «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги қонун ва солиқ қонунчилигига тегишли бошқа ҳужжатлар билан амалга оширилади. Солиққа тортиш тизимини тартибга солувчи меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларга қуйидагилар киради:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;
- Ўзбекистон Республикаси қонунлари;
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари;
- вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқармалар ҳужжатлари;
- давлат ҳокимиятининг жойлардаги органлари қарорлари.

Ўзбекистон Республикасида Конституциянинг ва Ўзбекистон Республикаси қонунларнинг сўзсиз устуворлиги тан олинади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси олий ҳуқуқий кучга эга. Қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасида Конституцияси асосида ва уни амалга ошириш учун қабул қилинади ва унинг меъёрларига, таъиниларига қарши келиши мумкин эмас.

Янги меъёрий ҳуқуқий ҳужжатнинг қабул қилиниши амалдаги

меъёрий ҳужжатнинг айрим жиҳатлари унга қарама-қарши бўлган ҳолларда ўз ҳаракатини тўхтатади. Махсус қонунлар умумий қонунлар амалиётини сиқиб чиқаради. Шунини таъкидлаш керакки, амалиётда бу тамойилларнинг қўлланилишида бир мунча мураккабликлар вужудга келмоқда.

Ҳуқуқий демократик давлат қурилишининг белгиларидан бири давлатнинг ўзи ўрнатган кафолатларнинг ҳаққонийлиги ва уларни қўллаш имкониятларнинг мавжудлигидир. Давлат кафолатларини қўллаш бўйича қонунларнинг бажарилмаслиги тадбиркорлик фаоллиги, республикамиздаги инвестицион муҳитга салбий таъсир кўрсатади, айниқса бу ҳолат хорижий инвестицияларга тегишли бўлса. Шунинг учун солиқ қонунчилигига сўзсиз риоя қилиш нафақат солиқ тўловчиларнинг балки судьяларнинг, солиқ ва божхона органлари ходимларининг, прокуратура ва албатта амалиётчи ҳуқуқшуносларнинг биринчи навбатдаги вазифаси ҳисобланади.

Бозор иқтисодиётига хос бўлган солиқ ва бошқа қонунчилигининг тез-тез ўзгариши, асосан қонуности ҳужжатлар билан фаолият юритишга тўғри келиши, солиқ ва инвестицион сиёсатда барқарорликнинг мавжуд эмаслиги тадбиркорлик субъектлари учун бир қатор кафолат қонунлари ишлаб чиқишини тақозо қилди. «Тадбиркорлик фаолияти эркинликлари кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 16 моддаси 2-қисмига кўра, агар солиқ қонунчилигига киритилган ўзгаришлар кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ёмонроқ шароит яратса, у ҳолда улардан кейинги икки йил давомида бундай ўзгаришлар кучга киргунга қадар бўлган қонунчиликка асосан солиққа тортилади.

2003 йил 25 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунчилик ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғриси»ги Қонунга асосан юқоридаги қисмга қўшимча киритилди. Унга кўра солиққа тортиш тизимидаги, шу жумладан, солиқ ставкаси индексацияси билан боғлиқ ўзгаришлар, шунингдек, алоҳида фаолият турлари билан шугулланувчилар учун даромаддан қатъий солиқнинг жорий этилиши уларнинг шароитини ёмонлаштирувчи ҳолат ҳисобланмайди.

Аммо, 2001 йил 9 августдаги Конституцион суд қарорига кўра кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ёмонроқ шароитни яратувчи қонунчиликдаги ўзгаришлар қуйидагилардир: янги солиқларнинг жорий этилиши, солиқ ставкаларини кўтариш ва мавжуд солиқ имтиёзларини бекор қилиш. Қонунчиликда мавжуд бўлган бундай ҳолат натижасида кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўз ҳуқуқларидан фойдалана олмаслик ҳоллари жуда кўп учрайди. Улар ҳаттоки ўз ҳуқуқларини талаб қилиб ҳўжалик судига мурожаат ҳам қилишмайди.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, солиқ ставкаларининг

индексация муносабати билан кўтарилиши фақат қатъий суммалардаги ставкаларга тегишли бўлади. Фоиизли ставкалар эса автоматик равишда пул қадрсизланиши билан боглиқ ўзгаришларни ўз ичига олади.

Кичик ва хусусий корхоналар нисбатан фарқли ўлароқ хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар ўз ҳуқуқларини жуда фаол талаб қиладилар. 1998 йил 30 апрелдаги 611-1 сон «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларнинг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги қонуннинг 3-модда 4-қисмида белгиланган кафолатларни белгилаш ва улардан амалда фойдаланиш билан боглиқ муаммони кўриб чиқиш жоиз. Унга кўра «агар Ўзбекистон Республикасининг кейинги қонун ҳужжатлари инвестициялаш шарт-шароитларини ёмонлаштира, у ҳолда чет эл инвестицияларига нисбатан инвестициялаш санасида амал қилган қонун ҳужжатлари инвестициялаш пайтидан бошлаб 10 йил мобайнида қўлланилади. Чет эллик инвестор ўз хоҳишига кўра, янги қонун ҳужжатларининг инвестициялаш шарт-шароитларини яхшилайдиган қоидаларини қўллаш ҳуқуқига эгадир.

Суддаги ишларнинг кўриб чиқилишида имтиёзларнинг бекор қилиниши, янги солиқларнинг киритилиши ва солиқлар бўйича солиқ ставкаларининг кўтарилишини инвестициялаш шарт-шароитларининг ёмонлашиши деб қаралади. Аммо ушбу қонуннинг 3-модда 4-қисмидаги тушунчанинг камчилиги шундаки, «инвестициялаш шарт-шароитларининг ёмонлашуви» тушунчасининг ҳар бир ҳолатни ифодаловчи ҳуқуқий тавсифи мавжуд эмас. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Конституцион судининг ҳам мазкур меъёрни қандай англаш бўйича қарори ҳам мавжуд эмас. Бу ҳолат кўпгина муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Бизнингча, ҳолатни тўғри таҳлил қилиш учун «инвестициялаш шарт-шароитлари» ва унинг «ёмонлашуви» тушунчаларини тўғри талқин қилиш лозим. Инвестиция шарт-шароитлари дейилганда юридик шахснинг ташкил топиши, давлат рўйхатидан ўтиши, ишлаб чиқариш ва молиявий хўжалик фаолиятини юритиши, солиқ ва бошқа тўловларни тўлаши, иқтисодий қонунчиликни бузганлик учун жавобгарликларни ўз ичига олган инвестицион фаолиятни амалга ошириш тартибини аниқлайдиган ҳуқуқий омиллар йиғиндиси тушунилади. Унинг «ёмонлашуви» тушунчасида эса, корхона ташкил этилган ва инвестицияни бошлаган санасига нисбатан солиқ қонунчилигининг ўзгариши натижасида солиқ юкининг ошиши, (божхона тўловларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда) ва унинг оқибатида инвестицияга ажратиладиган маблағларнинг камайиши тушунилади.

Божхона кодексининг 113-моддасига кўра ортиқча тўланган (ноқонуний ундирилган) суммалар уларни қайтаришнинг бир йиллик муддати белгиланган. Кодексда бу муддатнинг даъво муддати эканлиги

тўғрисида ҳеч нарса ёзилмаганлигига қарамай суд қарор чиқаришда бундан даъво муддати сифатида қабул қилади. (Амалиётда божхонада солиқларни ундириш (қайтариш) бўйича судга мурожаат қилиш ҳоллари кўп юз беради). Шунинг таъкидлаш керакки, импорт товарларига ҚҚС ва акциз солиғи божхона разряди тўловларига киритилгани билан ҳуқуқий табиатида кўра солиқлардир (Солиқ кодекси 6-модда). Шу туфайли юқорида таъкидлаб ўтилган кафолатлар божхонада тўланадиган солиқларга ҳам тегишли бўлади. Амалиётда божхона органлари шу сабаб билан имтиёзларни қўлламаслик ва ортиқча тўланган суммаларни қайтармасликка ҳаракат қилиш ҳоллари юз беради.

Яна эътиборга лойиқ жиҳат борки, юқоридаги қонун фақат хорижий корхонага тегишлими ёки хорижий инвестиция иштирокидаги қўшма корхонагами? Бунда бу имтиёзни қўллаш шарти аниқ кўрсатилмаган. Амалиётда солиқ органи томонидан қўшма корхонага нисбатан ушбу моддани қўлламаслик ҳоллари юз беради. Лекин бунда хорижий инвестор улушини ҳисобга олиш лозим. Дастлабки пайтларда кафолатни талаб қилиб судга мурожаат қилиш ҳолларида қўшма корхонанинг талаби суд томонидан асосан қондирилган бўлса, сўнгги вақтларда солиқ қонунчилигига киритилган ўзгаришлар инвестиция шарт-шароитларини ёмонлаштиргани судга мурожаат қилган корхона томонидан исбот қилиниши талаб қилинмоқда.

«Молиявий аҳволнинг ёмонлашуви» ва «инвестициялаш шарт-шароитларининг ёмонлашуви» тушунчаларини ҳам фарқлаш лозим. Юридик шахснинг молиявий аҳволи нафақат унинг учун янги бўлган солиқни жорий қилиш натижасида, шунингдек, бошқа ҳолатлар масалан, ишлаб чиқариш, молиявий ва бошқа ҳолатларнинг яхши ташкил қилинмаганлигидан, шу ва бошқа корхоналар томонидан хўжалик шартномаларининг бажарилмаганлиги ёки тўлиқ бажарилмаганлиги ва бошқа сабаблар бўлиши мумкин. Бир имтиёзнинг бекор қилингунга қадар бўлган даврда бошқа солиқдан озод қилиш, ёки бошқа солиқлардан ставкаларнинг пасайтирилиши ёки корхона томонидан молия-хўжалик фаолиятини юритиш бўйича бошқа преференциал шартлар киритилганлиги аниқланиши ва тегишли ҳисоб-китоблар кўрсатилиши лозим. Чунки бундай ўзгаришлар битта имтиёзнинг бекор қилинишидан кўрилган зарарни қоплаши мумкин. Бу ҳолат айрим солиқлардан имтиёзнинг бекор қилиниши, битта солиқнинг жорий этилишида, солиқ ставкасининг кўтарилишида тўғри бўлиши мумкин, ammo ходимлар сонининг 50 фоизини ногиронлар ташкил этган корхоналар учун имтиёзнинг бекор қилинишида инвестиция шароитларининг ёмонлашганлигини исбот қилиш шарт эмас. Чунки, бу имтиёз билан улар деярли барча солиқлардан озод қилинган эди. Судга мурожаат қилган қўшма корхоналарнинг асосий қисми ҳам айнан шу имтиёз кафолатини

талаб қилинган. Шу туфайли имтиёзлардан фойдаланиши орқали эга бўлинган маблағнинг айнан инвестицияга сарфланиши мақсадли имтиёз каби назорат қилиниши йўлга қўйиши бюджетга келиб тушмаётган маблағларнинг самарали ишлашини таъминлашга йўналтиради.

Ушбу мунозарага тегишли яна бир муҳим ажиҳат бор. Бу муддатли имтиёзларнинг жорий этилиши билан боғлиқ. Муддатли имтиёзларнинг ҳаракати тугаши бу имтиёзнинг қонунчилик билан бекор қилиниши эмас. Бунда юқоридаги кафолатдан фойдаланиши мумкин эмас.

Шуни назарда тутиш лозимки агар қўшма корхона ташкил этилган пайтда имтиёзлар мавжуд бўлмаса ва кейинроқ жорий этилган имтиёзлар бекор қилинган бўлса, у ҳолда мазкур меъёр кафолатлари уларга тегишли бўлмайди. Чунки қўшма корхона ташкил қилинган, инвестициялашни бошлаган пайтдаги шароит ҳисобга олинади.

8.2. Солиқ қонунчилигини бузганлик учун қўлланиладиган молиявий жазолар, маъмурий ва жиноий жавобгарлик хусусиятлари ва уни оптималлаштириш

Солиқ қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик молиявий жазо сифатида, маъмурий ва жиноий жавобгарлик сифатида берилади. Улар алоҳида, шунингдек, бир вақтнинг ўзида қўлланилиши мумкин.

Молиявий санкциялар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 135-моддасига асосан қўлланилади. Солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун солиқ тўловчига нисбатан қўйидаги миқдорда молиявий жазо чоралари қўлланилади:

1) юридик шахсларнинг (шу жумладан, норезидентларнинг) резидент тижорат ташкилотларини истисно этганда, солиқ органида рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаши қўйидаги миқдорда жарима солишга олиб келади:

– агар фаолият ўттиз кунгача амалга оширилган бўлса - энг кам иш ҳақининг эллик баравари миқдорида, лекин бундай фаолият натижасида олинган даромаднинг (фойданинг) ўн фоизидан кам бўлмаган миқдорда;

– агар фаолият ўттиз кундан ортиқ муддатда амалга оширилган бўлса - энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдорида, лекин бундай фаолият натижасида олинган даромаднинг (фойданинг) эллик фоизидан кам бўлмаган миқдорда;

2) тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган жисмоний шахсларнинг солиқ органида рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаши энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорида жарима солишга олиб келади;

3) даромад (фойда) яширилган тақдирда солиқ тўловчидан яширилган даромаднинг (фойданинг) бутун суммаси ва яна шунча сумма миқдорида жарима ундирилади. Солиқ солинадиган бошқа объектлар яширилган

Лтақдирда солиқ тўловчидан яширилган солиқ солиш объекти учун олинадиган солиқ суммаси ва яна шунча сумма миқдорида жарима ундирилади.

Солиқ тўловчи юқоридаги ҳатти-ҳаракатларни молиявий жазо чораси қўлланилгандан кейин бир йил ичида такроран содир этган тақдирда ундан тегишли сумма ва яна шу сумманинг икки баравари миқдорида жарима ундирилади;

4) солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш учун зарур бўлган декларациялар, ҳисоб-китоблар ва ҳисоботларни тақдим этмаганлик, ўз вақтида тақдим этмаганлик ёки белгиланмаган шаклда тақдим этганлик учун солиқ тўловчидан тўлов муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун тегишли сумманинг бир фоизи миқдорида, бироқ тегишли ҳисобот даври учун илгари ҳисоблаб чиқарилган тўловлар чегириб ташланган ҳолда белгиланган тўлов муддатига тегишли тўлов суммасининг ўн фоизидан кўп бўлмаган миқдорда жарима ундирилади;

5) бухгалтерия ҳисобининг йўқлиги ёки уни белгиланган тартибни солиқлар ва йиғимлар бўйича ҳисоб-китобларнинг бузилишига олиб келадиган тарзда бузган ҳолда юритганлик учун солиқ тўловчидан қўшимча ҳисоблаб чиқарилган сумманинг ўн фоизи миқдорида жарима ундирилади;

6) фаолият турлари билан лицензиясиз шуғулланганлик учун шу фаолиятдан олинган бутун даромад (фойда) ва яна шунча миқдорда жарима ундирилади;

7) тadbиркорлик фаолиятини амалга ошираётган jisмоний шахслар ҳисоб-китобда акс эттирмаган ҳолда товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш операцияларини ўтказганлиги учун улардан ана шу товарлар (ишлар, хизматлар) қиймати миқдорида жарима ундирилади;

8) солиқлар ва йиғимлар бўйича тўлов муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун 0,07 фоиз миқдорида пеня ундирилади, тўлов кuni ҳам шунга киради. Пеня ундириш солиқ мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди;

9) ҳисобварақ-фактураларни:

– товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилинаётганда белгиланган тартибни бузган ҳолда расмийлаштирганлик учун, агар бу қонунбузарлик қўшилган қиймат солиғи тушмаслигига олиб келган бўлса, маҳсулот етказиб берувчидан реализация қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) қийматининг ўн фоизи миқдорида жарима ундирилади, ушбу банднинг учинчи хатбошисидида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

– қўшилган қиймат солиғи тўловчи бўлмаган маҳсулот етказиб берувчилар томонидан товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилинаётганда ҳисобварақ-фактураларда қўшилган қиймат солиғини акс эттирган тарзда расмийлаштирганлик учун маҳсулот етказиб

берувчилардан ҳисобварақ-фактурада кўрсатилган солиқ суммаси ҳамда худди шу суммага тенг миқдорда жарима ундирилади. Бунда товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) харидорлари қўшилган қиймат солиғи бўйича бюджет билан қайта ҳисоб-китоб қилмайдилар ва уларга нисбатан жарима жазоси қўлланилмайди;

10) ҳисобварақ-фактурани расмийлаштирмаганлик ёки ҳисобварақ-фактураларни белгиланмаган шаклда расмийлаштирганлик учун (солиқ тўловчининг идентификация рақами ва қонун ҳужжатларига мувофиқ назарда тутилиши шарт бўлган ҳолларда бошқа реквизитлари кўрсатилмаганлиги ёки нотўғри кўрсатилганлиги) ҳар бир нотўғри тузилган ҳужжат учун энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдориди жарима ундирилади;

11) ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилганидан каттароқ ўлчамдаги ер майдонларидан фойдаланганлик учун қуйидаги миқдорда жарима ундирилади:

- юридик шахслар учун ер солиғига тенг сумманинг икки баравари миқдориди;

- jisмоний шахслар учун бир ярим баравари миқдориди.

12) назорат-касса машиналарини ишлатиш мажбурий бўлгани ҳолда уларни ишлатмасдан савдони амалга оширганлик ва хизматлар кўрсатганлик, шунингдек, харидорга квитанция ёзиб бериш, талонлар ёки уларга тенглаштирилган бошқа чекларни бериш мажбурий бўлгани ҳолда бундай ҳужжатларни бермасдан товарларни реализация қилганлик ва хизматлар кўрсатганлик учун:

- юридик шахслардан энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдориди, ўша қилмишлар молиявий жазо қўлланилганидан кейин бир йил ичида такроран содир этилган тақдирда эса энг кам иш ҳақининг икки юз баравари миқдориди;

- якка тартибдаги тадбиркорлардан энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдориди жарима ундирилади;

13) техник талабларга жавоб бермайдиган назорат-касса машиналаридан фойдаланганлик, фискал хотирасининг хизмат кўрсатиши дастури бузилган назорат-касса машиналаридан фойдаланганлик учун юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлардан энг кам иш ҳақининг икки юз баравари миқдориди, ўша қилмишлар такроран содир этилганда эса энг кам иш ҳақининг беш юз баравари миқдориди жарима ундирилади;

14) деҳқон (озик-овқат) бозорларидаги стационар савдо шохобчаларидан ташқарида ноозик-овқат истеъмол товарларини реализация қилганлик учун якка тартибдаги тадбиркорлардан энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдориди жарима ундирилади;

15) реализация қилинган товарлар (хизматлар) учун олинган пул

тушуми суммасини даромадлар ва товар операцияларини ҳисобга олиш рўйхатларига кириш қилмаган ҳолда савдони амалга ошириш билан пуллик хизматлар кўрсатишга ушбу тартибдаги тадбиркорлардан энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдорида, ўша қилмишлар такроран содир этилганда эса энг кам иш ҳақининг эллик баравари миқдорида жазима ундирилади;

16) стационар савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари орқали аҳоли билан пул ҳисоб-китоблари амалга оширилади ва нақд пул тушумини яширган тақдирда юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлардан яширилган нақд пул тушуми миқдорида жазима ундирилади;

17) истеъмол товарларини улгуржи реализация қилишнинг белгиланган тартибини бузганлик учун юридик шахслардан (ишлаб чиқарувчи корхоналардан ва улгуржи етказиб берувчилардан) мазкур фаолиятдан олинган бутун даромад (фойда) ва яна шунча миқдорда жазима ундирилади.

Бундан ташқари, солиқ қонунчилигига риоя қилинишини назорат қилиш ва молиявий, маъмурий, жисоний жазоларнинг қўлланилиши бошқа ҳужжатлар билан ҳам бошқарилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 29 мартдаги «Янгидан ташкил этилаётган хўжалик субъектлари фаолияти устидан банк ва солиқ назоратини ўрнатилиши кучайтириш тўғрисида»ги Фармонида асосан савдо ва савдо-воситачи корхоналар томонидан уч ой давомида, бошқа хўжалик субъектлари томонидан - ой давомида молия-хўжалик фаолиятини банкдаги ҳисобрақамлари бўйича пул операцияларини ўтказиш орқали олиб бормаётган ҳолларда тижорат банклари қуйидагиларни амалга оширишлари шарт:

– банкдаги ҳисоб рақамлари бўйича операцияларни тўхтатиш (бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўтказиш бўйича операциялардан ташқари);

– пул операциялари тўхтатилганидан кейин уч кун ичида ҳисобга турган жойдаги солиқ органига юридик шахснинг фаолиятини давом эттиришининг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиши;

– Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва маҳаллий ҳукумат органлари давлат солиқ хизмати органларининг тақдиротида кўра банк ҳисобрақамлари орқали пул ўтказиш билан молия-хўжалик фаолиятини олиб бормаётган юридик шахсларни белгиланган тартибда хўжалик субъектлари реестридан чиқариши лозим.

Хўжалик субъектининг ҳуқуқий манзили ўзгарганлиги тўғрисидаги маълумот рўйхатдан ўтказувчи ва солиқ органига 10 кун муддатда хабар қилинмаган ҳолларда, хўжалик субъектининг мансабдор шахсларига нисбатан 10 карра энг кам иш ҳақидан 15 каррагача бўлган миқдорда

маъмурий жазо қўлланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 31 декабрдаги 490-сонли қарорига асосан «2002 йил 1 июлдан бошлаб қонунчиликда белгиланган муддатларда устав фондини шакллантирмаган хорижий инвестицияли корхоналар бутун фаолият даври учун қонунчиликда белгиланган барча солиқ ва тўловларни тўлиқ миқдорда ва имтиёзларни қўлламаган ҳолда тўлайдилар».

2002 йилда савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини янги тартибда солиққа тортишга тегишли, шунингдек, импорт товарларни олиб кириш ва сотиш бўйича бир қатор ҳукумат қарорларининг қабул қилиниши билан уларнинг бажарилишига тегишли қўшимча санкциялар ўрнатилди.

Давлат бозорхона қўмитасига товар хом ашё биржаларида истеъмол товарларини олиб кириш бўйича шартномалар ўтказиш фактлари аниқлаганларида ушбу товарларни белгиланган тартибда мусодара қилишга рухсат берилди (ВМнинг 2002 йил 19 июлдаги 257-сонли қарори).

Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси қошидаги солиқ ва валюта эсиноятларига қарши курашиши Департаментига юридик шахслар ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар томонидан белгиланган савдо қоидаларига риоя қилишни таъминлаш устидан қаттиқ назорат ўрнатиши, айниқса, товарларни нақд пулга улгурёси сотишга йўл қўймасликка, назорат касса машиналарининг мавжудлигига, нақд пулларни ўз вақтида инкассация қилишга эътибор қаратиш таъкидир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрдаги 414-сонли қарорига кўра Монополлаштиришдан қайтиш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Координация Кенгашининг рухсатсиз тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қонунчилигининг бузилиши ҳолларида ишлаб чиқарувчи, бажарувчи ва сотувчи бўлган жисмоний шахсга нисбатан 100 карра ЭКИХ миқдорида жарима солиш ҳуқуқига эга бўлди. Бу жарима фойдаланиш муддати ўтиб кетган ёки кўрсатилмаган товарлар сотилганда, касса чеки бермасдан савдо қилинганда, истеъмолчиларнинг мавжуд ҳуқуқларини бажаришдан бош тортган ҳолларда қўлланади. Қўмита бу жарималарни ўзлари ўтказган текишириш якуналари, шунингдек, истеъмолчиларнинг аризалари асосида, мониторинг натижаларига кўра қўллашлари мумкин.

Қасддан даромадларни яшириш ва юридик ва жисмоний шахсларнинг, солиқларни тўлашдан бўйин товлаш белгилари Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 23 октябрдаги 483-сонли қарори билан ўрнатилган учир

қўйидагилардир:

1. Хўжасатларни ўзгартириш (ўчириш, поқонуний тўғрилаш);
 2. Сохталаштирилган бирламчи бухгалтерия хўжасатларидан фойдаланиш
 3. Ишлаб чиқаришда фойдаланилмаган моддий харажатларни ҳисобдан чиқариш
 4. Корхонада ишламайдиган лекин иштатлар сонига киритилган шахсларга иш ҳақи ҳисоблаш орқали меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларини кўпайтириш;
 5. Сотиишдан тушумни ҳисобот давридан кейинги даврга ўтказиш (сотиш ҳажми ва даромадни қасддан камайтириб кўрсатиш);
 6. Моддий, ёқилғи-энергетик ресурслар, амортизацияни ҳисоблаш меъёрларини (лимитларини) сунъий кўтариш ёки нотўғри қўллаш;
 7. Хўжасатларни йўқ қилиш ёки уни кўрсатишдан бош тортиш;
 8. Сотииш жойларида тегишли равишда бухгалтерия ва бошқа хўжасатлар билан расмийлаштирилмаган маҳсулот (товарлар)нинг мавжудлиги;
 9. Давлат рўйхатидан ўтмасдан ва солиқ органига ҳисобга турмасдан хўжалик (тадбиркорлик) фаолиятини юритиш;
 10. Давлат солиқ органларининг ёзма ташириф қозоғи бўла туриб, икки ва ундан ортиқ манбадан даромад олувчи jisмоний шахслар томонидан даромадлар тўғрисидаги декларациянинг тақдим этилмаслиги.
- Ушбу қарорнинг 9-қисмига кўра яширилган ёки насайтирилган даромаднинг барча суммасини ундириш кўринишидаги молиявий жазо ва худди шу миқдордаги жарима фақат давлат солиқ органлари томонидан фақат хўжасатли текириш натижаларига кўра ва солиқ тўлашдан бош тортиш ёки қасддан даромад (фойда)ларни яшириш (насайтириш) белгилари мавжуд бўлган ҳоллардагина қўлланилади.
- Солиқ базасини ҳисоблашдаги солиқ қонунчилигининг бузилиши солиқ ҳисобларининг нотўғри тузилиши деб қаралади ҳамда молиявий жазо ва пенялар қўшимча ҳисобланган суммага нисбатан қўлланилади.
- Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, агар солиқ тўловчи солиқ қонунчилигининг бир неча қоидаларини бузган бўлса, молиявий жарималар ҳар бир қонунбузарликка нисбатан алоҳида қўлланилади. Агар молиявий жазога тортилган шахс молиявий тўловни амалга оширганидан сўнг бир йил ичида қайтадан солиқ қонунчилигини бузмаган ҳолда у қонуни бузган ҳисобланмайди.
- Аҳоли билан пулли ҳисобларни амалга оширадиган субъектлар томонидан назорат касса машиналаридан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун молиявий жарималардан ташқари маъмурий таъсир этиш чоралари ҳам кўрилади. Бу соҳадаги маъмурий чораларга рухсат гувоҳномаси ҳаракатини тўхтатиш ва бекор қилиш киради. Вазирлар

Маҳкамасининг 264-сонли қарорининг 3-қисмига асосан назорат касса машиналаридан фойдаланилмаганда ва нақд пуллар банкга топширилмаганда маҳаллий ҳокимиятлар солиқ органининг кўрсатмаси билан чакана савдо ва хизмат кўрсатиш рухсатномаларини 1 ойгача тўхтатади, қоидабузарлик такрорланганда рухсатнома бекор қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига «Солиқлар ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш» деган 184-модда мавжуд бўлиб, солиқ қонунчилигини бузиш учун жавобгарликни назарда тутати. Бундан ташқари «Савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларининг бузилиши» деб номланган 189-моддага кўра, шунингдек, 188 ва 190 моддаларга кўра мос равишда ноқонуний савдо ва воситачилик фаолият юритиш ва лицензиясиз фаолият юритиш бўйича жавобгарликка тортилади.

Солиқ қонунчилигини бузганлик учун жиноий жавобгарлик

Жиноят турлари	Жиноят субъектлари	Жазо турлари. Асосий жазолар кўрсатилган (муқобил равишда қўлланилади)			
		Жарима	Алоҳида ҳуқуқлардан маҳрум қилиш		Хибсга олиш
Савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини анча миқдорда бузиш, ҳудди шундай қоидабузарлик учун маъмурий ундириш қўлланилганидан сўнг такрор содир этилган бўлса (жиноят миқдори 30 дан 100 ЭКНХ гача бўлса)	Жисмоний шахслар	150 ЭКНХ гача	5 йилгача	Бир йилгача	-
Савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини катта миқдорда бўлса (1-мартга содир этилиши ва жиноят миқдори 100дан 300 ЭКНХ гача бўлса)		150дан 300гача ЭКНХ	-	Икки йилгача	-
Савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш: А) хавфли рецидивист ёки ЖКнинг 188 ва 190 моддаларида кўзда тутилган жиноятларни содир этган шахслар томонидан; Б) шахслар гуруҳи томонидан олдиндан келишилган ҳолда содир этилган бўлса		150дан 300гача ЭКНХ	-	Икки йилгача	-
Савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш ўта йирик ҳажмда бўлса (биринчи ва такрор содир этилиётган ва миқдори 300 ЭКНХ ва ундан юқори бўлса)		300дан 600гача ЭКНХ	-	-	6 ойгача
Даромад (фойда) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни яшириш камайтириб кўрсатиш, солиқ, йиғим, бож, тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаш, (тўланмаган сумма анча миқдорда ЭКНХдан 30дан 100 гача) бўлса (ЖК 184-модда)		50 баравар ЭКНХ	Мол мулк мусодара қилиниб	2 йилгача	6 ойгача
Шу қилмишлар такроран, йирик ҳажмда содир этилса (100дан 300 гача)		150дан 300 гача	Мол мулк мусодара қилиниб	2 йилдан 3 йилгача	3 йилгача
Ўта йирик ҳажмда бўлса (биринчи ва такрор содир этилаётган ва миқдори 300 ЭКНХ ва ундан юқори бўлса)		300дан 600гача ЭКНХ		2 йилдан 3 йилгача	3 йилдан 5 йилгача

Солиқ қонунчилигини бузганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик чоралари жисмоний шахсларга нисбатан қўлланилади (корхона раҳбарлари, мансабдор шахслар, сотувчилар, юридик шахс ташиқил топмасдан тадбиркорлик билан шугулланувчи жисмоний шахслар). Жиноий ва маъмурий жавобгарлик чоралари юридик шахсларга нисбатан молиявий жазо чоралари билан биргаликда ҳам қўлланилади.

Охириги йилларда солиқ қонунчилигини бузганлик учун молиявий, маъмурий, жиноий жавобгарлик чоралари анча қатъийлашган. Буни солиқ қонунчилигининг бузилиш ҳолларининг ниҳоятда кўплиги тақозо қилмоқда. Аммо шунга қарамай бундай ҳоллар учраб турибди. Бундай ҳолларнинг юзага келиш асл сабабларини йўқотиш чораларини кўриш зарур, булар солиқ тизимининг мураккаблиги, беқарорлиги, солиқ юкининг юқорилиги, корхоналар ўртасида (айниқса давлат корхоналари)ги ҳисоб-китобларда дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг кўпайиши, шунингдек, ишлаб чиқариш ва даромадлилик даражасининг пастлиги ва бошқа иқтисодий сабаблардир.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Солиқ қонунчилигини бузганлик учун юридик шахсларга нисбатан қандай молиявий жазолар қўлланилади?

2. Солиқ қонунчилигини бузганлик учун жисмоний шахсларга нисбатан қандай маъмурий ва молиявий жазо чоралари қўлланилади?

3. Савдо фаолияти билан шугулланувчи жисмоний ва юридик шахсларга нисбатан қандай молиявий жазо чоралари қўлланилади?

4. Қандай ҳолларда тадбиркорлар жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин?

5. Охириги йилларда молиявий жазоларнинг қўлланилишида қандай ўзгаришлар юз берди ва бу ўзгаришларнинг киритилиши мақсадга мувофиқми?

6. Солиқ қонунчилигини бузганлик учун молиявий жазолар мазмунини ва улар қўлланилишинининг оптималлаштириш мақсадида нималарни амалга ошириш зарур деб ўйлайсиз?

7. Солиқ қонунчилиги ва солиқ тизимини тартибга солувчи бошқа қонулардаги номувофиқликни кўрсатувчи ҳолатларга мисол келтира оласизми?

8. Солиқ тўловчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ муаммолар нималардан иборат?

Мавзу бўйича қўйилаётган муаммолар:

- *юридик шахслар даромад (фойда) солиғи базаси таркибига кирувчи ва чегирилувчи элементлар таркибини оптималлаштириш билан боғлиқ муаммолар;*
- *солиқ базаларини белгилашда инфляция индексини тўғри қўллаш муаммоси;*
- *давлатимиз солиқ сиёсатига хос бўлган солиқ базаларини хусусан, қўшилган қиймат солиғи, фойда солиғи, мол-мулк солиғи базаларини сунъий кенгайтириш анъаналарини камайтириш ва тўхтатиш масаласи; (солиқлар базаларига солиқларни киритиш ва солиқ объектини қайта баҳолаш орқали сунъий кенгайтириш).*

9.1. Солиқ базасининг иқтисодий моҳияти ва уни аниқлаш

Солиқ тушумлари миқдори ҳар бир давлатнинг солиқ қонунчилигига асосан белгиланадиган икки омилга, яъни: солиқ ставкаси даражаси ва солиқ базасининг кенглигига боғлиқ бўлади. Ҳўш, солиқ базаси нима; солиқ тушумлари миқдорига у қандай таъсир кўрсатади; унинг кенглиги ёки торлиги қандай аниқланади ва баҳоланади; унинг ҳажмсини белгилашга қандай иқтисодий, ижтимоий, сиёсий омиллар таъсир ўтказади?

Иқтисодий адабиётларда ва солиқ қонунчилигида “солиқ базаси” икки хил маънода, лекин бир-бирига яқин бўлган иқтисодий тушунчаларда берилади.

Биринчидан, солиқ базаси дейилганда барча солиқлар турларининг манбаи сифатида иқтисодиётда яратилаётган даромадлар, товарлар (иш, хизматлар) обороти, ер майдони, мулклар қиймати, қўшимча қийматлар, жисмоний шахслар даромадлари тушунилади. Бундай маънодаги солиқ базасининг кенгайиши иқтисодий ривожланишнинг ижобий кўрсаткичи ҳисобланади. Бунда нафақат бюджет даромадлари кўнаяди, балки уларга зарар етказмаган ҳолда солиқ ставкаларини пасайтириш ва шу орқали хўжалик субъектлари даромадларини ҳам кўпайтириш, улар зиммасидаги солиқ юқини камайтириш имконияти пайдо бўлади. Демак, бюджет даромадларини кўпайтиришнинг муҳим шартларидан бири фақат солиқ ставкасини кўтариш эмас, солиқ тушумлари манбалари сифатида солиқ базасининг кенгайишига иқтисодий чоралар билан таъсир ўтказишдир. Солиқ базаси кенгаймас экан, солиқ ставкаси қапчалик юқори бўлмасин, солиқ тушумларини кўпайтирмайди.

Солиқ базасининг иккинчи маънодаги тушунчаси ҳар бир алоҳида олинган солиқ тури бўйича унинг объектига кирувчи элементлар

ийгиндисини, ифодалайди. Ҳар бир давлатнинг иқтисодий тузуми ва иқтисодий имкониятларига қараб солиқ базасига кирувчи солиқ объекти элементлари турлича бўлиши мумкин. Даромад солиғи базасига кирувчи айрим даромад турлари бошқа давлатда худди шу солиқ базасига киритилмаслиги мумкин. Бу ерда шунга эътибор бериш лозимки, биринчи маънодаги солиқ базасининг кенгайиши бир вақтнинг ўзида ҳам давлат бюджетининг ҳамда хўжалик субъектларининг даромадларининг кўпайишига олиб келади. Солиқ объектига кирувчи элементлари таркиби сифатидаги (иккинчи маънодаги) солиқ базасининг кенгайтирилиши бюджет даромадларини кўпайтиради, аммо бу солиқ тўловчи даромадининг камайиши эвазига бўлади. Солиқ базасидан айрим элементларнинг чиқарилиши эса аксинча бўлади. Яъни ички маҳсулот ўзгармаган ҳолда ҳамда солиқ ставкаси ошмаган ҳолда солиқ базасининг бундай кенгайтирилиши солиқ тушумларини сунъий равишда кўпайтиради. Солиқ тушуми ва солиқ базасининг бундай кўпайиши иқтисодий ривожланишнинг салбий кўрсаткичи ҳисобланади. Чунки бюджет даромадларининг кўпайиши бунда миллий ЯИМнинг ошиши ҳисобига эмас, балки хўжалик субъектлари зиммасидаги солиқ юқининг ортиши, истеъмолга ёки ишлаб чиқаришни кенгайтиришга сарфланиши мумкин бўлган маблағлар ҳисобига бўлади.

Биз солиқ объекти элементлари сифатидаги солиқ базасини шаклланиш хусусиятлари ва уларни оптималлаштириш устида тўхталиб ўтамиз.

Бу маънодаги солиқ базасининг кенгайиши ёки камайишига, солиқ имтиёзларини бекор қилиш ёки қўшимча солиқ имтиёзларини жорий этиш, солиққа тортиладиган ва тортилмайдиган объектлар ҳажми ҳам таъсир этади. Ривожланган европа давлатлари ва ривожланаётган давлатлар солиқ тизимида мавжуд бўлган даромад солигининг базасига кирувчи объектлар таркиби бир-биридан анча фарқ қилади. Кўп ҳолларда ривожланаётган давлатларда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам маълум даромадни олиш учун қилинган айрим харажатлар, даромад сифатида солиққа тортилади. Бунда бу харажатнинг айнан ишлаб чиқариш ва шу даромадни олиш билан бевосита ёки билвосита боғлиқлиги, ёки шахсий истеъмол билан боғлиқлиги мезон қилиб олинади. Бу давлатларда иқтисодий имкониятлар чегараланганлиги, молиявий ресурсларнинг етишмаслиги натижасида маблағларнинг истеъмолга эмас, балки ишлаб чиқаришни кенгайтиришга сарфлашнинг рағбатлантириш ёки самарасиз ишлатилишига йўл қўймаслик, шу билан бир вақтда бюджет даромадларини кўпайтириш мақсадида баъзи юридик ва эҳисмоний шахслар харажатлари ҳам даромад сифатида солиқ базасига киритилади.

Шунинг учун ҳам, солиқ ставкаларининг халқаро миқёсда таққосланувчанлигини таъминлаш мақсадида солиқ ставкаларини

тегишли солиқ турлари бўйича халқаро миқёсдаги даражаларига яқинлаштириши билан унинг таққосланувчанлигини тўлиқ таъминлаб бўлмайди. Чунки солиқ базасига кирувчи элементлар таркиби бир-биридан анча фарқ қилади. Бундай фарқланишлар юқоридаги иқтисодий-ижтимоий сабаблардан ташқари иқтисодий тузумнинг хусусиятлари, мулкка нисбатан ижтимоий психологик қараишлар, шахсларнинг истеъмоли эҳтиёжлари даражаси ва уни қондириш имкониятларига ҳам боғлиқ бўлади. Шундай қилиб солиқ тушумлари миқдори солиқ ставкаларигагина эмас, кўпроқ даражада солиқ базасига ҳам боғлиқдир.

Аммо ҳар қандай иқтисодий, ижтимоий шароитда ҳам эҳисмоний ва юридик шахслар даромад солиқлари, қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи, мол-мулк солиғи каби солиқлар базаларига кирувчи элементларни белгилашда адолат мезонлари нуқтаи назаридан келиб чиқиш, солиқ тўловчи манфаатларига путур етказмаслик; солиқ юкига таъсир кўрсатмаслик; солиқ назарияси талабларини эътиборга олиш каби тамойилларга риоя этиш солиқ муносабатларини оптималлаштиришнинг муҳим шартларидан ҳисобланади.

Худди шундай талаблардан келиб чиққан ҳолда, бизнинг республикаимиз солиқ тизимида ҳам юридик шахслар даромад (фойда) солиғи, эҳисмоний шахслар даромад солиғи, ҚҚС, мол-мулк солиғи каби солиқларнинг солиққа тортиш базасига кирувчи элементларни қайта кўриб чиқиш, бунда реал даромадларни ва реал харажатларни эътиборга олиш, қўшимча яратилган қийматнинг реал таркибини белгилаш; уларнинг аниқлигини таъминлаш ва соддалаштириш (англашилмовчиликларнинг юзага келишига йўл қўймаслик); уни муқим ҳолатга келтириш орқали солиқ тушумларини кўпайтиришга эришиш солиқ ислохотларини амалга оширишнинг ҳозирги босқичидаги энг долзарб муаммо ҳисобланади.

9.2. Солиқ базаларнинг амалдаги шаклланиш ҳолатини таҳлили ва унга иқтисодий баҳо бериш

Қуйида биз юридик шахслар даромад (фойда) солиғи, ҚҚС, базаларининг шаклланиш хусусиятлари, ундаги муаммолар ва камчиликлар ҳамда уларни такомиллаштириш йўналишлари билан танишиб чиқамиз.

Юридик шахслар даромад (фойда) солиғи базаси Ўзбекистон солиқ тизими ташкил этилганидан бошлаб бир неча марта ўзгарди. Дастлаб 1991 йил 15 февралдан “Корхона ва ташкилотлардан ундириладиган солиқлар тўғрисида”ги қонунга асосан фойда солиғи жорий этилди. Солиқ базасига корхона фойдаси киритилди. Солиқ ставкаси анча юқори 45% эди. Сўнгра даромад солиғи жорий этилиб, унинг базасига фойда ва иш ҳақи киритилди. Солиқ ставкалари анча пасайтирилиб, тармоқ хусусиятларига

кўра турлича қилиб белгиланди (18% ва 25%). 1995 йил 1 январдан корхоналар ихтиёрида қоладиган даромадни кўпайтириш мақсадида фойда солиғига ўтилди ва иш ҳақи солиқ базасидан чиқарилди. Аммо бунда корхоналар ихтиёрида қоладиган фойда кўпаймади, аксинча камайди, ундириладиган солиқ эса кўпайди. Чунки солиқ базаси меёрлар даражасидаги иш ҳақиға камайди (у даромаднинг 15-20%ни ташиқил этар эди), меёрдан ошган қисми солиқ базасига киритилди. Солиқ умумий ставкаси эса 2 мартадан кўпроқ ошди ва 38% қилиб белгиланди. Фойда ва иш ҳақи ўртасидаги бу нисбат охирги йилларда тесқари томонга ўзгарди. Бу ўзғариш айниқса меҳнат ресурсларини ва жисмоний меҳнатни кўп талаб қилувчи соноат, ишлаб чиқариш ва қурилиш тармоқларида яққол сезиларли бўлади. Бунга сабаб корхоналар абсолют фойдасининг йилдан-йилга камайиши, меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларининг эса инфляция таъсирида йилдан-йилга ўсиши бўлди. Натижада солиқ базаси таркибида фойдага нисбатан меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари кўпроқ суммани ташиқил этмоқда. Шунинг учун ҳам корхона фойдаси камайиб боришига қарамай, фойда солиғи базаси камайгани йўқ, балки аксинча йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Яъни корхона реал даромади (ҳисобот фойдаси) ва солиқ базаси ўртасидаги фарқ йилда-йилга ўсиб бормоқда. Бу фарқ меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларидан ташиқари белгиланган меёрлардан ошувчи, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган харажатларнинг ҳамда бошқа фойда солиғи базасига қайта қўшилувчи давр харажатларининг кўпайиши билан ҳам юзага келмоқда.

Ҳозирги пайтда фойда солиғи базасининг шаклланиши 1995 йилдан эсқорий этилган 1999 йилда (февраль) қайта ишланган «Маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқариш ва сотиш таннархиға кирувчи харажатлар таркиби ва молиявий натижаларнинг шаклланиши тўғрисида»ги Низомға асосан амалға оширилади. Унга кўра фойда солиғи базаси корхона ҳисобот фойдасига (корхонанинг 2- шакл “Молиявий натижалар” тўғрисидаги ҳисоботнинг 170 қаторида кўрсатилади, «Солиққа тортилгунга қадар бўлган молиявий натижа») юқоридаги Низомнинг I-иловасида кўрсатилган харажатлар моддаларининг қўшилиши, 2-илова харажатлари қўшилади ёки айрилади (давр бўйича тафовут) ва солиқ имтиёзларининг айирилганига тенг бўлади.

Ҳозирги пайтда юридик шахслар даромад (фойда) солиғи базасини аниқлашдаги энг катта муаммо тегишли даромадни олиш учун қилинадиган харажатларни, чегирмаларни тўғри белгилашдир. Бунинг учун уни илмий таҳлиллар, амалий натижалардан хулосалар асосида аниқлаш, бунда тармоқ, соҳа хусусиятларига эътибор бериш ва унинг, иқтисодиёт учун маълум даврдаги аҳамиятини ҳисобға олиш, меёрларни оптималлаштириш каби асосларда қайта кўриб чиқиш лозим. Бунда ҳақиқий реал фойда солиқ базасига киритилиши лозим. Аммо шу “ҳақиқий

фойда”ни аниқлашда хўжалик субъекти нуқтаи назаридан ва солиқ қонунчилигига асосан фойда солигига тортиш тартибига кўра бошқа - бошқа суммаларининг ҳисобланишига олиб келади. Улар ўртасида оптимал ҳолатни таъминлаш анча мураккаб. Юқорида келтирилган Низомнинг 1-иловасига асосан қайта қўйиладиган харажатлар таркиби 48 банддан иборат бўлиб, улар ишлаб чиқариш таннархига кирувчи айрим харажатлар, меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари, ишлаб чиқариш тусидаги бошқа харажатлар, давр харажатлари, молиявий фаолият бўйича харажатлар, товар моддий бойликларни қайта баҳолаш билан боғлиқ харажатлар бўлишларига бўлинади.

Бу харажатларнинг асосий қисмининг солиқ базасига киритилиши тўғри деб ҳисоблаймиз. Чунки солиқ базасини белгилашда бундай механизмнинг қўлланилиши хўжалик субъектларида шаклланадиган молиявий ресурсларнинг ҳозирги иқтисодий тикланиш босқичида самарасиз ёки истеъмолга (инвестицияга ёки ишлаб чиқаришни кенгайтиришга эмас) ишлатилиб кетишининг олдини олади. Корхоналарнинг солиқдан қочиш мақсадларида харажатларни кўпайтириб солиқ базасини камайтириб кўрсатишларига йўл қўйилмайди. Бундай харажатларнинг солиқ базасига киритилиши юридик шахсларни солиқ ва бошқа қонунчиликка риоя этишда масъулиятни оширишга, ортиқча нобудгарчиликка йўл қўймасликка, атроф-муҳитни ортиқча ифлослантирмасликка, истеъмолни кўпайтирмасликка ва бошқаларга солиқ механизми орқали таъсир ўтказиш воситасидир.

Бозор иқтисодиёти шароитида бошқаришнинг маъмурий эмас, юқоридаги иқтисодий усуллари ҳукмрон бўлиши зарур. Бозор қонунлари тўла амал қилган шароитда, хусусий мулкчилик ҳамда хўжалик субъектларининг ўз иқтисодий манфаатлари учун, ўз мулки, келажаси учун кучли масъулият бўлган шароитда бундай харажатларни чеклаш орқали солиқлар тушумини тартибга солишга бошқаришга ҳоҳшат қолмайди. Қилинган ҳар бир сўм харажатнинг келажакдаги самараси учун кучли кураш олиб борилади. Аммо ҳозирги пайтда бизнинг иқтисодий шароитимизда бундай омилларнинг ишламаслиги сабабли даромад солиги базасининг тегинли тартибини ўрнатиш орқали корхоналар шахсий истеъмолини бошқаришда чеклаш ва бошқа фаолиятлари тартибга солинади. Албатта, ҳар қандай харажат корхона реал даромадини пасайтиради. Аммо уларни айнан шу солиққа тортилиши лозим бўлган даромадни топиш учун қилинган харажатларга ва фойданинг ишлатилиши (тақсимланиши) тартибдаги, яъни соф фойдадан қилинадиган харажатларга тақсимлаш лозим бўлади. Корхоналар айрим харажатларининг солиқ базасига киритилиши ҳудди шунга асосланади.

Лекин муаммо шундаки, уларнинг баъзилари ўртасида қатъий белгиланган чегара йўқ. Фойда солиги базасига қайта қўйилувчи

харажатлар таркибининг айримларини ҳудди шундай гуруҳга қўйиш мумкин. Шунинг учун бу гуруҳ харажатлар устида мунозара юритиш мумкин. Яъни уларга даромад сифатида қараш тўғрими ёки харажат сифатида қараш адолатдан бўладими? Бу харажатлар корхона истеъмоли учун сарфланган харажат (капитал) ҳисобланмайди, корхона учун у сўзсиз харажат. Аммо шу қилинган харажатга нисбатан солиқ ставкаси фойизи миқдориди яна қолган фойдасининг камайтирилиши корхона учун албатта зарар, шунинг учун хўжалик субъекти солиқ базасининг бундай белгиланишига норози бўлиши табиий. Аммо (солиққа тортиш) давлат бюджети манфаатлари нуқтаи назаридан бошқача фикр айтиш мумкин, яъни бунинг сабаблари биз юқорида айтиб ўтган ҳолатлардан ташқари, яна мамлакатимизда ҳали бозор қонуनларининг тўла амал қилмаслиги, хўжалик юритишнинг баъзида эски усулларининг сақланиб қолinganлиги, корхонанинг келажакдаги ривожланишига бўлган ва мулкый маъсулиятнинг нисбатан сустлиги бундай чеклашлар қилишни тақозо этади. Аммо солиқ базасини белгилашда солиқ тўловчилар имкониятларини ҳаддан ташқари чеклаб қўйиш, уларнинг келажакда даромадларини кўпайтиришдан бўладиган манфаатдорлигини сусайтиришга, хўжалик-молиявий фаолиятни юритишдаги эркинликнинг пасайишига олиб келади. Шунинг учун солиқлар орқали бундай тартибда бошқаришга эҳтиёткорлик билан ёндашиш зарурки, бунда бюджет даромадларининг асосий манбаи бўлган юридик шахслар ва хусусий тадбиркорларнинг молиявий барқарорлиги сақланиши лозим. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, солиқ базасига киритиладиган харажатларнинг бир қисмининг тўғрилига қўшилган ҳолда уларнинг айримларига эътирозларимизни кўрсатиб ўтамиз. Аввало амалдаги солиқ қонунчилигига кўра, солиқ базасининг шаклланиш жараёнида солиқ базасининг амалда юзага келган таркибини кўриб чиқамиз.

Биз томондан тўрт хил яъни ишлаб чиқариш, қурилиш, хизмат кўрсатиш, транспорт корхоналарида олиб борилган таҳлиллар натижаларига кўра юридик шахслар даромад (фойда) солиғи базаси таркибида йилдан-йилга корхона ҳисобот фойдаси камайиб фойда солиғи базасига қайта қўшилувчи харажатлар миқдори кўпайиб бормоқда. Буни қуйидаги маддал маълумотларидан кўриш мумкин.

13-жадвал

Юридик шахслар даромад (фойда) солиғи базаси шаклланиш динамикаси таҳлили¹²

(млн. сўм)

Тармоқ	2001 й	2002 й	2003 й
--------	--------	--------	--------

¹² Ҳар бир тармоқ бўйича бешта корхона маълумотларининг ўртача ҳисоби асос қилиб олинган.

корхоналари бўйича кўрсаткичла р	Фойда солиғи базаси шу жумладан		фойда солиғи базаси шу жумладан		фойда солиғи базаси шу жумладан	
	ҳисобот фойдаси	Солиқ базасига кирувчи харажатлар	ҳисобот фойдаси	солиқ базасига кирувчи харажатлар	ҳисобот фойдаси	Солиқ базасига кирувчи харажатлар
1.Ишлаб чиқариш	39	61	22	78	20	80
2. Қурилиш	25	75	17	83	19	81
3. Транспорт	60	40	55	45	42	58
4.Хизмат кўрсатиш	91	9	93	7	89	11

Солиқ базасига кирувчи харажатлар таркибининг таҳлили¹³

(% ҳисобида)

Йиллар	2001 й.			2002 й.			2003й.		
	Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари	Пеня ва жарима-лар	Бошқа харажат-лар	Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари	пеня ва жарималар	Бошқа харажатлар	Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари	Пеня ва жарималар	Бошқа харажатлар
Корхоналар									
1. Ишлаб чиқариш	40	15	45	49	28	23	75	20	5
2. Қурилиш	47	30	23	60	24	16	54	28	18
3. Транспорт	10	28	62	14	20	66	22	0	78
4. Хизмат кўрсатиш	15	25	60	29	10	64	30	24	46

Жадвалда кўриб турганимиздек, йилдан йилга корхоналар солиқ базаси таркибида корхона томонидан қилинган харажатларнинг миқдори ошиб бормоқда.

9.3. Солиқ базасини шаклланишини оптималлаштириш масалалари

Мамлакатимизда меҳнатга ҳақ тўлаш шаклидаги харажатлар ҳамда амортизация ажратмалари маҳсулот (иш, хизмат) таннархи таркибига кириб, нарх структурасининг бир қисmini ташкил этади. Аммо улар белгиланган меъёрлардан ошган қисмида фойданинг бир қисmini ташкил этмасида фойда солиғи базасига киритилади. Меъёрлар доирасидаги қисмида таннархнинг ошиши эса ишлаб чиқариш ва сотиш монополияси (рақобат бўлмаганда) шароитида фойда суммасига таъсир кўрсатмайди ва нархни оширади. Ривожланган давлатлар солиқ тизимида амортизация ажратмалари нормалари доирасида ва меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари тўлиқ суръатда фойда солиғи базасидан чиқарилади. Чунки, иш ҳақидан шахсий даромад сифатида даромад солиғи тўланади. Бу харажатлар

¹³ Ҳар бир тармоқ бўйича бешта корхона маълумотларининг ўртача ҳисоби асос қилиб олинган.

фойданинг (даромаднинг) бир қисми ҳисобланади ва маҳсулот (иш, хизмат) нархини оширмайди.

Даромад солиғи тўловчилар учун фойда ва иш ҳақи ўртасидаги чегара йўқолади. Чунки улар биргаликда даромад солиғи базасини ташиқил этади. Агар фойда солиқ базаси бўлса, у ҳолда иш ҳақини белгилаш ва меъёрлаштириш лозим бўлади. Даромад солиғида эса уни чегаралашнинг ҳождати йўқ.

Мамлакатимизда банк, сугурта ва бошқа баъзи ташкилотларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларидан тўлиқ суръатда, бошқа корхоналарда эса меъёрдан ортиқчаси (тариф ставкаларига исосан ўрнатилган окладлардан ташқари) дан 18 фоизи корхона ихтиёридаги фойдани камайтиради. Сўнгра иш ҳақларидан жисмоний шахслардан даромад солиғи ундирилади.

Айтайлик, корхона йил давомида 10 млн. сўм меъёрдан ортиқча меҳнатга ҳақ тўлаш шаклидаги харажатларни қилган. У ҳолда корхона ўз фойдасидан қўшимча 1,8 млн. сўм фойда солиғи тўлайди (10 млн. сўмдан 18 фоиз). 10 млн. сўм иш ҳақи олган жисмоний шахслардан яна 3 млн. сўм атрофида даромад солиғи ундирилади (қўшимча иш ҳақлари энг юқори шкалага тўғри келади). Бундан ташқари Меҳнат ҳақи фондидан 33% миқдорида ягона ижтимоий тўлов тўланади (3,3 млн.сўм). Бу сумма ҳам фойда солиғи базасига қайтадан қўшилади (яна 0,65 млн. сўм фойда солиғи тўланади). Демак жами 10 млн. сўмлик меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларига нисбатан яна қўшимча 8,75 млн. сўм атрофида солиқлар ва ажратмалар тўланади. Фойда эмас даромад солиғини тўловчилар бундан ҳам кўпроқ тўлайдилар. Бундан ташқари, бу қўшимча иш ҳақига ҳисобланган солиқ ва ажратмалар таннарх таркибига киритилади ва нарх структурасини шакллантиради (маҳсулот нархи ошади), бу эса таннарх ва тушумга нисбатан ҳисобланадиган солиқларнинг ҳам кўпайишига таъсир қилади. Бу ҳолатлар ўз навбатида рентабелликнинг ва фойданинг камайишига олиб келади.

Маълум бир даврди яратилган даромаддан (даромад эгаси ўзгаради) 2 марта солиқ ундирилади, яъни даромад (фойда) солиғи ва жисмоний шахслар даромад солиғи. Бундан ташқари корхона учун иш ҳақлари тўлаш харажат ҳисобланар экан, уни корхона даромади сифатида солиққа тортишнинг нима зарурияти бор. Бу бизнинг бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳозирги босқичида, ўзига хос иқтисодий шароитимиздаги солиқ воситасида иқтисодни тартиблаш йўналишларидан бири бўлиб, у бюджетни даромадлар билан таъминлаш ва ўзига хос тартибда иш ҳақларини, аниқроғи истеъмол фондларини ва корхоналар молиявий ресурсларини йўналишларини бошқаришнинг бир усулидир. Солиқлар орқали бундай истеъмолни бошқариш механизмнинг қўлланилишини таҳлил этиш, унинг ижобий ва салбий томонларини солиштириш лозим

бўлади. Кўплаб иқтисодчилар томонидан бундай амалиётнинг қўлланилиши танқид қилинади, айниқса бундай тартиб умуман қўлланилмайдиган иқтисодиёти ривожланган давлатлар иқтисодчилари томонидан. Чунки, «Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, БМТнинг халқаро тараққиёт бўйича АҚШ агентлиги (ЮСЭЙД) ва Германия ҳукумати Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига солиқ тизимини ислоҳ қилиш юзасидан қатор таклиф ва мулоҳазалар билдирдилар (1997). Улардан бири қуйидагича эди:

– фойда (даромаддан) солиқ тўловида солиқ базасидан иш ҳақи бўйича қайта қўшилувчи қаторларни чиқариб ташлаш. Даромаддан солиқ фойда ва иш ҳақидан олинadиган солиқ бўлмай фақат реал даромаддан олинadиган солиқ бўлиши лозим» (22, 26-бет).

Россияда ҳам меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари чегараланган бўлиб, меъёрдан ошган қисми фойда солиғи базасига киритилар эди. 1996 йилдан бошлаб бундай тартиб бекор қилинди. У ўзининг ижобий ва салбий оқибатларини кўрсатди. Д.Г.Черник фикрича, унинг ижобий томонлари шундаки “тадбиркорлар, акциядорлик жамиятлари ва корхона раҳбарларига, меҳнат жамоаларига фойдага эгалик қилишга иқтисодий эркинлик берилди, иш ҳақларининг сезиларли даражада ошиши юз берди. Лекин унинг салбий натижалари ҳам кўринди: биринчидан, бюджет даромадлари сезиларли камайди. Фойданинг, бинобарин фойда солиғининг қисқариши юз берди. Ишлаб чиқаришни кенгайтиришга йўналтириладиган фойда қисқарди. Бюджет даромадларининг камайишининг бир қисми ва биров вақтдан кейин қўшимча жисмоний шахслар даромад солиғи, ижтимоий жамғармаларга ажратмалар ҳисобидан қопланди» (25, 241-бет).

Меъёрдан ортиқча иш ҳақларининг фойда солиғи базасига киритилишини тақозо этувчи сабаблардан бири шундаки бизнинг иқтисодий шароитимизда бу ҳолат юридик шахслар, соҳалар ва тармоқлар ўртасида даромадларнинг қайта тақсимланиш вазифасини ҳам бажаради. Чунки ҳозирги пайтда нафақат аҳолининг даромадлари бўйича табақаланиши, балки турли тармоқларда иш ҳақларини тўлаш бўйича катта фарқлар юзага келган. Кўп ҳолларда бу ишлаб чиқарувчилар, миллий даромадни яратувчилар ҳиссасига эмас (қишлоқ хўжалиги, саноат, қурилиш), балки хизмат кўрсатиш (банк, сугурта, савдо, маънавий хизмат) соҳаларига тўғри келади. Иш ҳақларининг солиқ базасига киритилиши эса юқори даромад оладиган ва ўз ходимларига юқори иш ҳақлари тўлайдиган ташкилотлар даромадларини қўшимча фойда солиғи ҳисобига қайта тақсимлайди. Бу ижтимоий харажатлар учун манба бўлади. Бу ҳолда солиқлардан турлича даромад олувчилар даромадларини бошқарувчи восита сифатида фойдаланилади.

Агар иш ҳақлари фойда солиғи базасидан чиқарилса у ҳолда республикамизда ҳам иш ҳақларининг кескин ошиши юз беради. Буни истеъмол даражасининг настилиги тақозо қилади. Истеъмол даражасининг ошиши, уни мамлакат ичида ишлаб чиқарилган маҳсулотлари билан қондириш имконияти бўлгандагина иқтисодиёт ривожланишига изобий таъсир этиш мумкин. Бундай имконият бўлмаганда эса истеъмолнинг ошиши республикамиз иқтисодиётида қуйидаги ҳолатларга олиб келади:

1) юзага келган қўшимча истеъмолнинг қондирилмаслиги истеъмол товарлари нархларининг ошишига олиб келади. Натижада иш ҳақларининг ошиши реал даромадни таъминламайди;

2) иш ҳақларининг ошиши ҳисобига юзага келган қўшимча истеъмол хориждан келган истеъмол товарлари ҳисобига қондирилиши аввало миллий валютанинг қадрсизланишини кучайтиради. Тўғри бунда қўшимча бозехона бозелари, акқиз, ҚҚС каби солиқлар ундирилади, савдо билан шугулланувчилар ўз даромадларидан солиқ тўлашлари билан бюджетга қўшимча даромадлар келиб тушади. Бундан хатто бюджет вақтинча кўпроқ даромад кўриши мумкин. Аммо бу келажакда даромадлиликни таъминламайди, энг асосийси мамлакат ичкарасидаги ишсизлик, пул қадрсизланиши, миллий ишлаб чиқариш корхоналарини ривожлантириш каби иқтисодий муаммоларни ҳал қилмайди.

Шунинг учун ҳам ҳозирги даврда истеъмол фондларини бошқариш мақсадида иш ҳақларини фойда солиғи базасига киритиш вақтинчалик бўлсада зарур. Аммо, истеъмол даражасини бошқаришда уни ҳаддан ташқари чегаралаш аҳоли харид қобилиятини ниҳоятда камайитириб, турмуш даражасини кескин пасайитириб юборади. Биз таҳлилларда кўрдикки, ишлаб чиқариш корхоналарида фойда солиғи базасининг 2000 йилда 80 фоизини солиқ базасига қайта қўшилувчи харажатлар ташкил этган бўлса шундан 75 фоизи меҳнатга ҳақ тўлаш шаклидаги харажатлардир. Савол туғиладики, нима учун айнан ишлаб чиқариш корхоналарида бундай харажатлар кўпроқ қилинади. Гап шундаки бу соҳа биринчидан, ишчи кучини кўпроқ талаб этади; иккинчидан, жисмоний оғир меҳнат талаб этади; учинчидан, бу соҳада савдо, маиший хизмат, транспорт соҳаларидаги каби нақд пул айланмаслиги сабабли иш ҳақлари бўйича даромадларни яшириш мумкин эмас. Бундай шароитда иш ҳақлари оширилмаса ишчиларни меҳнатга жалб қилиш мумкин бўлмайди, чунки ўрнатилган меъёрлар уларнинг ўртача яшаш даражасини таъминлай олмайди. Бу ҳолат корхона реал фойдасини камайитиришидан ташқари, бу харажатларнинг солиқ базасига киритилиши сабабли солиқ юқини бу соҳада янада кучайтиради. Шунинг учун ҳам иқтисодиёт юксалишида ва бошқа иқтисодий муаммоларнинг ҳал қилинишида ишлаб чиқариш корхоналарининг аҳамиятини эътиборга олган ҳолда бундай корхоналарда

иш ҳақлари, меъёрларни зарур даражада кўтариш лозим. Бу меъёрларни Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Вазирлиги қайта кўриб чиқиши зарур.

Даромад (фойда) солиғи базасига қўшилувчи харажатларидан бири яъни хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш соҳаси ишчилари ва бошқа ходимлари меҳнатига харажатлар бўйича айримларини масалан, ходимларга бериладиган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ёки хўжалик юритувчи субъектнинг умумий овқатланиш-ёрдамчи хўжаликлар тайёрлайдиган маҳсулотлар нархлари бўйича тафовутларни солиқ базасига киритиш нотўғри деб ҳисоблаймиз. Бу тафовутлар жисмоний шахсларнинг солиққа тортиладиган ҳамаи даромадларига киритилади. Корхоналар учун бу ерда даромад йўқ. Болаларни тарбиялаётган аёллар таътилига қонунчиликка мувофиқ ҳақ тўлаш харажатлари тўғрисида ҳам ҳудди шундай дейиш мумкин.

Иқтисодиёти ривожланган давлатларда истеъмолни қондириш билан боғлиқ муаммоларнинг йўқлиги, бюджет даромадларининг юқорилиги истеъмол фондларини чегаралашни талаб этмайди. Аксинча, талабнинг ва истеъмолнинг ошиши корпорацияларнинг гуллаб-яшнаши учун имконият беради. Бундай шароитда фойда солиғи базасига меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларини киритишга умуман ҳожат бўлмайди ва реал фойда солиқ базаси ҳисобланади. Ҳар қандай барқарор иқтисодиёти бўлган давлатда фақат реал фойда солиқ базаси бўлиши лозим.

Фойда (даромад) солиғи базасига кирувчи харажатлар таркибидаги пеня ва жарималар устида тўхталиб уларни таҳлил этиш зарур. Чунки бу ҳолат ҳам анча мунозаралидир. Жарима ва пенялар асосан солиқ қонунчилиги ва бошқа қонунларни бузилганида; бошқа корхоналар билан тузилган шартномалар бузилганида қўлланилади.

Корхона томонидан тўланган жарима ва пеняларнинг солиқ базасига киритилишига қўшилиш мумкин. Чунки, бу механизм орқали корхона молиявий-хўжалик фаолиятини юритишда қонунчиликка риоя этиши, хатоларга йўл қўймаслиги, қонунни бузмаслик масъулияти тартибга солинади. Бунда тўланган жарима ва пенялар суммасига корхона фойдаси камаяди. Қолган фойда яна пеня ва жарималарнинг 20 фоизига камаяди. Бошқача қилиб айтганда, корхоналар 2 марта эсазога тортилади.

Лекин, бошқа томондан олиб қараганда, жарима ва пенялар корхоналар реал даромадларини камайтиргани ҳолда, фойда солиғи базасига киритилиши оқибатида қолган молиявий ресурсларнинг (фойданинг) ҳам камайишига олиб келади. Натижада корхонанинг молиявий аҳволи йилдан-йилга оғирлашиб, корхонанинг инқирозга учрашига, қарзларидан эса мулкларини сотиб қутилишига тўғри келади. Бюджетнинг яна бир даромад манбаи тугатилади.

Бундан ташқари, кўп ҳолларда молиявий жарима ва пеняларнинг юзага келиши корхоналарга боғлиқ бўлмаган субъектив сабаблар билан

боғлиқлигини эътиборга олиш зарур деб ўйлаймиз. Солиқ қонунчилигига тўхтовсиз қўшимчаларнинг киритилиши, уларнинг ўз вақтида жойларга етиб бормаслиги; бунинг устига бу ўзгартиришлар ўтган ойлар санасидан бошлаб кучга киритилиши; йўриқномаларда берилган тушунчаларнинг аниқмаслиги ва юзага келадиган тушунмовчилик, англашилмовчиликларга аниқ жавоб бермаслиги шундай сабаблардандир. Чунки атайлаб солиқдан қочиб мақсадда даромадларни яшириш ҳоллари камдан-кам бўлади, айниқса у катта миқдорда бўлса. Яна шуни таъкидлаш лозимки, қўпол равишда қонунчилиكنи бузиш, қасддан даромадларни яшириш ва оддий ҳисобларда хатоларга йўл қўйиш ҳам солиқ қонунчилиги томонидан бир хил жазоланади ва улар ўртасида қатъий чегара белгиланмаган.

Солиққа тортиш базасини ҳисоблашда, солиқ базасининг; маҳсулотни сотишдан тушум, харажатлар, ҳисобот фойдаси ва бошқалар бухгалтерлик ҳисоби қоидаларига кўра шаклланиши асос қилиб олинади.

Солиққа тортиш мақсадларида эса солиқ базаси тегишли солиқ қонунлари бўйича аниқланади. Бухгалтерия ва солиқ ҳисобларида иқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблашга турлича ёндошишлари, солиқ тўловчиларнинг бюджет олдидаги мажбуриятларини баъжариш билан боғлиқ ишларни мураккаблаштиради, бу эса молиявий жарималарга олиб келувчи қўплаб хатоларнинг юзага келишига шароит яратади.

Шартномаларнинг бузилишига доир жарима ва пеняларнинг юзага келиши ҳам кўп ҳолларда корхоналарга боғлиқ бўлмаган сабаблар билан занжирли тартибда корхоналар ўртасида уланиб кетган дебиторлик, кредиторлик қарзларнинг мавжудлиги, нархларнинг ошиши, молиявий ресурсларнинг етишмаслиги ва бошқалар сабаб бўлади.

Шуларни эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқариш, қурилиш соҳаси корхоналарида тўланган жарима ва пеняларнинг даромад (фойда) солиғи базасига киритилишини тўғатиш лозим. Бунда бу тармоқларни қўллаб қувватлаш зарурати, шунингдек жарима ва пеняларнинг юзага келиш сабабларини эътиборга олиш зарур деб ҳисоблаймиз. Чунки шартномалар ва қонунлар қасддан бузилмайди, ҳеч қайси хўжалик атайлаб жарима тўламайди. Агар жарима тўлаган бўлса корхонага шу жазонинг ўзи етарлидир. Тўғри, бунда жарима ва пеняларнинг тўланиши эвазига даромад (фойда) солиғи базаси камайиши мумкин. Аммо бюджет бунда умуман олганда ютқазмайди. Чунки солиқ қонунчилигини бузганлик учун жарима ва пенялар тўлиқ суръатда қўшимча даромад сифатида бюджетга ўтказилади. Агар жарималар бошқа корхоналарга тўланган бўлса, бу жарима суммаси уни олган корхонанинг даромади сифатида фойда солиғи базасига киритилади. Шунинг учун ҳеч бўлмаганда бошқа корхоналарга тўланган жарималар солиқ базасига киритилмаслиги шусиз ҳам молиявий аҳволи оғир бўлган корхоналарга имконият беради.

Солиқ базасини шаклланишидаги яна бир муаммо товар моддий

бойликларни қайта баҳолаш билан боғланган. «Маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқариш ва сотиш таннархига кирувчи харажатлар таркиби ва молиявий натижаларнинг шаклланиши» тўғрисидаги Низомга асосан товар-моддий заҳиралар (ТМЗ) қийматининг инфляция муносабатлари билан қайта баҳоланиши улар қийматининг ошиши фойда таркибида кўрсатилмайди. Аммо солиқ солиш мақсадларида фойда солиғи базасига қўшилади. Бу албатта нотўғри амалиёт, чунки бу ерда корхона учун ҳақиқатда ҳеч қандай фойда йўқлигига қарамай корхона иштиёрида қоладиган фойда камаяди. Оширилган қийматдаги ТМЗни қайта ишлаб сотишдан тушум такрор ишлаб чиқариш учун яна ТМЗ сотиб олишга ҳам етмаслиги мумкин, айниқса ҳозирги нархларнинг тўхтовсиз ўсиши шароитида. Бу ерда қўшимча даромад бўлиши мумкин эмас.

Худди шундай асосий воситаларни унинг сотиш қиймати ва қолдиқ қиймати ўртасидаги фарқ солиққа тортиладиган даромад сифатида қабул қилинади. Аммо бу ерда инфляция индекси ҳисобга олинмайди.

“Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда қуйидаги аҳволни кузатиш мумкин: юзага келган нархларда фойда пасайтирилган амортизация эвазига ортади, бу эса ҳаддан ташқари юқори ҚҚС ва тез эскириш оқибатида корхона иқтисодига сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатади. Бундай аҳвол инфляция шароитида асосий фондларнинг ўз вақтида қайта баҳоланмаслиги оқибатида янада оғирлашади. Бу ўз навбатида асосий фондларнинг тўлиқ амортизация қилинмаслигига олиб келади ва асосий ишлаб чиқариш фондларини оддий, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш муаммоларининг кескинлашувига олиб келади. Натижада бу нарса маълум маънода янги технологияларни тадбиқ қилиш учун корхонанинг хусусий инвестиция маблағларини ўстириш ва иқтисодни тўлиқ тўзилмавий қайта куриш муаммолари мураккаблаштиради” (17, 9-бет).

ҚҚС базасининг шаклланиш хусусиятлари устида ҳам тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Солиқ қонунчилигида маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотиш обороти солиқ базаси деб кўрсатилган ҳолатлар ҳам қўлланилди. Агар тўлиқ сотиш оборотидан солиқ тўланса у оборот солиғига айланади. Аммо ҚҚС кўп босқичли солиқ бўлганлигидан ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш)нинг ҳар бир босқичида яратилган қўшилган қийматни солиқ базаси деб ҳисоблаш тўғри бўлади. ҚҚСни ҳисоблашда тўлиқ оборотдан ҳисобланган ҚҚСдан ҳам ашё материаллар учун тўланган ҚҚС айириб ташланади. Солиқ базаси сифатида тўлиқ оборотни олиш уни сунъий кўпайтириб кўрсатади. Чунки оборотлар ҳар босқичда кенгрок ҳолда такрорланади. Солиқ базаси сифатида қўшилган қиймат дейилганда маҳсулот сотиш обороти билан ҳам ашё ва бошиқа моддий харажатлар ўртасидаги фарқ тушунилиши лозим.

Мол-мулк солиғи, эсимоний шахслар даромад солиғи каби солиқларнинг солиқ базасига кирувчи элементларни таҳлил қилганимизда ҳам бир қанча

муаммоларни борлигини кўришимиз мумкин. Бу муаммолар солиқ базаларини белгилашда асосан фискаллик нуқтаи назаридан ёндашилганлиги билан боғлиқдир. Бунда фискаллик солиқ базасини аниқлашда инфляция индексини қўллагаслик, қайта баҳолаш, харажатларни ҳисобга олмаслик орқали амалга оширилмоқда.

Шундай қилиб, солиқ базаси элементлари таркибини шаклланишини тартибга солиш ва уни такомиллаштиришда унинг реал элементларини, реал даромадларни эътиборга олиш лозимки, бу солиққа тортиш тизимининг адолатли таъкил этилишига, хўжалик субъектларининг самарали иқтисодий фаолият юритишларига замин тайёрлайди.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. «Солиқ базаси» тушунчасини қандай ифодаб бериш?
2. Солиқ базасининг солиқ ставкаси ва солиқ юкига қандай алоқаси бор?
3. Юридик шахслар даромад (фойда) солиғи базаси шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари қандай?
4. Юридик шахслар даромад (фойда) солиғи базасига кирувчи ва чегирилучи элементлар шаклланишидаги мавжуд бўлган қандай муаммоларни таъкидлаб ўта оласиз?
5. Қўшилган қиймат солиғи базаси шаклланишининг қандай ўзига хос хусусиятлари бор?
6. Қўшилган қиймат солиғи базаси шаклланишида қандай муаммолар мавжуд ва уларни бартараф этиш йўлларини таклиф эта оласизми?
7. Республикаларда солиқ базаларини шаклланишини оптималлаштиришнинг қандай йўлларини таклиф эта оласиз?

1. Солиқ муносабатларини оптималлаштириш дейилганда нима тушунилади?

- A) Солиқ муносабатларини математик моделлаштириш
- B) Солиқ муносабатларини ривожлантириш
- C) Солиқ муносабатларини ривожлантиришда инфор­мациялардан кенг фойдаланиш
- D) Солиқ муносабатларини ташкил қилишнинг иқтисодий ривожланиш ва бюджет даромадларини кўпайтириш таъминлайдиган мукамал вариантларини аниқлаш
- E) Солиқ тўловчилар ва давлат солиқ органлари ўртасидаги муносабатларни мукамаллаштириш

2. Давлат томонидан иқтисодиётни солиқлар воситасида тартибга солишнинг дастлабки назарияси кимга тегишли?

- A) Классик назария А.Смит, У. Петти, Д. Рикардо, Н.Самуэльсон ва бошқалар
- B) Кенйс назарияси
- C) А. Леффер назарияси
- D) Монетаризм назарияси – Милтон Фридман
- E) Таклиф иқтисодиёти назарияси

3. Солиқ муносабатларини оптималлаштиришнинг ташкил этишда давлатнинг роли қандай ифодаланади?

- A) Давлат солиқ хизмати органларини тузади ва улар фаолиятини ташкиллаштиради
- B) Иқтисодиётни бошқаришнинг давлат механизмининг бир қисми сифатида солиқ сиёсатини, таъминларини ишлаб чиқади ва амалга оширади
- C) Солиқ муносабатларини оптималлаштириш мақсадида солиқ қонунчилигини ишлаб чиқади ва иқтисодий шарт шароит ўзгариши билан уларга тегишли ўзгартиришлар киритиб боради
- D) Солиқ тўловчилар даромадларини, бинобарин солиқ тушумларини кўпайишига салбий таъсир кўрсатувчи иқтисодий вазиятлар юзга келганда бир қатор чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилади ва амалга оширишнинг назорат қилади
- E) Давлат бозор конъюктурасини ўрганиш, талаб ва таклифни мослаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, йирик инвестицияларга маблағ ажратиш орқали солиқ муносабатларига таъсир кўрсатади

4. Солиқлар воситасида протекционизм сиёсатини олиб боришнинг ижобий томони қайси?

- А) Мамлакат ичида рақобатнинг йўқлиги миллий ишлаб чиқаришни ташкил қилишда ижтимоий ва табиий ресурсларнинг ортқича сарфланишига олиб келади*
- В) Чет эл ишлаб чиқарувчисининг мамлакат ичидаги монопол ҳолатини чегаралайди*
- С) Бошқа давлатларда ҳам жавоб чораларининг кўрилиши оқибатида экспорт даражаси камайиб ташқи савдо обороти пасаяди*
- Д) Тикланаётган миллий ишлаб чиқариш тармогини вақтинчалик қўлаб-қувватлайди*
- Е) Аҳоли даромадларининг катта қисми импорт божлари орқали қўлаб-қувватланаётган соҳага кетади ва бошқа соҳалар ривожланиши пасаяди.*

5. Солиқлар бўйича боқимандаликнинг юзага келиши ва кўпайиши ҳозирги иқтисодий шароитимизда асосан нима сабабдан юзага келмоқда?

- А) Солиқ тўловчиларнинг тўловга лаёқатсизлиги*
- В) Корхоналар ўртасида дебиторлик қарзларининг кўпайиши*
- С) Корхоналарнинг молиявий-иқтисодий қийинчилик ҳолатида эканлиги*
- Д) Солиққа тортиш даражасининг юқорилиги*
- Е) Давлат буюртмалари ва харидлари бўйича ишлаётган хўжалик субъектларидан давлатнинг қарздорлиги кўпайиб бораётганлиги ва давлат харид нархларининг нисбатан паслиги*

6. Солиқлар воситасида иқтисодиётни тартиблаш механизми деганда нимага тушунасиш?

- А) Солиқларнинг давлат бюджетини даромадлар билан таъминлаш функциясини*
- В) Солиқларни ўрнатиш ва ўзгартириш орқали иқтисодий жараёнларга таъсир этиш функциясини*
- С) Солиқ сиёсати орқали иқтисодий жараёнларни тартиблашни*
- Д) Иқтисодий ричаглар асосида иқтисодиётни бошқаришни*
- Е) Солиқларни режаслаштириш ва солиқ назоратини ташкил қилишни*

7. Солиқлар воситасида иқтисодий жараёнларга қандай усулда таъсир этиш мумкин?

